

74.261.8
М63

**МИРҚОСИМОВА МАРҒУБА,
УСМОНОВА ОЙИСТАХОН**

**БАДИЙ АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ
ВОСИТАСИДА ЎҚУВЧИЛАР
МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
УСУЛЛАРИ**



FF0000018213

Тошкент – 2012

74.26/8
M63

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МИРҚОСИМОВА МАРҒУБА,
УСМОНОВА ОЙИСТАХОН

БАДИЙ АСАРЛАР ТАҲЛИЛИ ВОСИТАСИДА
ЎҚУВЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ
УСУЛЛАРИ

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSADO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Nizomly nomli
T D P U
kutubxonasi

~~4 785674~~

Тошкент - 2012

Ўзбекистон адабиёти
кутубхонаси

Мазкур услубий қўлланмада бадиий асарлар таҳлили воситасида ўқувчи-
ёшлар маънавиятини юксалтириш усуллари ёритилган бўлиб, соҳа
мутахассислари, адабиёт ўқитувчилари ва талабалар эътиборига ҳавола
қилинади.

Услубий қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгаши ҳамда
“Ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси” кафедрасида муҳокама қилиниб,
нашрга тавсия этилган.

Тақризчилар:

педагогика фанлари доктори, профессор
Роза Ниёзметова
педагогика фанлари доктори, ТДПУ профессори
Улфат Махкамов



© Низомий номидаги ТДПУ



МУНДАРИЖА

4

Кириш.	4
Киришчи боб. Истиклол даври адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига таяниб ўргатиш.	
1.1 Истиклолгача бўлган давр мактаб адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг аҳволи	9
1.2 Ёзувчи ҳаёти ва ижодини янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига таяниб ўргатиш мазмуни.....	18
1.3 Адабий таълимга илмий методик ҳамда технологик ёндашув тамойиллари.	26
Иккинчи боб. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда талқин ҳамда таҳлилнинг ўрни	
2.1 Ижодкор шахс қиёфасини ўргатишда адабий талқиндан фойдаланиш.	41
2.2 Ёзувчи ижодини адабий таҳлил асосида ўргатиш	62
2.3 Насрий асарларни таҳлил қилишда илғор ва самарали таълим усулларидан фойдаланиш.....	87
Учинчи боб. Илғор педагогик технологиялар воситасида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш	
3.1 Ўқув машғулотларини педагогик технология ёрдамида лойиҳалаштириш	97
3.2 Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш	113
3.3 Таълим технологияларидан фойдаланиш буйича тавсиялар	122

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётнинг истиқболли йўлига кирди. Айниқса, таълим соҳасидаги туб ислохотлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки ёш авлоднинг имкониятлари ва қобилиятларининг такомиллашувида таълим бўғинлари алоҳида аҳамиятга эга. Таълим ёш авлоднинг жамиятдаги ўрнини топишида ҳам зарурий жабҳа ҳисобланади. Зотан, маънавиятли ёшлар жамият бойлигидир.

Мустақиллик даврида адабиёт ўқитиш методикаси фани ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш муаммосига янги тамойиллар асосида ёндашув орқалигина ижодкор шахс қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида жонлантириш мумкинлигини исботлади. Зеро, ижодкор қиёфасини унинг руҳиятига алоқадор мураккаб, зиддиятли, яширин жиҳатлари билан кенг кўламда талқин этиш ниҳоятда қийин жараёндир. Ижодкор ўз асарларини яратар экан, унинг марказидаги инсон қиёфасида, образ руҳий олами тасвирида ҳамоҳанг хусусиятлар, туйғу ва кечинмаларни ифода этиши табиий. Ижодкор маҳорати ҳам инсон қалбини қай даражада ҳаққоний тасвирлай олиши билан белгиланади. Ижодкор инсон руҳияти манзараларини ўзига хос, бошқаларга ўхшамаган тарзда кашф этиш истеъдодига кўра бетакрордир. Ҳар бир истеъдод эгасининг ўз руҳий олами, эътиқоди, шахс сифатидаги хислат ва фазилатлари, тафаккур тарзи, таъсирланиш йўсинининг айричалиги унинг ижодкор шахс сифатидаги қиёфасини белгиловчи хусусиятлар ҳисобланади. Айнан шу жиҳатларига кўра ижодкорлар адабиётда ўзига хос услуб эгаси сифатида ижод намуналарини яратадилар.

Адабий таълимда ҳамиша ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш воситасида унинг шахс сифатларини ҳамда яратувчи ижодкорга хос қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида жонлантириш орқали намуна тарбиясига эътибор қаратилган. Муайян ижодкорга хос бадий тафаккур тарзини ўрганиш, ёзувчи кечинмаларига кечинмадошлик, ҳамфикрлик ҳолатини юзага келтиришдаги ўқитувчи маҳорати

Билан боғлиқ жараёнларига кам эътибор қаратилган. Мазкур услубий кўламинда айни шу жараённи барча мураккабликлари билан асарлар таълимига уйғун тарзда ёритиш усуллари кўрсатилган. Ижодкорнинг яратувчи вакилликдаги ўзига хос хусусиятлари, истеъдоди, маҳорат қирралари, бетақорор услубини ўргатишда адабий таҳлил ва талқиндан фойдаланиш усуллари ёритилган. Ўқувчи-китобхоннинг эстетик дидини юксалтиришга, асарни яратишда Ёзувчи руҳиятида кечган ҳолатлар моҳиятини англаштишга, тўғриликларини ўқувчи калбида қайта жонлантиришга эришиш йўллариини аниқлаш орқали ўқувчида ҳам ўзига хос муайян туйғу ва фикр, нуқтаи назар, нуқтаи назар-муҳокама, муносабатни юзага келтириш мумкин. Бу хусусиятлар эса бу муқтадил фикри ва нуқтаи назарига эга ёшлар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Муқтадиллик йилларида талқиннинг асосий таянчи услуб таҳлили кўламинг филологик жиҳатдан асослаб берилди.¹ Услуб – бетақорорлик, ўзлик, санъаткор қиёфаси, нуқтаи назари, маҳоратини кўрсатувчи моҳият. Шу боис, бүгунги адабий таълимда ижодкор ҳаёти ва фаолиятини ўргатишдаги марказий бўлини унинг ўзига хос услубини таҳлил ва талқин қилиш ташкил этиши лозим. Ёзувчининг ўзига хос услуби унинг бетақорор бадий оламини ўрганиш «квали»дир. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини самарали таълим усулларига таяниб ўргатиш орқали бадий олам яратган истеъдод эгаларига хос бетақорор хусусиятларини очиб бериш воситасида яратувчи Шахс даражасини забт этишга ўқувчинин даъват қилиш ва руҳлантириш мумкин; зеро, ўқувчига юрт даражасига дардқашлик, халқ орзу-умидларини ҳаққоний тасвирлаш орқали сўз санъаткорлари шу эл ардоғига сазовор бўлганликларини англашти; истеъдод қарорати ила яратилган санъат асарларида ижодкор қиёфаси, бетақорор руҳияти, кўнглидаги ранг-баранг кечинмалар табиийлиги билан акс этганлигига ишонч ҳосил қилдириш воситасида ўқувчида ижодкорга нисбатан туйғудошлик қиёсини таркиб топтиришга эришиш мумкин. Бир сўз билан айтганда,

¹ Раҳимов А. Талқин, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006. -232 б.

яратувчиликка, эзгуликка, гўзалликка интилувчан ёшларни тарбиялаш, улар кўнглида етук инсонларга ҳавас ҳиссини уйғотиш, эл эъзозига сазовор бўлган сўз санъаткорлари каби қалби уйғоқ шахсларни вояга етказиш мумкинки, ушбу масалалар мазкур услубий қўлланмада ёритилди.

Адабий таълим методикаси соҳасида ижодкор ҳаёти ва фаолиятини ўргатиш, бадий асар таҳлили муаммоси ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб изчил тадқиқ этилган. Мустақилликкача бўлган даврда яратилган кўплаб тадқиқот ва мақолаларда муаммонинг у ёки бу жиҳатдан ёритилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, К. Жўраевнинг «Мақтабда Ойбекнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш», С. Исмаатовнинг «Мақтабда А.Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганиш», У. Салоҳиддиновнинг «Ҳамид Олимжоннинг ҳаёти ва ижодини мактабда ўрганиш», Р. Усмоновнинг «Оқори синфларда ёзувчи биографиясини ўрганиш», Т. Абдукаримов ва А.Шукуровларнинг «10-синфда Зулфия ижодини ўрганиш», Ш. Орифийнинг «Мақтабда Уйғун ҳаёти ва ижодини ўрганиш» каби қўлланмалари яратилган.

Илмий-тадқиқот ишлари асосида яратилган мазкур методик рисоаларда мактабда ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўргатиш масаласи ўша давр мафқураси талабларига мос тарзда бадий ижодга партиявийлик, ғоявийлик, синфийлик мезонлари асосида ёндашув воситасида тадқиқ этилган. Ижодкор шахс киёфасини белгилашда ҳам мафқуравий мезонлардан келиб чиқиб, унинг сиёсий қарашлари, синфий ва ғоявий этиқодига таяниб иш тутилган ва айни шу жиҳати билан уларни ўқувчига ўрнат қилиб кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Ижодкор таржимаи ҳоли бу борада «ҳал қилувчи хужжат» вазифасини бажарган. Биографик маълумотларда ҳар бир ижодкорнинг ижтимоий келиб чиқиши, маълумотни қаерда олганлиги, ғоявий-сиёсий ташкилотларга қачон, неча ёшда аъзо бўлганлиги, ижодининг ғоявий йўналиши, мафқуравий хусусиятлари, асарлари мавзусининг қай даражада синфий ёки долзарблигига жиддий эътибор берилган. Тадқиқотчилар ижодкорнинг «соғлом мафқуравий киёфасини» белгилаб олгач, асарларини социалистик реализм талаблари асосида таҳлил қилишга киришганлар. Афсуски, уларда ижодкорнинг истеъдод

таълим сифатидаги ижодий қиёфасини ўргатиш, ўқувчига унинг инсоний қадрини очиб бериш орқали яратган бадиий оламнинг бетакрорлик элементларини аниқлаш, асарларининг бадиий ўзига хослигини тадқиқ этиш мавқеи белгиланмаган. Мактаб адабий таълимига эстетик таҳлил ва талқинни қўшиб киритиш йуллари белгиланмаган. Ижодкорларнинг образларни ўзига хос тарзда тасвирлаш ва талқин этиш, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланиш орқали инсон маънавий-руҳий дунёсини очиб беришдаги маҳоратини ёритишга муайян даражада эришилган.

Муस्ताқиллик йилларида яратилган маънавий тарбия масалаларини ўргатиш монография, рисола ва илмий-тадқиқот ишларида масалага янгича ёнаниш кўнга ташланади¹. Хусусан, Қ.Йўлдошев, Б.Тўхлиев, С.Матчонов, М.Мирқосимова, Р.Ниёметова, Қ.Хусанбоева сингари олимларнинг айрим ишлари ва тадқиқот ишларида шоир ёки ёзувчи ижодининг етакчи элементлари, ўзига хос бадиий олами, услуби таҳлил этилган.² Методист олим Б.Йўлдошев «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари» номи билан кўп қисмда «...адабиёт дарсларида ҳамisha ёзувчиларнинг таржимаи асарларига онд маълумотлар берилади. Бу маълумотлар, кўпинча, бир неча синфларда такрор-такрор келтирилади ва бири-биридан жиддий фарқ кўрсатмайди. Юқори синфларда эса таржимаи ҳолга жуда катта ўрин ажратилиб, адабнинг қадри ва ижод йўлига анча батафсил тўхталинади. Шу вақтга қадар мавқеа бўлиб келган дарсликлардаги бу хил маълумотларда асосий эътибор адабнинг индивидуал қиёфасини, инсон сифатидаги ўзига хослигини, ижодкор сифатидаги руҳиятини очишига эмас, балки айна шу жиҳатларни кўрсатишга хизмат қилар эди. Шунинг учун ҳам ўқувчиларимиз адибларни

¹ Ҳали С. Муस्ताқиллик маънавияти ва тарбия асослари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик И.А.Каримов асарлари инсониди). 2-тўлдирилган ва қайта ишланган нашри. –Т.: Ўқитувчи, 1997. –256 б.;

Мулломова О. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг самарали шакл ва усуллари. –Т.: Фан, 1993. –200 б.; Нишонов С. Шарқ уйғониш даври педагогик фикр тараққиётида баркамол ўқув тарбияси. Пед. фан. док. ... дисс. –Т.: 1988. –289 б.

Йўлдошев Б. Ўқитувчи китоби. (7-синф дарслик мажмуаси учун) –Т.: Ўқитувчи, 1997. –230 б.; Тўхлиев Б. Адабий ўқитиш методикаси. Т.: Янги аср авлоди, 2010. –52 б.; Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил қиёфасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари. Монография. –Т.: Фан, 2006. –112 б.; Матчонов С. Ўқувчи раънаи биласизми? –Т.: Ўқитувчи, 1993. –114 б.; Хусанбоева Қ. Адабий таълимда муस्ताқил фикрлашга

фақат исму шарифи ва ёзган асарларидангина фарқлай олишарди, холос,»¹ - деб ёзган ва барчанинг диққатини ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишдаги асосий камчиликларга тортган. Дарҳақиқат, ўтган аср ўзбек методикасида Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек каби сўз санъаткорларининг жуда ўхшаш талқиндаги таржимаи ҳолига асосий эътибор қаратилиб, ўзига хос бетакрор ижодий қиёфага, руҳиятга эга ижодкор эканликлари эътибордан четда қолган.

Филология фанлари доктори Б. Тўхлиев «Адабиёт ўқитиш методикаси» номли дарслигида ҳам ёзувчи таржимаи ҳолини ўргатиш масаласига тегишли куйидаги мулоҳазаларни баён қилган: «Бадий асарларни ўрганишда унинг муаллифи ҳақидаги маълумотлар ҳам айрича аҳамият касб этади. Бу маълумотлар кўпинча, асарнинг ғоявий бадий мазмунини теранроқ англашда, асарнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тўғри белгилашда ёрдам беради. Мазкур маълумотлар қаерлардан олинади? Уларни адибларни ўзлари ёзиб қолдирган таржимаи ҳоллардан, адиб ҳақида айтилган замондошлари, унинг тенгдошлари, устозлари ёки шогирдлари, таниш-билишлари ёки ёзма ҳолида етиб келган манбалардан олинishi мумкин. Бу борадаги энг яхши омиллардан яна бири адиб ва ёзувчиларнинг асарларида сақланиб қолган материаллардир».² Шуниси ҳам борки, муаллиф шахсияти унинг асарларида турли даражада акс этиши мумкин. Демак, ўқувчи «бадий асарнинг ижодкор шахсиятининг ифодачиси эканлигини англаб етгандан кейингина асар моҳияти ҳам, муаллифининг нуқтаи назари ҳам ўқувчига тўлароқ ва теранроқ тушунилади. Шундагина муаллифнинг адабиётга, жамиятга, шу халқ ва миллатга бўлган муҳаббати ва хизматлари тўла идрок этилади».³

Бундай қарашларни муайян даражада тўлдириб, адабий таълимда ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўрганишдан кўзланувчи бош мақсад яратувчи шахсга хос хислатларни ўқувчи кўз ўнгида жонлантириш, намуна тарбиясини адо этиш

ўргатиш асослари. –Т.: Ўзинкомцентр, 2003. – 103 б.; Ниёзметова Р. Узлуксиз таълим тизимида ўзбек адабиётини ўрганиш методикаси. Монография. – Т.: Фан, 2007. – 215 б.

¹ Ёўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –63-б.

^{2,3} Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Янги аср авлоди, 2010. – 113-б., 117-б.

...ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос, бетакрор бадий оламига ўқувчини
...тарб, унинг жонбасидан, гўзаллигидан баҳра олишига, ижодкор
...қилишга аълои белги ва хусусиятларини хис қила олишларига эришиш
...қилишга аълои деб ҳисоблаймиз. Мазкур услубий қўлланмада бадий
...қилишга аълои ўқувчи-ёшлар маънавиятини юксалтириш омили сифатида
...қилишга аълои йўллари ёритилган. Қўлланма соҳа мутахассислари, адабиёт
...қилишга аълои ва талабалар эътиборига хавола қилинади.

БИРИНЧИ БОБ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА ЁЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЯНГИЛАНГАН ПЕДАГОГИК ТАФАККУР ТАМОЙИЛЛАРИГА ТАЯНИБ ЎРГАТИШ

1.1. Истиқлолгача бўлган давр мактаб адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг ахлоли

Шуру даври адабий таълимида ижодкор ҳаёти ва фаолиятини
ўргатишнинг ахлолига эътибор қаратсак, қуйидагиларнинг гувоҳи бўламиз:

1. Истиқлолгача бўлган давр ўрта мактаблар адабий таълимида 4-7-
синфларда бир катор ижодкорларнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар
ёритилиб, улар яратган муайян асарлардан парчалар ўқиб ўрганиш назарда
тутилган. Бу материаллар 9- ва 10-синфларда айна шу ижодкорлар ҳаёти ва
ишларини адабий тарихий курс сифатида батафсил ўрганиш учун тайёргарлик
таълимчи вазифасини ўтаган. Методист олим С.Исмамов ўзининг «Мактабда А.
Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш» номли методик қўлланмасида бу хусусда
қўлланмаларини баён этган: «IV-VI синфларда олиб бориладиган адабиёт
намуналарида ўқувчилар гоёвий-ахлоқий жиҳатдан тарбияланадилар ва совет
кишиларига хос энг яхши фазилатлар ҳақида дастлабки тасаввурга эга
бўладилар. IV-VII синфларда адабий асарларни ўқиш-ўрганиш орқали

Ўқувчилар адабиёт фанидан, адабиёт назариясидан элементар маълумотга эга бўладилар. IV-VII синфларда бадий асарлар адабий ўқиш йўли билан ўрганилади».¹

Бошқа бир методист олим К.Жўраев эса «Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш» номли методик рисоласида 10-синфда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш учун ўша давр ўқув дастурида 14 соат вақт ажратилганлигини таъкидлаб, бу соатларни қуйидагича режалаштиришни таклиф қилган:

1. Ойбекнинг болалик, ёшлик йиллари, дастлабки ижоди.....1 соат
2. Ойбекнинг 30-йиллардаги ижоди. Поэмаларининг тематикаси ва асосий образлари..... 2 соат
3. «Қутлуғ қон» романи тексти устида ишлаш ва таҳлил..... 7 соат
4. Ойбекнинг Улуғ Ваган уруши ва урушдан кейинги даврдаги ижодининг обзори..... 2 соат
5. Ойбек ижоди бўйича ёзма ишлар..... 2 соат²

Бундай режадаги дарсларнинг асосий мақсади сифатида «Ойбекнинг ёшлиги, ўқишга ҳаваси, китобга мухаббати, илк ижоди ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш билан бирга шоирнинг босиб ўтган ҳаёт йўлини; биринчи беш йилликлар даврида ёзган шеърлари орқали совет халқининг улуғвор ғалабаларини зўр пафос билан ифодаланганлигини тушунтириш» белгиланган.³

2. Бу давр мактаб адабий таълимида бадий асарларнинг ғоявий мазмунини ўргатиш бош мақсад қилиб белгиланган. Айти мақсаддан келиб чиққан ҳолда адабий таълимда асардаги образларни ижобий ва салбийга ажратиш, уларга характеристика бериш жараёнида қандай маслак ва ғоянинг эгаси эканига кўра у намоён қилувчи ахлокий сифатлар тавсифланган; хулосада бу қахрамон оддий меҳнатқаш, ҳалол, содда, камбағал синф вакили эканига кўра ижобий ва аксинча бўлса, салбий тип сифатида баҳоланган. Яна ўша «Мактабда Ойбек

¹ Исमतов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: Ўқитувчи, 1978. – 7-6.

² Жўраев К. Мактабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: Ўқитувчи, 1974. – 3-5.

³ Ўша манба, 3-б.

1981 ва йилнинг ўрганиш» номли методик қўлланмада «Қутлуг қон» ҳақида қўлланмачи фикр билдирилади: «Ижобий ва салбий образлар таърифловчиликни кузатиб чиққан ўқувчилар ҳақиқат билан ҳақсизлик, ҳақсизлик билан эҳсонлик, мардлик билан зўрлик, умуман, эксплуататорлар билан қўлқўрғинчи қилинувчилар ўртасидаги муросасиз кураш «Қутлуг қон» романида ўзининг юксак бадий ифодасини топганини тушуниб оладилар»³

Қўлқўрғинчи, бадий адабиёт намуналарини ўрганиш асосида зинҳор унинг «Эксплуатация қилувчи ва қилинувчилар» ўртасидаги муросасиз курашини кузатиш ё ўрганиш масаласи турмаслиги керак. Негаки, шох ва ёрқон ёки бадий жиҳатдан юксак санъат асарларининг жозибасини туйиш, шунинг унинг бой, мураккаб дунёси орқали англаш «ёзувчи бундай демокчи», «шунинг бундай ҳулоса чиқаринг» тарзидаги ўғитбозлик билан амалга оширилган жарабидир. Афсуски, истиклолга қадар адабий таълимда ана шундай «таълим»даги ҳукм-ҳулосаларни ўқувчига сингдиришга уриниш ҳақиқатан ҳам кўпчилик қилган. Бадий асарларни ҳам биринчи галда ғоявий-маърифий жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш етакчи тамойил сифатида қабул қилинган.

3 Истиклолгача бўлган даврда ёзувчи таржимаи холини ўргатиш қатъий тарғиблик принцип асосида амалга оширилган. Бу тамойил биографик фактларга тавнишни тақозо этган. Натияжада, ўқитувчилар ижодкор шахсини фактлар, саналар, рақамлар орқали тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Ёзувчининг тутилган йили, қайси мактаб ёки олий сеқув юртини қачон, неча йилда тутилганлиги, қачон комсомол ё партия аъзоси бўлганлиги, илк ижоди қайси йилдан бошлангани, қайси ташкилотларда хизмат қилгани ҳақидаги баъзафен, зерикарли маълумотлар баён қилинган, ижодидан намуналар ўрганилган. Ваҳоланки, ижодкор шахс киёфасини ўргатиш орқали унинг ижодий лабораториясига кириш кўзда тутилади. Ўқувчи ижодкорнинг ўзининг хос хусусиятларини, нуқтаи назарини, мушоҳада тарзи, тафаккури,

³ Тамойил, 87-б.

дунёқараши, ҳаётга ва инсон шахсига муносабатини англашга эришсагина унинг ижодий услубини идрок эта олади, ижодкор шахсини англашдан ижодининг эстетик хусусиятларини англашга киришади.

4. Истиклолгача бўлган давр адабий таълимида Ёзувчининг ижодини ғоявийлик, партиявийлик ва синфийлик каби талаблар асосида ўргатиш, адабиётни «партия адабиёти» сифатида талкин ва таҳлил қилиш етакчи мезон бўлганлиги учун адабий таълим тизимидан ана шу талабларга жавоб берадиган асарларгина ўрин олган. Мактаб адабий таълимига эстетик таҳлилни олиб кириш имконияти чекланган. Ҳатто Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари ўзига хос услуби билан танилган сўз санъаткорларининг ижоди ҳам айна шу тамойилларга таяниб ўргатилган. Фикримиз далили сифатида С. Исматовнинг «Мактабда Абдулла Қаҳҳор ижодини ўрганиш» га оид дарс режасини келтириб ўтамыз:

«Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди лекция методи билан олиб борилади, шунинг учун мазкур темага бағишланган дарс ўқитувчининг лекцияси билан ўтказилади. Биз куйида шу лекциянинг тахминий планини тавсия қиламыз:

1. Абдулла Қаҳҳорнинг ўзбек совет адабиёти тараққиётида тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот.

2. Ёзувчининг ёшлик ва ўқиш йиллари.

3. Адабий фаолиятининг бошланиши.

4. Абдулла Қаҳҳор ижодининг ўсиб бориши.»

Олим ўз фикрини давом эттириб, ёзади: «Ёзувчи ижод майдонига биринчи қадам ташлаши биланоқ соғлом позицияда туриб, ўзбек совет адабиётининг софлиги, чуқур ғоявийлиги, юксак бадийлиги учун ҳормай-толмай хизмат қила бошлади».¹ Зотан, айнан шундай талқин истиқлолгача бўлган даврда яратилган ўқув методик адабиётларда етакчилик қилишини «Мактабда Зулфия ҳаёти ва ижодини ўрганиш», «Мактабда Уйғун ҳаёти ва ижодини ўрганиш» каби методик рисоалар мисолида ҳам айтиш мумкин.

¹ Исматов С. Мактабда Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: ўқитувчи, 1978. – 25-б.

5. Истиклолгача бўлган давр адабий таълимида рецептив методлар устунлик қилганини, ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига асосланган, ижодкорликка йўлловчи, ривожлантирувчи, фаоллаштирувчи методларга кам мурожаат қилинганини кузатамиз. Методик адабиётларда ҳам адабиёт ўқитувчиларига ижодкор ҳаёти ва ижодини асосан маъруза (лекция) ҳамда суҳбат асосида ўрганиш тавсия қилинган. Бундай йўл ўқитувчини баён қилувчи, ўқувчини эса тайёр фикр-хулосаларнинг тингловчисига айлантирган, маънавий танбаллик иллоти кенг ёйилишига сабаб бўлган. Ўқувчи ўқитувчи маърузаси ва дарсликдаги тайёр фикр-хулосаларнигина ўзлаштириб олган. У ҳар бир ижодкорнинг шахслик аломатларини англамоқ, бадиий асарлардаги гўзаллик туйғусидан баҳраманд бўлмоқлик, ижодкор яратган образлар оламига кириб бориш каби завқли, ҳаяжонли ҳолатдан маҳрум қилинган.

Бадиий асарларнинг чинакам жозибасини ҳис этиш учун ўқувчи уни ўқиб, ўз қалбидан ўтказиб, бадиий сўзнинг сеҳрини туйиши талаб этилади. Бунга фақат эстетик таҳлил орқали эришиш мумкин. Ўқувчи-китобхонни ўқиган асарини қандай ҳис қилса, қандай тушунса, шундай фикрлашга ундаш, уни таҳлилга етаклаш каби ривожлантирувчи усуллардан фойдаланиш натижасидагина ўз мустақил фикрига эга маънавий юксак, бошқалар дардини англаб, ҳис қиладиган инсоннинг шаклланишига таъсир кўрсатиш мумкин. Шундай инсонларгина қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар келажакда элим деб, юртим деб ёниб яшайдилар, элу юртга наф келтирадилар. Афсуски, истиқлолгача бўлган адабий таълим жараёнида қайси ижодкор ҳаёти ва яратган асарларидан қайси бири ўргатилишидан қатъи назар ягона таълим ҳамда тарбиявий мақсад белгиланган: асарнинг ғоявий мазмунини ўрганиш; «ўқувчиларда ўтмиш қабоҳатларига нафрат, социалистик ватанга, халққа самимий муҳаббат ҳиссини тарбиялаш; совет ёшларига хос гўзал ахлоқий нормаларни шакллантириш».¹ Англашиладики, нафақат адабиёт, балки, адабий таълим ҳам социалистик мафкура тушовлари остида бўлган шароитда

¹ Жураев К. Мақтабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш. -Т.: ўқитувчи, 1974. - 10-б.

ўқувчиларни чинакам санъат асарлари таъсирида мустақил фикрлашга, эркин баҳс-мунозара юритишга ўргатиш йўллари тўсилган эди.

6. Истиклолгача яратилган дарслик ва хрестоматияларда қамраб олинган асарлар бадий жиҳатдан анчайин заиф, ғоявий нуқтан назаридан эса собик тузум мафқураси талабларига жавоб берадиган асарлардан иборат бўлган. Абдулла Қаҳҳордай буюк сўз санъаткорининг ижодида бадий жиҳатдан бир қадар ночор «Кўшчинор чироклари», «Кампирлар сим қокди» сингари асарларни ўрганиш учун алоҳида соатлар ажратилганлиги фикримизни далиллайди. «Қутлуғ қон» каби йирик насрий асарни ўрганиш барча методик адабиётларда айнан ғоявий мазмунни ўзлаштиришга қаратилиб режалаштирилган:

«1. Йўлчининг қишлоқдан шаҳарга келишининг сабаби.

2. Йўлчи ва Мирзакаримбой ўртасидаги дастлабки суҳбат.

3. Йўлчи ва Гулнор ўртасидаги муҳаббат.

4. Йўлчи билан меҳнатқашлар ўртасидаги дўстлик.

5. Йўлчига айрим воқеа ва фожиаларнинг таъсири.

6. Йўлчининг ноҳақ қамалиши.

7. Йўлчининг большевик Петровдан таълим олиши.

8. Йўлчининг халқ озодлик ҳаракатида актив қатнашиши».¹

Қолбуки, Ойбек ижодида алоҳида ўринга эга бўлган «Қутлуғ қон» романининг бадий хусусиятларини ўргатиш орқалигина адиб услуби ва маҳорати ҳақида сўз юритиш мумкин.

7. Истиклолгача бўлган давр адабий таълим методикасида метод, усул ва восита терминлари аралаш қўлланганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, С. Исматов лекция, суҳбат ёки ўқувчиларнинг мустақил ишлари кабиларни «методик приёملар» деб атаса,² К. Жўраев «лекция методи», «кенг суҳбат йўли» каби терминларни қўллаган.³ С. Долимов, Ҳ. Убайдуллаев ва

¹ Жўраев К. Мақтабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: Ўқитувчи, 1974. – 33-б.

² Исматов С. Мақтабда Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: Ўқитувчи, 1978. – 38-б.

³ Жўраев К. Мақтабда Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш. –Т.: Ўқитувчи, 1974. – 106-б.

Қ. Аҳмедов сингари ўз даврининг таникли методист олимлари «Адабиёт ўқитиш методикаси» номли дарсликлариди «лекция методи», «суҳбат методи» сингари терминларни қўллаб, дарс жараёнига нисбатан уларни тадқиқот ё репродуктив метод усуллари сифатида талқин қилганлар.¹ Улар 4-7- синфларда ёзувчининг таржимаи ҳолини кириш машғулотлари шаклида ўрганишни, 7-10- синфларда эса ўқитувчи маърузаси шаклида ташкил қилишни тавсия қилганлар.² Педагогика фанлари номзоди А. Тожиёв эса «Адабиёт дарсларида суҳбат» номли методик қўлланмасида суҳбат методи терминини қўллаган.¹ Фандаги терминларнинг бу каби ноизчил қўлланиши, шубҳасиз, таълимга ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

Бу давр адабиёт ўқитиш методикаси фани равнақига ўз фаолияти билан сезиларли таъсир кўрсатган профессор А. Зуннуновнинг «Бадиий асар таҳлили методикаси», Н. Ҳотамов билан ҳаммуаллифликда яратган «Мактабда адабиёт назариясини ўрганиш» сингари методик ва ўқув қўлланмаларида мактаб адабий таълимига эстетик таҳлил олиб киришга уриниш каби ижобий ҳаракат кўзга ташланади. Аммо олимлар мактаб ўқув дастурига киритилган асарларни ўз даврининг талаблари асосида таҳлил қилишга оид тавсияларни баён қилганки, натижада адабий асарга унинг бадииятига кўра эмас, ғоявий, мафкуравий ва синфий хусусиятларига таяниб баҳо берилган. Олимларнинг мазкур қўлланмаларида адабий асар таълими масаласига назарий жиҳатдан тўғри муносабат билдирилган. Улар таълимдаги индуктив ва дедуктив методларнинг ўрнини ёритишга эришган. А. Ҳожиаҳмедовнинг «Мактабда аруз вазнини ўрганиш», Р. Иноғомованинг «Хамса» дostonларини ўрганиш», Т. Ниёзметованинг «Мактаб адабий таълимида синфдан ташқари ишларни ташкил этишга» оид методик қўлланма ва тавсиялари, илмий-тадқиқот ишларида ҳам бир қатор илғор қарашлар мавжуд. Уларда ҳам ўқувчиларни мустақил ишга, адабий таҳлилга ҳамда ижодий фикрга жалб қилишга оид қизиқарли мулоҳазаларни учратамиз.

¹ Давлатов С., Убайдуллаев Х., Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1967. – 60-б.

² Уша манаба, 81- ва 237-бетлар.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, истиқлолгача бўлган давр адабиёт ўқитиш методикасидаги мавзуга оид илғор қарашлар билан айрим камчиликларни яхлит ҳолда ўрганиш зарурати бугунги кунда долзарб муаммога айланди. Чунки ёзувчи ҳаёти ва ижодини янгиланган педагогик тафаккур тамойиллари асосида ўргатиш бу борада методист олимлар тўшлаган бой тажрибаларни умумлаштириш ва таълим самарадорлигини таъминловчи янги омилларни, самарали усулларни аниқлаш имконини беради.

Айни пайтда сазбек адабиёт сеқитиш методикаси фани рус ҳамда қардош халқлар адабий таълими методикаси илми соҳасидаги илғор қарашлар, ютуқлар таъсирида, ўзбек методист олимларининг адабиёт ўқитиш методикаси фани юзасидан амалга оширган илмий-тадқиқот ишлари, яратган ўқув-методик адабиётлари ҳисобига бойиди, маълум даражада ривожланди. Айниқса, рус методист олимларидан М. А. Рибникова, В. В. Голубков, Н. И. Кудряшев, В. А. Никольскийларнинг хилма-хил даврда яратган илмий рисола, методик қўлланма ва тадқиқот ишларини ўзбек олимлари ўрганиб, улардан сабоқ олганликларига шубҳамиз йўқ. Истиқлолгача бўлган даврда яратилган барча методик адабиётларда ёзувчи таржимаи ҳолини куйидаги тарзда ёритиш тавсия қилинган:

1. Ёзувчи таржимаи ҳолини жонли ҳикоялаш тарзида ташкил этиш:

– гайриоддий, ўзига тортувчи бошламалар (эпиграфлар) орқали ўқувчини мавзуга тайёрлаш;

– ёзувчининг болалик ёки ўсмирлик таассуротларидан аниқ лавҳалар келтириш, ижодкор ҳаётидаги характерли воқеа-ҳодисалар, ўсмирлик йилларидаги режалари, муаллифнинг маълум ёшида ўзи учун қизиқарли бўлган ахлоқий, этик-эстетик муаммолар ҳақида сўзлаб бериш;

– ёзувчи таржимаи ҳолига боғлаб ўрганилажак бадий асарлардан кичик лавҳалар келтириш.

¹ Тожиёв А. Адабиёт дарсларида суҳбат. –Т.: Ўқитувчи, 1977. – 5-б.

2. Машхур кишиларнинг ёзувчи ҳақидаги хотиралари, мемуарлар, ёзишмалар, ёзувчининг кундаликларидан намуналар, таржимаи ҳол жанридаги асарлардан фойдаланиш.

3. Кўргазмалиликнинг ҳар хил шакллариغا мурожаат қилиш; тасвирий санъат намуналаридан фойдаланиш; тизимли жадваллар, техник воситалар, ёзувчининг ижодий портретини намоён қилиш; бадий асарларидан олинган парчаларни ифодали ўқиш; ёзувчи ҳикматларидан, танкидий қарашларидан фойдаланиш; ўқувчиларнинг маъруза ва ахборотлари баёнини ташкил этиш.

Хулоса қилганда, истиклолгача бўлган давр адабий таълимида ҳам ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш масаласи методист олимларнинг диққат марказида турган. Аммо адабий таълимнинг ўша даврдаги мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, ижодкор шахсини унинг таржимаи ҳоли асосида ўргатиш етакчи тенденцияга айлантирилган эди. Бундай ёндашув адабиётга ҳам, ижодкорга ҳам синфийлик ва партиявийлик тамойиллари билан муносабатда бўлишни тақозо этган. Меҳнатқашлар синфига мансуб ижодкор яратган асарлар ўша синф манфаатларини ифода этади, деган мафкуравий қарашлар ижодкор таржимаи ҳолини ўргатишда етакчи тамойил қилиб белгиланган. Шу сабабдан адабиёт ўқитиш методикаси соҳасида ҳам эстетик тамойилларга эмас, мафкуравий тамойилларга таяниб ижодкор кифоасини ўрганиш ва ўргатиш ишлари ташкил қилинган. Ижодкорнинг синфий ёндашуви; ҳаёт зиддиятларини тасвирлашдаги партиявий хушёрлиги; қайси синф вакиллари етакчи қаҳрамон қилиб олинлиги, бу қаҳрамонлар коммунистик жамият бунёдкори деб аталган ёш авлодга қайси жиҳатлари билан ўрнатқ бўла олиши; яратган асарлари билан шўро давлати манфаатларига нечоғли хизмат қилишига кўра танлаш ва ўқувчига танитиш вазифаси адабиёт ўқитиш методикасининг ҳам етакчи вазифаларидан бирига айлантирилган эди.



4 7856/4

1.2. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини янгиланган педагогик тафаккур

тамойилларига таяниб ўргатиш мазмуни

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб адабий таълимни миллий ўзанларига қайтариш масаласи миллий таълим тизимини яратиш, узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш каби жиддий муаммолар ечимига қаратилган давлат қарорлари, ҳужжатлар ва қонунлар асосида ҳал қилина бошланди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши, «Таълим тўғрисида»ги қонуни натижасида узлуксиз таълимнинг янги тизими юзага келтирилди, ҳар бир таълим босқичини зарур ўқув ва методик адабиётлар, малакали мутахассислар билан таъминлаш масаласи давлат аҳамиятига молик муаммога айланди. Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг янги даври – миллий мустақиллик шароитидаги мақсад ва вазифалари, объекти, ечимталаб муаммолари моҳиятан ўзгарди. Хусусан, ижтимоий-маънавий ҳаётга янгича назар билан қараш, маънавий меросимизга ҳурмат билан, миллий истиқлол ғоясига таяниб муносабатда бўлиш, адабий ҳодисаларга ҳам, ижодкор яратган адабий асарларга ҳам соғлом муносабатни қарор топтириш; уларни янги асосларга таяниб баҳолаш; бадиий асарларни таҳлил ва талқин қилишда эстетик тамойилларга таяниш устувор йўналишни ташкил этди. Истиқлол даврида айни шу йўналишда ўзларининг илмий-тадқиқот ишларини олиб борган бир гуруҳ ўзбек методист олимлари қаторида янгиланган педагогик тафаккур мазмун-моҳиятини, назарий асосларини, асосий тамойилларини таниқли олим Қ. Йўлдошев педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация иши ва бошқа илмий асарларида чуқур ёритиб берди. Унинг 7-синф учун «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси, «Ўқитувчи китоби» номли методик қўлланмаси мазмун моҳияти жиҳатидан бутунлай янги йўналишдаги дидактик ашёдир. Олимнинг «Янгиланган педагогик тафаккур ва адабий таълимнинг илмий-назарий асослари» номли илмий-методик рисоласи республикамиз адабий таълимини янги мулоҳазалар, илмий далилланган илғор қарашлар билан бойитди. Адабий таълимни янгиланган педагогик тафаккур

мохиятига яқинлаштирди ва унинг янги йўналишдаги равнақиға муҳим ҳисса қўшди.

Методист олимлардан С. Магҷонов, М. Мирқосимова, С. Нишонова, Қ. Хусанбоева, О. Мадаев, У. Долимов, Р. Ниёзметовалар ҳам ўз илмий фаолиятлари орқали республика адабий таълимини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар: жаҳон ва ҳамдўстлик мамлакатлари адабиёт ўқитиш методикаси, педагогика ва психология соҳаларидаги янги илмий қарашлар, илгор таълим усуллари, фан ютуқларидан фойдаланиб, ўзбек методикаси фанини юксалтириш йўлида иш олиб бордилар. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда аввалги тамойиллардан воз кечиш зарурлиғи давр талабига айланди.

Мамлакатимизда мустақил фикрли, билимли, ижодкор ва яратувчи шахсни шакллантиришга, унинг маънавиятини юксалтиришга, ақлий ҳамда рухий камолотини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Зотан, давлат ва жамиятни изланувчан, яратувчан, ташаббускор, тафакқурни юксак шахсларгина ривожлантира олиши давлат қарорлари, ҳужжат ва кўрсатмаларида ҳам ўз аксини топди. Бу ҳақда президентимиз И.А.Каримов қуйидаги мулоҳазаларни илгари сурган эдилар: “Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар... Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг кадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадига эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз.»¹

Дарҳақиқат, мустақиллик даври адабий таълимнинг етакчи ҳуусиятларини ўқувчи маънавиятини юксалтириш, ижодкорнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ўргатиш воситасида ёшларда ҳам яратувчилик, бунёдкорлик ҳислатларини таркиб топтириш, уларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш, ижодкор шахсига ҳос намунавий сифатлар

¹ Ёзувчиларнинг асосий асарлари. –Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1998. – 33-б.

таъсирида ўқувчиларнинг илмга, санъат ва адабиётга меҳрини, ҳурматини ўстириш; муайян ижодкор руҳиятини ҳис қилиш воситасида ўқувчиларни ўзга одамлар қалбини англашга ўргатиш, ўзгалар дардини англашга йўллаш кабилар ташкил этди. Адабий асар ва унинг яратувчисини ўқувчи ўз туйғулари, фикр-мулоҳазалари орқали таниши ва англаши лозимлиги янгиланган педагогик тафаккур тамойилига айланди. Чунки ана шундай йўл билангина санъат асарларига нисбатан ўқувчиларнинг нуқтаи назари, муносабати ва муҳаббатини шакллантириш мумкин.

Янгиланган педагогик тафаккур тамойилларидан яна бири ижодкорга яратувчи шахс сифатида ёндашиш, яъни унинг кимлиги ёки қаерда туғилгани ё қайси партия аъзоси экани эмас, балки ўзига хос бадий тафаккурини, услуби билан маҳоратини ўргатиб, сўз санъаткорининг ижодкор шахс сифатида бадий тафаккур тараққиётида тутган ўрнини белгилашга, яратган асарлари – бадий кашфиётининг умумадабий жараёндаги кадр-қимматини баҳолашга эришиш ташкил этади. «Бадий асар – хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин – ёзувчининг ижод маҳсули. Фарзанд ота-онасига ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадий асар таҳлил, талқин қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади... Уни биографик метод ёхуд бадий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади», - деб ёзади адабиётшунос А.Расулов.¹ Айни пайтда ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бадий олами томон ўқувчини етаклаш, сўз сеҳрини туйдириш, гўзаллик аломатларини ҳис қила оладиган, уни кадрлайдиган инсонни вояга етказиш адабий таълимнинг бош мақсад-муддаоси ҳисобланади. Профессор Р. Ниёзметованинг «Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари» номли педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация ишида русийзабон талабаларга ўзбек адабиёти намояндаларини тақдим этишда ана шу мақсадлардан келиб чиқиб иш юритиш лозимлиги, ўзбек ижодкорлари биографиясига оид маълумотлар билан таништиришда ёзувчи таржимаи ҳоли

билан ижодидаги уйғунликларни очиб бериш мақсадга мувофиқ эканлиги ёритилган. Олима ўзбек адиблари ижодининг ўзига хос кирраларини русийзабон китобхон тўла тасаввур этишига эришиш орқали миллий адабиётнинг қимматини белгилаш мумкин, деган хулосани асослаб берган.²

Янгиланган педагогик тафаккурнинг адабий таълимга тааллуқли навбатдаги тамойилини бадий асардан куруқ ғоя изламаслик ёхуд асарнинг «гоявий мазмуни»ни ҳикоя қилиш ёки унинг худди эртак сўзлаб бергандай ўқитувчи томонидан баён қилиниши каби самарасиз усулдан воз кечиш ташкил қилади. Аслида ўқувчининг қалбига етиб бормаган, унга таъсир қилмаган асарни таҳлил қилишдан наф ҳам, натижа ҳам йўқ. Ўқувчи сезгиларига, фикрларига таъсир кўрсатиш унинг қалбига таъсир кўрсатиш орқали юз беради. Ўқувчининг қалби забт этилган тақдирдагина унинг тафаккурини ҳаракатга келтириб, фикр-мулоҳазасини тинглаш имконига

эга бўламиз. Шу боис, истиклол даври адабий таълимида бадий жиҳатдан баркамол асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, мактаб адабий таълимига эстетик таҳлил олиб кириш устувор йўналишини ташкил қилди. Бадий таҳлил усуллари ёрдамида ўқувчиларни шеърый асарларни ёд ўқишга, умуман, бадий асар матни устида ишлашга ўргатиш орқали асарнинг бадий қудратини намён қилувчи хусусиятларини ёритиш етакчи тенденцияга айланди. Бу борада педагогика фанлари доктори М. Миркосимованинг «Адабий таҳлил методикаси», «Бадий таҳлил усуллари», «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш» каби методик қўлланмаларининг яратилиши фан равақига хизмат қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Янгиланган педагогик тафаккур тамойилларидан яна бирини адабий таълимга татбиқ этсак, шунга амин бўламизки, бадий асарлар орқали ижодкорнинг тақдири, ҳаёт ҳодисалари хусусидаги муайян саволларни «нега?» ё «нима учун?» тарзида қўйиб, асар қаҳрамонларининг кечинмалари, туйғу изтироблари

² Рахмонов А. Таъкид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006. – 75-б.

ёки ҳаёт ҳодисалари гирдобдаги изланиш-курашлари тимсолида гўё бу саволлар ечимини ифода қилгандай туюлади. Ўқувчилар аини шу саволларга мустақил изланиш орқали бадий асарни ўзлаштириш, таҳлил қилиш натижасида жавоб топишга уринсаларгина, ижодкорнинг безовта руҳини ҳис қилсаларгина натижа бўлиши мумкин: ўқувчининг мустақил ижодий фаолияти тўғри ташкил қилинса, ижодкор руҳиятини ҳис қилиб, бадий асар марказидаги саволларга жавоб топишга хоҳиш-истак уйғонади. Бора-бора бу ҳолатнинг маънавий эҳтиёж даражасига етказилишини адабий таълим воситасида амалга ошириш назарда тутилади. Адабиёт ўқитувчиси бундай ижодий фаолиятнинг ташкилотчиси ва бошқарувчиси ролини аста-секинлик билан ўқувчиларнинг ўзларига топшириши ва уларни адабий таҳлилнинг олд томонига ўтказиши лозимки, натижада, ўқувчи қаҳрамонлар қалбида рўй берадиган руҳий жараёнларни ҳис қилиб, тушуна бошлайди, инсонни англашга ўрганади.

Янгиланган педагогик тафаккур тамойилига кўра ўқувчиларга назарий билимлар беришни бевосита адабий таҳлил жараёнида амалга оширишгина самарали натижа беради. Чунки ёзувчи ҳаёти ва ижодини узвийликда ўрганиш биз кутган самарани беради.

Шеърӣ санъатлардан моҳирона фойдаланган шоир ҳатто товушларнинг жойлашиши, бандлар тузилиши, оҳанг устуворлигидан қалбини гўзалликка ватан қилиб беришга қодир лирик қаҳрамон руҳий дунёсини ўз кўнглига пайвандлаб яратади. (Чўлпоннинг «Бинафша» шеъри мисол бўлиши мумкин.) Шеърнинг атрофлича таҳлили лирик шеърятга хос бадий унсурлар, шеър тузилиши ҳақидаги тушунчаларнинг ўзлаштирилишини талаб қилади. Эпик ёки драматик асарлар таҳлили ҳам жанрга оид назарий тушунчаларни ўзлаштириш эҳтиёжини яратади. Ўқувчилар адабий асар тузилишини, конфликти, тили ёки ташбехлар, кўчим сингари воситаларнинг табиатини тушунсалар муайян асарнинг жозиба кучини англаб, бадий ижоднинг бир умрлик муҳлисларига айланиб қолишлари тайин. Ёш олима У. Марасулованинг «Ўқувчиларда

² Ниёзметова Р. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда XX аср ўзбек адабиётини ўқитиш мазмунини белгилашнинг назарий-методик асослари. Пед.фан.номз. ... дисс. автореферати. –Т.: 2000. –23 б.

адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш усуллари» номли методик кўлланмасида мазкур муаммо махсус ўрганилган, ўқувчиларга адабий-назарий билим беришнинг самарали усуллари ёритилган.¹ Энг муҳими, ёш олима ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш адабий таълимнинг бош мақсад-муддаоиси эмаслигини тўғри таъкидлайди. Аксинча, адабий-назарий тушунчаларга таяниб, биз ўқувчини ижодкор шахсига, бадиий оламига яқинлаштирамиз.

Янгиланган педагогик тафаккур тамойили ижодкорнинг ҳаёти билан ижодини бир-бирдан ажратмаган ҳолда ўргатиш ҳамда талқин ва таҳлил қилишни назарда тутди. Айниқса, А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир сингари шахси билан истеъдоди ва ижоди муайян муштаракликка эга ижодкорларнинг ҳам ижодий, ҳам инсоний қиёфасини ўқувчилар тўла тасаввур қилсаларгина улар яратган асарларни чуқур таҳлил қилишга эриша оладилар. Натижада ижодкорларнинг ижтимоий маслаги моҳияти ижодида тўла акс этганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Масалан, Усмон Носирнинг «Юрак» шеърини аввал ифодали ўқиш, сўнг ундаги туйғулар тасвирини таҳлил қилиш мумкин. Бу ҳақда адабиётшунос олим Қ. Йўлдошев 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси учун ёзилган «Ўқитувчи китоби»да шундай ёзади: «Усмон Носирнинг ҳаёти ўқувчилар учун ибрат мактаби ҳамдир. Шоир ўқувчиларни фикат асарлари билангина эмас, балки жасорат ва машаққатларга тўла ҳаёт нули билан ҳам шоир умрининг баёнига, ҳаётининг босқичларига эътибор бергани, булар ҳақида ўқувчиларга таъсирчан ва тушунарли тарзда маълумотларни етказгани тузук».¹ Шоирнинг безовта қалб тугёнларини ҳис қилган ўқувчида ҳам покиза туйғулар ниш уради. Нозик ва сермаъно шеърини тафаккурнинг шиддатли оҳанги ўқувчини ҳаяжонга солади, лоқайд қолдирмайди.

Демак, бадиий баркамол асарларни ўрганиш воситасида ўқувчининг нафкат гўзаллик ҳақидаги тасаввурлари, ҳис-туйғулари бойийди, балки у

¹ Марсаилова У. Ўқувчиларда адабий-назарий тушунчаларни шакллантириш усуллари. –Т.: 2006. –40 б.

одамларга, ҳаётга, ўз-ўзига ўткир нигоҳ билан қарашга ўргангани, лоқайдлик ва фикрсизлик, бефарқликдан фориғ бўлиб боради. Айни шу хилдаги иллатлар инсон ва жамиятни таназзулга етакловчи хатардир. Демак, янгиланган педагогик тафаккур тамойиллари ижодкор шахси ва ижодини ўргатиш воситасида ўқувчиларни яратувчи, фаол, мустақил фикрли, атрофга жиддий нигоҳ-ла қаровчи дардкаш, изланувчан шахс сифатида шакллантиришни тақозо этади. Педагогика фанлари доктори Қ. Хусанбоева ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш муаммосини тадқиқ этишга йўналтирилган «Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари» номли монографиясида мустақил фикрлашга қуйидагича таъриф берган: «Мустақил фикрлаш – инсон олдида турган муаммони мақсад ва вазифаларни белгилаган ҳолда ўз билими ва ҳаётий тажрибаларига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, ўзининг интеллектуал имкониятлари даражасида мустақил равишда ҳал қилишдан иборат бўлган ақлий фаолиятдир».¹ Бугунги адабий таълим зиммасида бола шахсини бош кадриятга айлантириш, маънавиятни шакллантириш устуворлигини таъминлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш, билим олиш ва тарбияланиш учун боланинг ўзини ҳаракатга ундаш, унга кашф этиш лаззатини туйдириш, адабий таълим жараёнида педагогик ҳамкорлик ҳукмронлигига эришиш; асарлар қаҳрамонларига ғоянинг ифодачиси... деб эмас, жонли инсон деб қарашга эришиш... сингари салмоқли вазифалар борлигини олима ўз тадқиқот ишларида атрофлича ёритган.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, янгиланган педагогик тафаккур тамойилларининг адабий таълимга татбиқ этилиши натижасида таълим мақсадлари ҳам тубдан ўзгарди: билим бериш, зарур кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириб бориш билан бирга ўқувчиларда бадиий сўздан завқланиш хусусиятини тарбиялаш, уларнинг эстетик дидини ўстириш, мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш, коммуникатив саводхонлигига эришиш, китобхонлик даражасини мунтазам юксалтириб

¹ Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси учун. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 137-б.

бориш натижасида бадий китоб ўқишни маънавий эҳтиёжга айлантириш, сўз сеҳрини ҳис қилишга эришиш шулар жумласидандир. Зеро, адабиётни тушуниш, ҳис этиш натижасидагина инсон боласида гўзалликка ташналик, эзгуликка интилиш, уни қадрлаш туйғуси таркиб топади. Бундай одамлар жамият учун ҳам керакли одамга айланади. Профессор С. Матчоновнинг «Китоб ўқишни биласизми?» номли методик рисоласида айтилиши масалага эътибор қаратилган. Олим янги жамият кишисини тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни ва роли хусусида сўз юритар экан, адабиётни соддалаштириб (демакки, жўнлаштириб) ўқувчи даражасига туширмасдан, аксинча ўқувчини адабиёт даражасига кўтариш, бунинг учун уни оддий китобхондан ижодкор китобхон даражасига етказиш зарурлигини таъкидлайди.²

Истиқлол даврида яратилган «Узлуксиз адабий таълим йўриғи» да куйидагилар ифодаланган: «Чинакам инсонликнинг асосий белгиси бошқа одамларнинг ҳолатини тушуниш, уларга туйғудош бўла билишдан иборатдир. Шу маънода, оламдаги бирор санъат тури, бирор ўқув предмети адабиётнинг ўрнини боса олмайди. Негаки, бадий адабиёт ўқувчиларнинг ҳиссиётларини шакллантириб, туйғуларини нозиклаштириб, кечинмаларини теранлаштириб, уларни бошқа одамларнинг ҳолатини ҳис этадиган даражага келтира олади. Ўзганинг ҳолатини ҳис этмаслик, унинг туйғуларини тушунмаслик ҳар қандай жамият аъзолари учун маънавий таназзуллик белгисидир».³

Истиқлол даврида янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига таяниб яратилган ўқув дастури ва дарсликларда ҳам айтилиши шу вазифалар ўз ифодасини топган. Бугунги кунда ҳар бир дарс машғулоти ўқитувчининг ижодкорлик қобилияти асосида ташкил қилинишини, анъанавий ёндашувлар ўрнини инновацион таълим усуллари эгаллаб бориши етакчи ўринни эгаллашида намойиш бўлишини аниқлатади. Бундай ёндашув таълим жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини ижодий мулоқот ёки баҳс-мунозара асосида ташкил этиш

¹ Қулибаева Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: Ўзинкомцентр, 2003. – 9-б.

² Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? –Т.: Ўқитувчи, 1993. – 114 б.

³ Узлуксиз адабий таълим йўриғи (концепцияси). Ўзбекистон Республикасидаги Педагогика фанлари илмий институти. –Т.: 1995. –3-б.

учун кенг имконият яратади. Ўқитувчининг савол берувчи ва ўқувчининг дарсликдаги тайёр фикр-мулоҳазаларни ёдаки айтиб берувчи «хамсухбат»лик ролидан воз кечилди. Энди ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам айна ўқув материални ижодий ўрганadi, ўзлаштиради ва шахсий кузатишларига таяниб, жонли мулоқотга киришади. Адабий асарларни ўргатишда ҳам хилма-хил таҳлил усулларига мурожаат қилиш табиий ҳолга айланиб боради. Шу боис, истиқлол даври адабий таълими муаммоли таълим методига тез-тез мурожаат қилиш, баҳс, мунозара, семинар дарс, конференция дарс, ёзувчи лабораториясига саёҳат дарси сингари дарс шаклларида фойдаланишни тақозо этади. Зеро, ана шундай дарсларнинг самарадорлиги методист олимлар томонидан ҳам, илғор ўқитувчилар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Демак, истиқлол даври адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишнинг мазмунини янада такомиллаштириш учун илғор илмий-назарий қарашлардан, ўз самарадорлигини аниқ намоён қилган таълим методлари билан илғор усуллардан фойдаланиш ижобий самара беради.

1.3. Адабий таълимга илмий-методик ҳамда технологик ёндашув тамойиллари

Мавжуд таълим тизимида ўқувчи фаоллигини оширишга қаратилган муаммоли таълим, сценарийли ўқитиш каби бир неча ўқитиш усуллари бор. Лекин республика адабий таълимида ҳали хануз анъанавий ўқитиш усулларида кўпроқ фойдаланилмоқда. Таълимга анъанавий (тушунтириш-кўргазмали) ёндашувнинг асосий хусусияти – ўқитувчи маълум ахборотни гапириб беради, тушунтиради, ўқувчилар эса бу билимни хотирада сақлайдилар. Шу билан бирга, «билим» тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Бундай билимлар имтихонларда уларни қўллай олиш имкониятлари орқали текшириб кўрилади, яъни ҳеч қандай қўлланмасиз саволларга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Ҳолбуки, бундай билим хотирада узоқ сақланмайди. Керак пайтда эсланиши, кўп

фаркли ўларок, ҳамкорлик педагогикаси билим ва тарбияни ажралмас қисм, деб қарайди, ўқувчи шахсини шакллантиришни, унинг эзгу инсоний фазилатларга эга бўлишини кўзлайди. Бу педагогика ўқитувчи механик равишда ўқувчилардан берган билимларини тўтидек такрорлаб беришни эмас, балки ҳар бир болани ўз нуқтаи назарига кўра фикрлагтишга, мулоҳаза-муҳокама юриштишга йўллайди. Шу йўл билан ўқувчи шахсиятида инсоний сифатларни шакллантиришга бор имкониятларни сафарбар этади. Барча воситаларни илмий асосларга таяниб ана шунга йўналтиришни кўзда тутати. Таълимга анъанавий ёндашув жуда катта тажрибага эга ва у педагог олимлар томонидан ҳар жиҳатдан ўрганилиши, илмий-методик таҳлил қилиниши, илғор тажрибалар эса ўзлаштирилиши лозим. Бугунги кунда таълимдаги бу йўналиш ҳар жиҳатдан янада такомиллаштиришни тақозо этади. Жадал суръатлар билан ўсиб бораётган фан ва техника талаблари, таълим тизимидаги ислоҳотлар, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, баркамол шахсни шакллантириш каби вазифалар бу борада янги, ноанъанавий таълим усулларига эҳтиёжни орттирмоқда. Семинар дарс, мунозара дарс, конференция дарс, назм дарслари каби янги шакл ва мазмундаги, ноанъанавий услубдаги дарслар замон талабига, таълим олувчиларнинг эҳтиёжига кўра адабий таълимга кириб келди. Бундай дарс шаклларидадан ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда ҳам фойдаланилмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да алоҳида таъкидланганидек, илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш бугунги кунда заруриятга айланди. Хўш, педагогик технологиянинг ўзи нима ва у анъанавий таълим методларидан нимаси билан фарқланади? Бундай технологиялардан ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда фойдаланиш қандай самара беради? Педагогик технология баъзилар ўйлагандек, таълимда янги ахборот узатиш технологиялари, ЭҲМ, микроэлектрон машиналардан фойдаланиш эмас. Педагогик технологияга ЮНЕСКО шундай таъриф беради:

«Педагогик технология – бу бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўз олдига таълим шакллари самарадорлаштириш вазифасини

ўқувчи техник ҳамда шахс ресурслари ва уларнинг ўзаро алоқасини ҳисобга олиб, билимларни яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли услубидир».¹

Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади. Таълим мақсадлари, унинг мазмуни, ўқитиш ва таълим бериш усуллари, назорат ва натижаларни баҳолашни ўзаро алоқада ва бир-бири билан боғлиқликда лойиҳалаш педагогик технологиянинг асосидир.

Педагогик тизим дидактик вазифа ва таълим технологиясини ўз ичига олади. Педагогик технология таълимнинг тизимли усулидир. Худди шу жиҳати билан бу усул ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда ўқитувчига янги имконият беради. Педагогик технологиянинг муҳим хусусиятлари, белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- таълим жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва уни синфда ўқувчилар билан қайта ишлаб чиқиш (ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишга йўналтирилган дарсларни ҳам тизимли ёндашув асосида лойиҳалаш мумкин);
- тизимли ёндашув асосида ўқувчининг ўқиш-ўрганиш фаолиятини ўз ичига оладиган таълим жараёни лойиҳасини тузиш;
- таълим мақсадини аниқ белгилаш ва ўқувчининг ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш;
- таълим шаклларини қулайлаштириш;
- ўзлаштириш жараёнида қўйилган хатоларни аниқлаб, тузатиб бориш;
- шакллантирувчи ва жамловчи баҳолаш;
- белгиланган мезонларга биноан тест вазифаларини бажариш;
- таълимнинг режалаштирилган натижасига эришишнинг кафолатланганлиги;
- таълим самарадорлигининг юқорилиги.

¹ Фарберман Б. Илғор педагогик технологиялар. –Т.: Фан, 2000. – 3-б.

Педагогик технология – педагогик мақсадни аниқлаш тамойиллари бўлиб, таълимий мақсадни диагностик ифодалаш, билим ҳамда ўзлаштириш сифатининг объектив баҳолашни назарда тутати.

Педагогикада таълимнинг изланувчан тизимли ёндашув тамойилли ўқувчиларнинг мустақил ўрганишлари лозим бўлган мавзунинг изланувчанлик ва ижодкорлик қобилиятларига таяниб сезлаштиришларини ташкил қилишдан, репродуктив методнинг янги усулларини яратиш қобилиятларини, шахсий идрокини ривожлантиришдан иборатдир. Муаммоли изланишга оид ёндашувда ўқув фаолияти учун ўзгача ижодий муҳит ҳосил қилинади. Бу ёндашув самара бериши учун ўқувчилар мавзу билан олдиндан пухта танишган бўлишлари зарур. Шундагина улар ўша мавзуга эркин ёндаша оладилар.

Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда айна жараёни ташкил этишнинг технологик усуллари куйидагилардан иборат:

– ижодкор таржимаи ҳолига оид ўқувчилар учун аҳамиятли бўлган қизиқ муаммони ўртага ташлаш;

– ижодкор асарлари асосида баҳс-мунозарага туртки берувчи фикрларни уйғотиб, қарама-қаршиликни бўрттириб, танқидий мулоҳазаларга кенг ўрин бериш;

– таълимни қўйилган муаммодан келиб чиқиб, ижодий ташкил этиш.

Педагог ва ўқувчиларнинг ҳамкорлигида нафақат янги билимлар ўзлаштирилади, балки бунда ўқувчи ўзича кашфиётлар қилиши учун шароит яратилади. Бундай фаолият ўқувчи учун алоҳида шахсий қадриятга эга ва у шу сабабли ижодкорликка интилади, яратувчилик иштиёқини ҳис қилади.


Адабий таълимнинг замонавийлик тамойили ҳам технологик, ҳам муаммоли изланишга оид ёндашувни тақозо этади. Лекин уларни ўз ўрнида, аниқ мақсад асосида қўллаш лозим. Шунинг таъкидлаш жоизки, маълум шароитларда бир мавзунинг муаммоли таълим усулида, иккинчисини тадқиқот усулида ўзлаштириш қулайдир.

Шундай қилиб, махсуддор ўқиш босқичида педагогик технологияни ўзлаштириш муаммоли изланиш усулига асосланган педагогик технологияга ўзининг мустақкам таянчи ҳисобланади.

Кенг қўламда амалга оширилаётган таълим ислохотлари илғор технологияларни ўрганиш ва ўқув-тарбия жараёнига жорий этишни замон талаби даражасига кўтарди. Бу, ўз навбатида, педагоглардан таълим соҳасига технологик ёндашувни татбиқ этиш ва педагогик технология усулини Ўзбекистоннинг миллий, маънавий, маданий хусусиятларини, тарихий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда қўллашни талаб қилади. Агар бу ёндашув ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ тарзда қўлланса, ўқув-тарбиявий ишлар самарадорлиги анча юкори бўлади. Педагогика фанлари номзоди Фарида Эгамбердиева «Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни тadbик этиш методикаси» мавзусидаги махсус тадқиқот ишида муаммоли вазиятларни юзига келтириш асосида ўқувчиларни мустақил фикрлашга, асар моҳиятини чуқур таҳлил этишга йўналтириш ва ўқув материалларини ўзлаштиришга инсбатан ижодий ёндашувларини таъминлаш адабий таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда ўзига хос аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаган. «Адабий таълим самарадорлиги, - деб ёзади у, - бу мазкур билим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг минимум даражалари ўқувчилар томонидан қатъий, изчил ва пухта ўзлаштирилганлигини қайд этувчи кўрсаткич. Маълумки, муайян фаолиятни амалга оширишда унинг самарадорлиги маълум омиллар воситасида таъминланади. Педагогик технологиялар ана шу мақсад учун хизмат қилади».¹

Дарҳақиқат, адабий таълим самарадорлигини таъминловчи технологиялар адабий таълим бўйича Давлат таълим стандартида белгиланган билим, кўникма ва малакаларнинг минимум даражалари ўқувчилар томонидан кам жисмоний куч ва вақт сарфлаш ҳисобига пухта ўзлаштирилишини таъминловчи фаолият

¹ Эгамбердиева Ф. Адабий таълимга илғор педагогик технологияларни тadbик этиш методикаси. Пед. фан. номз. ... дисс. автореферати. –Т.: 2005. –10-б.



Мамлакатимизда мустақил фикрли, ижодкор ва яратувчи шахсни шакллантиришга, унинг маънавиятини юксалтиришга, ақлий ва руҳий камолотини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боис таълим-тарбия тизими янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига мослашиб, ўзгаришга юз тутмоқда. Чунки мустақиллик даври адабий таълимнинг бош мақсадини ўқувчининг маънавиятини юксалтириш, унда яратувчи шахсга хос хусусиятларни шакллантириш ташкил қилади. Айниқса, ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўргатиш орқали ўқувчиларни нафақат бадиий ижодга, балки умуман ҳаётда изланиб яшашга, ўз имкониятларини яратиш, кашф этиш каби эзгуликка сафарбар этишга даъват қилиш мумкинлиги эътироф этилди. Ўқувчилар ҳар бир ижодкорнинг шахсини унинг ижодий лабораториясига кириш орқали босқичма-босқич англаб боришлари лозимлиги янгиланган педагогик тафаккур тамойилларига мос тушади. Шу тариқа ўқувчида тадқиқотчиликка майл-истак, қизиқиш уйғонади, у муайян ижодкор руҳиятини ҳис қилиш орқали бошқа одамлар қалбини англашни ўрганади, ўзгалар дардини ҳис қилишга, инсонни танишга интилади. Шу

таълим, истиқбол даври адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хуш, амалдаги ўқув дастури ва дарсликларда бу масалага қандай эътибор қаратилган? Биз бу муаммони умумтаълим мактабларида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Қўлпон, Зулфия, Эркин Воҳидов сингари сўз санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодини ўргатиш мисолида, қиёсий типологик методда тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

Миқдорий тарбияшунослигимизга «янги педагогик технология» номи билан кириб келаётган методлар ҳам ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишни назарда тутлади. Қисқа вақт мобайнида уларда назарий билимларни шакллантириш, маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ва маънавий сифатларни ҳосил қилиш, шу билан бирга, уларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва билимдонликни талаб қилади. Бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган «Ақлий хужум», «6х6х6», «Кластер», «Қарорлар шажараси» сингари методларнинг айримларидан адабий таълим жараёнида ҳам фойдаланиш мумкин. Аслини олганда, «интерфаол» номини олган бу технологияларнинг таълимдаги мантиқий методлардан фарқи унча катта эмас. Масалан, «Ақлий хужум» методининг мақсади ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш. Ҳаммани бир хил қолипда фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўшлаш ва масалага ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу методдан фойдаланилганда ўқувчилар олдига муайян бир масала қўйилади. Дарсда шу масала атрофида ишлаётган ҳар бир ўқувчи томонидан айtilган фикрни қайд этиб бориш, рағбатлантириш, иштирокчилар эркинлигини таъминлаш, билдирилган фикрларнинг асосланишини талаб қилиш, токи фикрлар тугамагунча баҳсни давом эттириш лозим. Ўқувчилар томонидан айtilаётган фикрларни танқид қилишга йўл қўйилмайди.

Адабий таълим жараёнида ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишига йўналтиришда «бхбхб» методи ҳам катта имкониятларга эга. У адабий ўқитувчисидан педагогик маҳорат, зийраклик, гуруҳларни оқилона шакллантиришни тақозо қилади. Бунда синфдаги ўқувчилар олтига олтигалик гуруҳга бўлинади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Ҳар бир гуруҳга муайян ном берилади. Мавзу эълон қилиниб, маълум вақт белгиланади. Ҳар бир гуруҳ аъзолари мавзу атрофида баҳслашади, у муносабатларини билдиради. Белгиланган вақт тугагач, ўқитувчи гуруҳ аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вакил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзу юзасидан чиқарган хулосаларини янги гуруҳга баён этади. Янги аъзолар гуруҳнинг муаммо бўйича фикр ва хулосаларини ўрганадилар, унга ўз муносабатларини билдирадилар. Шу тариқа қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан фикр билдирилади, ҳам бу фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил қилинади, баҳоланади.

Кейинги пайтларда адабий таълим амалиётида «ноанъанавий» номини олган дарслар орасида «Сценарийли дарс» номи билан таълим амалиётига кириб келган ходиса бевосита ўқувчиларни ижодга ундаши билан аҳамиятли. Бу масала С. Яминова томонидан алоҳида илмий тадқиқ этилган.¹ Ўрганилган асарлар юзасидан сценарий тузишда ўқувчилар мустақил фикрлайдилар, ижод қиладилар. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда сценарийли ўқитишдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўқувчининг мустақил фикрлаши ўз-ўзидан, автоматик равишда шаклланавермайди. Бунинг учун таълим тизимида билимларни янгича ўзлаштириш йўллари ва зарур топшириқларни киритиш керак. Бундай йўللاردан бири муаммоли таълимдир. Муаммоли таълим масаласи билан жаҳон педагогикасида В. Оконь, М. Махмутов, В. Маранцман,

¹ Яминова С. Ўқувчиларни мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш. Пед. фан. номз. ... дисс. –Т.: 1997. – 168 б.

Матюшкіна, А. Матюшкін, Т. Кудрявцев, миллий педагогикада
Ўшнов, М. Мирқосимова, Қ. Хусанбоева ва бошқа олимлар
қилган. Бу ишларда бутун эътибор ўқувчининг дарсадаги
қатълиги ва эркинлиги таълим самарадорлигини ошириш асоси эканини
қаратишга қаратилган. Уларда ўқувчининг билим олиш йўлидаги меҳнати
қилаётганини ўзлаштиришда катта самара бериши илмий-амалий жиҳатдан
қилинган. Хусусан, Қ.Хусанбоева муаммоли таълимнинг аҳамиятини
қилиб, шундай ёзади: "Муаммоли таълим тарбияланувчининг шахсини
қилишнинг ядроси сифатида ўз ичига қамраб олади. Субъектдан,
қилган ташқарида муаммоли вазият йўқ. Муаммоли вазият боланинг
қилишлари ва эҳтиёжларини ўзининг зарурий қисми сифатида ўз ичига
қилади. Айнан шунинг учун ҳам таълим жараёнини боланинг тарбияси,
қилишларини ўзлаштириши, дунёқарашнинг шаклланиши билан бирликда
қилишга оширади.

Муаммони ҳал этиш ўқувчиларнинг биргаликдаги иштироки, ўқувчи ва
ўқитувчи орасидаги диалогдан иборат бўлмай, бутун синф жамоасининг
қилган ақлий ишига айланиши, бола шахсининг индивидуал хусусиятлари
қилиш даражада иноватга олинишини назарда тутати. Фақат шундай
қилишдагина синфдаги жамоанинг бошқа аъзолари, ўқитувчи билан
диалогда иштирок этмаётган қисми, пассив кузатувчиларга эмас, бутун ўқув
жараёни давомида том маънодаги ижод қилишга, фикр қилишга айлана
қилишлар.

Муаммоли таълимнинг дастлабки босқичида тадқиқотчилик қилишмаси
қилинмайди. Бошланғич синф ўқувчилари мунозара қилишга, қатъий
қилишлар айтишга қодир эмас, аммо бошланғич мактабда шундай
қилишларнинг ўқувчи интеллектуал қилишлари даражасида қилиниши
таълимнинг кейинги босқичларида бу қилиш самарали бўлишига қилиш
қилилади.

Муаммоли таълим жараёнида қилишларни ўзлаштиришнинг
самарадорлиги ва мустақил қилишга икки қилиш орқали қилилади.

Биринчиси – билимларни ўзлаштириш жараёни самарадорлигининг ўқувчи интеллектуал фаолиги билан алоқадорлиги. Иккинчиси – амалий ёки назарий масалаларни ҳал қилишда умумий қонуниятлар ва усулларнинг қўлланилиши. Бу янги билимлар ва ҳаракат йўллари ўзлаштиришда катта имкониятлар яратади”.¹

Олима муаммоли таълимнинг вазифаларини таъкидлар экан, қуйидагиларга алоҳида эътиборни қаратади:

1. Ўқувчининг янги билим ва фаолият усулларини ўзлаштиришини таъминлаш.
2. Ўқувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ўстириш.
3. Таълимнинг илмийлиги даражасини ошириш.
4. Ўқувчида илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш.
5. Ўқувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва тафаккурини, кўнглида одам ва олам сирларини билишга ички иштиёқни шакллантириш.²

Муаммоли таълим хусусидаги қатор адабиётлар билан танишиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– ўқувчилар билимларни ўқитувчи иштирокида, ўз меҳнати билан ўзлаштиради;

– муаммо тарзида ўзлаштирилиши лозим деб топилган, ўқувчи олдида муаммо шаклида қўйса бўладиган масала ёки топшириқ муаммоли масала дейилади;

– анъанавий методлар билан ўзлаштирилиши қийин бўлган ёки моҳиятига чуқурроқ кириш лозим деб топилган бирор мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан атайлаб ташкил қилинадиган дидактик вазият муаммоли вазиятдир. Бундай вазият ҳар хил муаммоли саволлар ва топшириқлар ёрдамида ташкил қилинади;

¹ Хусанбосова Қ. Адабий таълимда мустақил фикрлашга ўргатиш асослари. –Т.: Ўзинкомцентр, 2003. –51-б.

² Уша манба, 52-б.

муаммоли таълим асосида ўрганиладиган, муаммоли вазият ҳосил бўлишига мисол бўладиган, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқара оладиган муаммо саналади;

муаммоли таълим воситасида ижодий фаолият кўникмаларини ўрнаттириши билан бирга билимларни ижодий ўзлаштириш ва қўллаш усулларини тарбиялашга эришилади;

муаммоли таълимнинг индивидуаллиги ўқувчининг шахслик хусусиятлари ва дунёқарашининг шаклланишида, ижодий имконият-ларининг таъминлашида энг самарали усул ҳисобланади.

Ўзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда муайян самарадорликка эришиш учун таълим жараёнини ижодий ва технологик ёндашув асосида ташкил этиш, муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш, бу борада методист олимлар қўлланган назарий қарашларга, методик тавсияларга таяниб иш олиб бориш зарур.

Демак, адабий таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини таъминлашда ўқувчининг ақлий ҳамда маънавий камолотини таъминловчи усулларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлиб боради.

Боб юзасидан хулосалар

Истиклолгача бўлган давр адабий таълимдаги ўзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш масаласини тадқиқ қилиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

– агар истиклолгача бўлган давр адабий таълимда ижодкор таржимаи ҳоли ҳақида тўла маълумот бериш; бу борада тарихий хронологик принципга таяниш етакчилик қилса, истиклол даврида ўқувчига рақамлар ва фактлар йиғиндисидан иборат узун ҳамда зерикарли маълумотлар беришдан кўра ижодкор қиёфасини ўқувчига тўла тасаввур эттиришга ёрдам берувчи, фаоллаштирувчи, ўқувчини ижодкорликка ва мустақил фикрлашга йўлловчи усулларга таяниш самаралироқ эканлиги ўз исботини топди;

– мактаб адабий таълимига эстетик таҳлилни олиб кириш долзарб муаммога айланди. Ўқув дастурлари ва дарсликлардан бадиий баркамол

асарлар жой олди. Айни ҳолат ўқувчига санъат асарларига хос жозибани ҳис қилиш имконини берди. Адабий таълимда ўқувчи онгига ёзувчи ва унинг асарлари ҳақидаги тайёр ҳукм-хулосаларни сингдиришдан воз кечилди. Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш масаласини бевосита уларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш орқали ҳал қилиниши имконини бериши этироф этилди. Ёзувчининг ижодий қиёфасини яратган асарларини таҳлил қилиб, тасаввур қилдириш етакчи тенденцияга айланди. Бадиий асарларнинг жозибасини тўла ҳис қилиши учун ўқувчи уни ўз қалбидан ўтказиши, асарни қандай ҳис қилган ва қандай тушунган бўлса, шу туйғу-мулоҳазаларига таяниб фикр билдиришига ундаш адабий таълимда бош мақсад-муддао қилиб белгиланди. Ўқитувчи ўқувчини ижодкорнинг туйғудош ва фикрдош ҳамкорига айланишига кўмаклашса, унинг ижодий қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида жонлантиришга ҳам муайян даражада эришади. Ижодкор қалбини, рухиятини, ҳаётга ва инсон шахсига муносабати моҳиятини англаш орқали ўқувчи шу ёзувчининг ўзига хос бадиий тафаккур тарзини, яратган бадиий олами мазмунини тушуна олади.

– истиқлолгача бўлган давр адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш масаласи санъат ва адабиётга мафкуравий талаблар билан ёндашиш таъсирида бўлган бўлса, истиқлол даврида ижодкор услуби ва маҳоратини яратган асарлари мисолида ўргатишда эстетик тамойилларга таяниш етакчи мезон қилиб белгиланди. Адабий асарларни илғор таълим усулларига таяниб ўргатиш юқори самара бериши исботланди;

– истиқлол даври адабий таълимида ёзувчи ҳаёти ва ижодини узвийлик ва узлуксизлик тамойилига таяниб ўргатиш таълимга илмий методик ҳамда технологик ёндашувни тақозо этди. Таълимга анъанавий ёндашув натижасида тўпланган илғор тажрибаларни ўзлаштириш, анъанавий таълим усулларининг янги имкониятларини очиш билан бирга ноанъанавий ҳамда интерфаол метод ва усуллардан мақсадли фойдаланиш, шубҳасиз, адабий таълим равнақини таъминлайди.

ИККИНЧИ БОБ

ЎЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАТИШДА ТАЛҚИН ҲАМДА ТАҲЛИЛНИНГ ЎРНИ

1. Ижодкор шахс кифоасини ўргатишда адабий талқиндан фойдаланиш

Ижодкорнинг ўзига хос услубини ўргатиш нафақат адабиёт-шуносликнинг, балки адабиёт ўқитиш методикаси фанининг ҳам етакчи муаммоларидан биридир. Адабий таълимда бадий таҳлил ва талқиннинг ўрни ижодкорнинг ўзига хос услубини бевосита яратган асарлари асосида ўргатиш адабиётнинг сўз санъати сифатидаги моҳиятини тушунишда муҳим ўрин тутди. Чунки ижодий индивидуаллик санъаткор ижодининг бадийлигини белгиловчи бош мезондир. Қолаверса, адабий жараёндаги етакчи тараққиёт тамойиллари индивидуал ижод ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Айни пайтда, ўзувчининг ижодий индивидуаллиги адабиётдаги умумий эстетик тамойиллардан айрича яшай олмайди. Адабиётнинг ривожини ҳам ёрқин намоён бўлган индивидуалликлардан ажралмасдир. Адабий таълимда бадий ижоднинг ана шу каби хусусиятларини ёритиш муҳим таълимий заруриятга айланмоқда. Ижодкор яратган асарларни ўргатиш жараёнида унинг ижодкор шахс сифатидаги кифоасини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириш учун адабий таҳлил ва талқиндан фойдаланиш самарали йўлдир. Агар адабий таҳлил воситасида матн моҳиятига кириб бориб, маъно қатламларини ўрганиш ва сўзлар билан оҳангларга юкланган бадий вазифаларни аниқлашга эришилса, адабий талқиндан фойдаланиб, ўқувчи кўз ўнгида бадий асар таркиби (структураси) жонлантирилади. Талқин бадий асар ҳақида мантиқий, асосли, изчил мулоҳаза юритишдир. Асар моҳиятини талқин қилиш жараёнида унинг ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилади. Талқин-қанчалик эҳтиросли, жозигаба йўғрилган, ҳароратли бўлса, шунчалик таъсирчанлик касб этади. Адабиёт ўқитувчисининг бу борадаги маҳорати таълим мазмунини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Адабий талкин уч босқични ўз ичига олади: биринчи босқичда ўқитувчи ўқувчи-китобхонни адабий асар матнини ўқишга, унинг маъно-мазмунини англашга йўллайди.

Иккинчи босқичда ҳароратли нутқи билан асарнинг бадиий жозибасини ўқувчи янада чуқурроқ ҳис қилишига кўмаклашади, ҳаттоки бадиий асарни қалб саҳнасида ижро этилаётган жозибали томоша даражасига етказади. Шу йўл билан ўқитувчи ёзувчи руҳида кечган ҳолат, туйғуларни ўқувчи қалбида қайта жонлантиришга эришади. Ўқувчини ихтиёрий равишда санъаткорга руҳдош, кечинмадош қилиш адабий талкин орқали амалга оширилади. Бу босқичда ўқувчи эътибори «муаллиф образи» асосидаги асарнинг ғоявий-бадиий концепциясига қаратилади.

Матнга ижодкор туйғуларининг ҳарорати табиий равишда сингишган бўлади. Шу боис ёзувчининг матндаги қалб ҳаракатини, ҳароратини ўқувчининг ҳис этиши ғоят муҳим. Бу ҳолат бадиий асарнинг ўзига хос олам сифатида теран англанишини таъминлайди, ўқувчида муайян туйғу, фикр ва муносабатни юзага келтиради. Шунга кўра, адабий талкинни ўзлаштирилган матн, ҳис қилинган туйғуга таяниб, асар ҳақида жонли мулоҳаза юритишдан иборат, дейиш мумкин.

Ҳамма гап ўқувчини ана шундай жонли мушоҳадага эга фикр кишисига айлантиришда. Бадиий асар мукаммал ўзлаштирилгач, ўқувчи туйғуларида ёзувчи кечинмалари билан уйғунлик юзага келади. Шундан кейингина асар талқинининг учинчи босқичига ўтиш мумкин. Талкин мақсадли ва кенг миқёсли таҳлил орқали амалга оширилади. Бу босқичда ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари, кечинмалари ва мулоҳазаларига таяниш айти муддаодир. Бадиий асар борки, у санъаткор ижодининг маҳсули. Ижодкор эса ўзига хос бетакрор шахс. Бадиий асарда санъаткор руҳияти, ҳолати, ҳаёт ходисаларига ва инсон шахсига муносабати акс этади.

Мукаммал бадиий асар ёзувчи дунёсининг маълум маънодаги бетакрор акси: уни юзаки ўрганиш ҳам, чуқур синчиклаб ўзлаштириш ҳам мумкин. Фақат чуқур бадиий таҳлил орқалигина санъат асарининг эстетик

хусусиятларини ўрганиш имкони туғилади. Асарнинг ана шу ўзигагина хос бадийяти адабий талқин воситасида ёритилади. Бадий асар – бетакрор таркиб. Бадий асарнинг ширик ва мўрт халқалари, маркази, етакчи нуқталари мавжудки, ўқитувчи талқинда ўқувчи диққатини шуларга қаратиши табиий. Бу ҳақда, таркибий ёки структурал таҳлилда кўп маъно юклатилган нуқталар ёритилади, юзаки таҳлил таркибни бузишга олиб келади, «сохта ижтимоийлик» паж олган пайтларда асарнинг етук, жонли таркиб эканлиги ҳисобга олинмади, натижада, шеърин асарлардаги таркиб, йирик насрий асарлардаги бадий концепция таҳлиliga етарли эътибор берилмади, деган фикрларни билдиради адабиётшунос олим А. Расулов.¹ Адабиётшуносликдаги айни камчилик мактаб адабий таълимида ҳам муайян шаклда кўзга ташланиб туради.

Мустақиллик йилларида талқиннинг асосий таянчи услуб таҳлили эканлиги адабиётшунос олимлар томонидан асослаб берилди. «Услуб – ўзлик, бетакрорлик, санъаткор қиёфаси, нуқтаи назарини, маҳоратини кўрсатувчи моҳият».¹ Услубга эга бўлиш ўз истеъдодини намоён этишдир. Шу боис, бугунги адабий таълимда ижодкор ҳаёти ва фаолиятини ўрганишдаги марказий бўғинни унинг ўзига хос услуби воситасида яратилган бадий оламни ўрганиш ташкил этиши лозим, деб ўйлаймиз. Адабий таҳлил ва талқин эса бу жараёнда ўқитувчи таянадиган энг самарали воситалардир.

Адабий таълим жараёнида Чўлпон шеърининг талқин ва таҳлил қилишининг методик жиҳатларига эътиборни тўртсак, аввало мустақиллик даврида бадий асарларни эстетик тамойилларга таяниб ўрганиш ҳамда баҳолаш бош мезонга айланганлигини яна бир бор таъкидлаш лозимлигини ҳис қиламиз. Ёзувчи ҳаёти ва фаолияти ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш жараёнида унинг ижодий қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида жонлантириш, ижодий лабораториясига олиб кириб, яратган бадий меросини бадийят талаблари асосида таҳлилу тадқиқ этиш малакасини шакллантириш адабий таълимнинг бош мақсад-муддаоларидан бирини ташкил этади. Адабиёт дарсликларидан ўта

¹ Расулов А. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва талқин муаммоси. Фил.фан.док. ... дисс. автореферати. – Т.: 2002. – 44 б.

Ўқитувчи мана шундай маълумотлар орқали ўқувчи кўз ўнгиди Чўлпоннинг сиймосини гавдалантирганидан сўнг, унинг шеърларини таҳлил қилишга ўтиши мумкин. «Чўлпон сингари шоирларнинг асарларини таҳлил этишда қиссадан ҳисса чиқаришга ошиқмаслик керак. Бу хилдаги асарларда ўғитбозлик бўлмайди, балки руҳий манзара қизилади, инсон ҳиссиётининг бир лаҳзалик тўлғонишлари кўрсатилади. Шу боисдан ҳам бу хилдаги асарларни «шоир мана бундай демоқчи», «ана ундай хулоса чиқаряпти» тарзида таҳлиллаш, уни йўққа чиқариш билан тенгдир. Бу хилдаги асарларнинг жозибаси нимада эканлигини топиш ўқувчилар олдидаги, бинобарин, ўқитувчи олдидаги асосий вазифа бўлмоғи керак».¹ Дарҳақиқат, Чўлпон шеърларини таҳлил қилишда ўқувчиларда уларнинг жозибасини туйдириш ўқитувчининг бош вазифасидир.

Ўзбек адабиёти тарихига назар ташласак, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий сингари сўз санъаткорлари яратган асарларда ранг-рамзлар, образ-рамзлар кўзга ташланади. Ижодкорлар ранглар орқали гўзал бадиий лавҳаларни, комиллик даражаларини эгаллаб бораётган инсон руҳиятига хос ҳолат-кечинмалар маъносини ифода этишга эришганлар. Бу анъана Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодида ҳам ўзига хос манзаралар орқали жонланадики, шоирнинг «Гўзал», «Бузилган ўлкага», «Бинафша» шеърларини ўрганиш давомида ана шу муҳим хусусиятларни назардан қочириш мумкин эмас. Шу ўринда ўқитувчининг талқин усулига мурожаат қилиши табиий. Чўлпон шеърларида оқ, қора, сарик, зангори (мовий) ранглар кўпроқ учрайди. Ўқитувчи ўз талқинини қуйидагича давом эттириши мумкин. Оқ ранг орқали шоир анъанавий маъноларни: поклик, эзгулик, покиза ва латиф инсоний туйғуларни ифода этади. Бу рангга қарама-қарши маъноларни ифодаловчи қора ранг мустамлакачилик зулмидан эзилган, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган миллат аҳволининг рамзий ифодаси бўлса, сарик ранг

¹ Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси учун. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 99-б.

даимида ишончи, орзу-умидлари чил-парчин бўлган шоирнинг дард-аламга туғилган туйғулари, ўкинчи ифода қилинади.

Зангори ранг воситасида юртни босқинчилардан озод, миллатни эркин ва бахтиёр кўриш ҳақидаги орзулари ифода қилинади. «Бузилган ўлкага» шеърида табнатнинг камалак ранг бўёқлари ила товланган яйловларни тўлдирган ўринин йигитлар, гўзал қизларнинг бахтиёр ўйин-кулгулари ўрнини эгаллаган босқинчилик ва зулмнинг қора панжалари, кўк юзини тўсган қора булутлар тасвирланади.

«Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюк булут кўланка?»¹

Риторик мурожаат усули орқали шоир юз берган хунрезлик, қиргин, босқинчилик оқибатида хонавайрон бўлган ўлканинг қайғули манзарасини тилиб беради.

Юрт шундай аҳволга тушганки, жаннатнинг кавсар булогидек покиза, садафдек тиниқ тоғ сувлари ҳам юз берган ҳолатдан инграмокда, босқинчиларнинг отлари изларидан зарб еган ям-яшил ўтлоқлар, гулу гиёҳлар ҳам фарёд чекмоқда, «шарақ-шарақ қайнаб чиққан булоқлар», «тўрт тарафга аланглаб», «кўрқинчли кўноқлар»дан юрак ҳовучлагандай титраниб оқмоқда.

Ўқитувчи халқ оғзаки ижодига хос «қайнар хумча», «қайнар булоқ» образларини эслатиб ўқувчилар эътиборини шоир маҳоратига қаратса, ўринли бўлади. Ер ости ва усти бойликлари саховатли ва баракотли она заминимизнинг қайнар жавохирларидир. Ана шу бойликларга эгалик қилиш мақсадида босқинчилар унинг халқини қул қилишга, дину иймонидан айиришга бел боғлаган эдилар. Мустақиллик етмиш йиллар давомида тўқилган қонли кўз ёшлар, ҳарбий хизматга яроқсизга айланган ўғиллар, бепушт аёллар, минглаб, миллионлаб шаҳидлар эвазига қўлга киритилди. Бугунги озодлик, хурлик учун халқимиз катта талофатлар берди. «Танларда аччиқ қамчилар қулиб» умидлар неча бор сўнди, деган эди шоир фарёд билан. Шеър давомида эса: «Нега сени

¹ Yo'ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V. Adabiyot. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. -T.: Sharq, 2005. - 349-b.

бир кизганмасдан янчалар?!» – дея хитоб қилган, зулмга, алдов ва хўрликларга қарши курашга даъват этган. «Бузилган ўлкага» шеърисида халқ бошидаги «қорикўланка»ни маҳзунлик ва алам-изтироб чекиш билангина бартараф этиб бўлмаслиги, халқнинг хурлик ва эрк учун кураши орқалигина мақсадга эришиши мумкинлиги ниҳоятда таъсирчан ифодаланади. Унга ҳамоҳанг бўлган «Бинафша» шеърисида Чўлпон «ранг-образ», «ранг-мижоз», «ранг-ибора» ва кўчимлардан ўзига хос тарзда санъаткорона фойдаланади. Шеърни ифодали ўқиб бергач, ўқитувчи муаммоли савол билан мурожаат қилади: «Айтинг-чи, нима сабабдан шоир шеърга «Бинафша» деб ном берган? Шеърда бинафшанинг ташқи кўринишини тасвирлаш шоирнинг асосий мақсадими? Бинафша тимсолида қандай маънолар ифодаланган?» Мазкур саволлар юзасидан ўқувчиларнинг фикрлари тинглангач, ўқитувчи уларни тўлдиради.

Бир қарашда шеър баҳор даракчиси бўлмиш бинафша ҳақида битилганга ўхшайди. Бинафша баҳорнинг элчиси, гуллар ичида энг кадрлиси. Одамлар уни узиб, хидлаб, омонлик учун шукроналар айтишади, сўлигач, ташлаб юборишади. Шоир бинафша қисматига ачиниб, унинг тимсолида халқини, эрксиз, кадрсиз миллатини тасаввур этади.

«Бинафша сенмисан, бинафша сенми, Кўчада акчага сотилган»¹ мисраларидан эрксиз, бир парча нон учун кўчада акчага сотилишга мажбур бўлган, «бир эркин кулмасдан» борлиги поймол қилинган инсон кўз олдимишга келади. Кейинги: «Кимлардир уларким. Игнани бағринга санчалар, бинафша. Бир сўйла. У қандай қўлларким, Узарлар, хидлайлар, янчалар?» мисраларида эса мустамлакачилик зулми остида эзилган халқнинг азобли ҳаёти таъсирчан тасвирланган. Мустабид тузум давридаги ерли фуқаро ҳаётининг ночорлиги «Эл бағрига нина санчиш»га, моддий ва маънавий бойликларни босқинчилар олиб кетаётгани, республиканинг хом-ашё базасига айлангани энди очилган бинафшани узиб, хидлаб, сўлигач, беписанд ташлаб юборишга ўхшатилади. Шеърнинг учинчи бандидаги «Бинафша,

¹ Yo'ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V. Adabiyot. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. –T.: Sharq, 2005. – 350-b.

«... буларнинг бор, тортувчи тусинг бор» мисраларидан ўзбек халқининг қандай буюк халқ бўлгани, донишманд ва илм-маърифатли, яратувчи шеърлари борлигига ишора қилинади. Бундан фахрланишга чақиради, ўз миллатининг бошқа миллатлардан кам жойи йўқлигини ғурур билан билдиради. Сўнгги бандда эса шоир халқ қайғуси ўзининг қайғуси билан таъкидлаб, «Бинафша, сен учун кўкрагим эрк ери, бу ердан кўкрагимга учгил», - дейди. «Сен учун кўкрагим эрк ери» мисрасидаги «кўкрагим» ва «эрк ери» сўзлари истиора бўлиб, «кўкрагим» сўзи Ватан билан таъкидланади. Бу билан шоир нима демокчилигини ўқувчиларга аниқ шартан шарҳлаб беришлари мумкин. Чўлпон ўзининг исёнкор шеърлари билан халқини озодлик ва эркинлик учун курашга чақирмоқда, чунки хурлик билан курашларда қўлга киритилади. Шеър сўнггида шоир омма ҳали онгли, кўрашчан, ўз ҳақ-хуқуқини танувчи халқ даражасига кўтарилмаганидан қаттиқ афсусланади.

Шоир «Гўзал» шеърида ошиқ қисматини таъсирчан, нурли рангларда тасвирлаган. Лирик қаҳрамон чарх уриб гўзалини излайди. У дастлаб «Қоронгу юлдузда кўкка кўз тикиб, Энг ёруғ юлдуздан» сўрайди. Энг ёруғ юлдузнинг нурлари оламни кучади, балки у шоир излаган гўзални кўргандир. Афсуски, юлдуз ҳам у гўзални фақатгина тушида кўрган. Тушида кўргану лол қолган. Шу пайтгача ўзидан-да гўзални кўрмаган, ўзидангина эмас, кўкдаги барча юлдузлардан, ҳатто тун маликаси ойдан ҳам гўзалроқ малакни учратмаган эди.

Лирик қаҳрамон энди гўзал ёрени ойдан сўрайди. Ой ҳам бу оққа кўмилган «кизил яноқ»ни тушида учратган экан. Шу ерда ўқитувчи ўқувчиларга юлдуз ҳам, ой ҳам ул гўзални ўнгиларида эмас, тушларида кўрганини қандай тизиклайсиз, деган савол билан мурожаат этиши керак. Хўш, шоир излаётган гўзал ким?

Энди ёрени сўроқлаб тонг оттирган лирик қаҳрамон «тонг шамоли»дан гўзални суриштиради. Тонг шамоли у гўзални бир мартагина кўрган. Шундан бери «йўлдан озиб», акли шошиб, гўзални излаб «тоғу тош»ни кезиб тентираб

юради. Ўзбек қизлари саҳарлаб туришади. Шу сабабли «ерта тонг шамоли» уни бир мартагина кўрган бўлса, ажаб эмас.

Шамол кетгач, оламни мунаввар қилгани куёш чарақлаб чиқади. Бечора ошиқ кундан ҳам малагини сўроқлайди. «Ул-да ўз ўтидан бекиниб, қочиб, Айтадир: бир кўрдим, тушдамас ўнгда». Гуё ул ҳам гўзални бир марта кўрган ва ошиқ бўлишига шунинг ўзи етарли. Шу ерда ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини «Ул-да ўтидан бекиниб, қочиб» мисрасига қаратиши лозим. Куёшнинг нурлари кўзни олади, шу боис куёш ўз ўтидан бекинибгини сўзлашиши мумкин.

Шеърда шоир юлдуз, ой, шамол, кун тимсоллари орқали ошиқ қисматини таъсирчан рангларда кўрсатган. Шеърнинг сўнгги банди лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ички кечинмалари, эрка ташналиги ифодасидан иборат:

Мен йўқсил на бўлиб уни суйибмен,

Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйибмен,

Бошимни зўр ишққа бериб қўйибмен,

Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?

Мен суйган «суюкли» шунчалар гўзал.

Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!¹

Шу ерда ўқитувчи ўқувчиларга лирик қаҳрамон кимни шу даражада чарх уриб излаётган экан, деган савол билан мурожаат қилиши лозим. Бу излагани – юлдуз, ой, куёшнинг ҳам тушларига киргувчи, ўнгда кўринувчи, шамол «сочларини ёйиб» телбалардек истаб юрувчи, барчани ўзига мафтун этувчи хилқат эрк эмасмикин? Ўқувчиларнинг жавоби тинглангач, ўқитувчи фикрларни шундай хулосалаш мумкин. Фақат эрк ва озодликкагина шунчалик интилиш ва ошиқиш мумкин! Чўлпон «йўқсил» деганда камбағал бечораларни эмас, мустамлака зулми остида эзилган элни назарда тутгандир. «Бошини зўр ишга бериб» ёниб куйган «йўқсил» учун эрк ойдан ҳам, кундан ҳам гўзал ва мукамалдир. «Мен суйиб... мен суйиб кимни суйибмен?» мисрасидаги шеър

¹ Yo'ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V. Adabiyot. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. –T.: Sharq, 2005. – 348-b.

тикрорнинг бадиий вазифаси шеърга ажиб бир муסיқийлик олиб
билан бирга маънони кучайтириб, лирик қаҳрамоннинг озодликка
муҳаббати ниҳоятда кучлигини таъкидлашга қаратилган. Мисрадаги
сўзининг кўштирноққа олиниши ҳам унинг оддий маҳбуба эмас, эрк
эканлигига ишорадир.

Шундай қилиб, ранг-рамзлар орқали поэтик маънолар ифода этиш ўзбек
адабиётида анъана сифатида яшаган ва бугунги кунда ҳам ўзига хос услубларда
қилиниб келинмоқдаки, ўқитувчи Чўлпон шеъриятининг бу жиҳатларини
таҳлил ва талқинда назардан қочирмаслиги шарт. Чунки Чўлпон шеърияти
нинг эрка бўлган буюк муҳаббатини ифодалайди. Шоирнинг имон-этиқоди
ижтимоий, юрт фарзанди сифатидаги кечинмалари, чинакам истеъдод эгасига хос
санъаткорлиги у яратган бадиий олам мазмунини ифода қилади. Демак, адабий
таҳлил воситасида ўқувчида асар таркиби, бадиияти ҳақида муайян тасаввур
қилинади. Айни пайтда у бадиий баркамол асарлар таҳлили жараёнида
ижодкор қалбини ҳис қилади ва унинг бошқа сўз санъаткорларидан фарқ
қилувчи жиҳатларини англайди. Талқин воситасида ўқитувчи ўқувчи ўзи
кирраларини ярқ эттириб очиб юборади ёки иждоқор шахси, фаолияти, нуктаи
назари, тафаккур тарзига хос жиҳатлар шарҳи орқали унинг бадиий-эстетик
тафаккурининг ўзига хос “калит” нукталарини топишда кўмаклашади. Масалан,
“Ўткан кунлар” ХХасрнинг 70-80-йилларигача Отабек ва Кумуш севгиси
ҳақидаги роман сифатида талқин қилинди. Истиклол арафасидагина романдаги
ижтимоий муаммолар, Юсуфбек Ҳожи каби образлар теран таҳлил қилина
бошланди. Чўлпон шахси ва ижоди ҳақида ҳам айнан шундай дейиш мумкин.
Хуллас, адабий талқин воситасида бадиий асарларни эстетик таҳлил қилиш,
қайта баҳолаш имкони яратилди, асарнинг бадиий-эстетик таъсир ўтказишига
ўқувчи тайёрлангандир. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, адабий талқин ва
таҳлил асарнинг бадиийлигини ўрганишда гўё “бирлашади”, ягона таҳлилу
талқин усулига айланади. Шеърий тафаккур ва поэтик тимсол таҳлилида айни
шу ҳолат кузатилади.

XX аср ўзбек адабиётининг ёркин юлдузи Абдулхамид Чўлпоннинг барча шеърлари эрк ва истижлол гоёлари билан сугорилган, чунки Чўлпоннинг ўзи эрк куйчиси, эрка ташна инсон. Шоирнинг дардли нигоҳи юрт осмонидаги қора кўланкани олдиндан кўра олган. Масалан, 1921 йилда ёзилган «Бузилган ўлкага» шеърисида бу хусусда шундай битади:

Тоғ тошларда ўйин қилган,

Чопинган

Гўзал қизлар, ёш келинлар қаерда?..

От минганда кушлар каби учкучи,

Эркин-эркин ҳаволарни кучкувчи,

От чопганда учар кушни тутгувчи,

Учар кушдай ёш йигитлар қаерда?

Тоғ эгаси: сор, бургутлар қаерда?¹

Бу сатрлар Октябрь тўнгариши, советлар тузуми юртни асоратдан, жаҳолатдан, зулмдан озод қилади, деб ишонган Чўлпоннинг умидлари пучга чиққанлигидан далолат беради. Қизил империянинг дастлабки йилларида ўртага ташланган бу саволлар XX асрнинг 80-йилларининг ҳам оғрикли саволларига айланган! Шоир сўнгги нафасигача она Туркистоннинг озод ва мустақил бўлишини орзу қилган. Чўлпон қўллаган поэтик усуллар ва тимсоллар табиатида ҳам ҳурлик ва эрка талпинган қалб изтироблари сезилиб туради. Унинг ҳеч қандай кимниқига ўхшамайдиган самимий, жозибадор, таъсирчан туйғулари қатига халқнинг дарди, орзу-армонлари сингиб кетган эди. Бундай уйғун, рангин туйғулар ранг-рамзлар, образ-рамзлар орқали намоён бўлади. Умуман, тимсоллилик Чўлпон шеъриятининг ўзига хослигини таъминлаган етакчи хусусиятлардандир. Айни шу хусусиятга ўқувчи эътиборини тортишда таҳлилу талқин усули қўл келади.

¹ Yo'ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V. Adabiyot. Umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. -T.: Sharq, 2005. - 350-b.

Аёнки, Чўлпон кўп ишлатган поэтик тимсоллардан бири юлдуздор. У
таълиқини Чўлпон – тонг юлдузи деб танлагани ҳам бежиз эмас. Чунки юлдуз
шоирнинг юрагига жуда яқин. У юлдузга кўп сўроқлар билан мурожаат қилади.

Ўқитувчи адабий таҳлилда ўқувчилар диққатини шоир ижодида энг кўп
қўлланган «тонг юлдузи» иборасига қаратиб, юлдуз шоирнинг энг севган
тимоли эканлиги, шунинг учун ҳам юлдузга сўроқлар билан кўп мурожаат
қилиши, айна пайтда кўчим воситасида бу тимсол ёр тимсолига
қўйрилганлигини таъкидлаб ўтиши ва таҳлилни чуқурлаштириши лозим.

Коронғу кўчада кўкка кўз тикиб,

Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман...

Ёки

Гўзал юлдуз, нурли юлдуз, тез сўзла

Оталарнинг тарихдаги хатосин...¹

Юлдуз ҳам гўзалини излаб юрган ошиққа уялиб, ўзидан-да гўзал малак
борлигини ва тушларида кўринишини айтади. Лекин кейинги шеъридаги
«Ёруғ юлдузга») «оталарнинг тарихдаги хатоси» ҳақида лом-лим демайди,
чунки унинг сўзлайдиган яхши сўзи йўқ, «қон қилмоққа ҳасратлари кўп».
Истиқболни кўра олмаган ота-боболар эл-юртни сақлаш учун тузукроқ чора-
тадбир кўрмаганлиги учун «йўқсуллар чет оёқлар товонида эзилган». Бундан
юлдузнинг кўзларида ёш, юзлари сўлғин. Бу шеърида Чўлпон юлдуз билан
сирлашмоқда. Шеърдаги лирик қахрамон юртнинг тутқунликда эканидан
эзилган, бунинг сабабларини англашга интилаётган одам. Юлдуз эса шоирнинг
қалби, шоир ўз қалбига мурожаат қилиш билан ўтмишдаги хатоларни англашга
интилади. Шоир «Табнатга» шеърида «Кўк юзида барча юлдузлар
суюнчингдир сенинг» деб ёзади. «Амалнинг ўлими» шеърида юлдуз эрkning
излари сифатида тавсифланади. У шоир учун энг муқаддас издир:

У бир из кўзимнинг нурларидан ҳам

¹ Абдулхамид Чўлпон. Гўзал Туркистон. –Т.: Маънавият, 1997. – 34-б. (Кейинги кўчирмалар ана шу нашрдан
олинди).

Юксакдир. Мен уни ўпмоқ истайман,

Агар топилмаса. Бу юртлардан ҳам

Кўчиб йироқларга кетмоқ истайман.¹

У ўзи ардоқлаган «эрклик юлдузи»нинг нуридан ҳар бир юртдошининг юрагида бир «из» қолишига астойдил ишонади. Чўлпоннинг «Уч-тўртта юлдуз» шеърида юлдуз умиднинг рамзи бўлиб келган. «Адашган йўлчи» қоронғу зимистонда қайга боришни билмай турганда, уфқдаги ўчмасдан турган юлдузлар адашганлар учун озодлик нури бўлиб кўзга ташланади

1924 йил март ойида ёзилган «Исташ» шеърида Чўлпоннинг эрк ҳақидаги эзгу мақсадлари дил тубига чўктирилганини кўриш мумкин. Шеърда икки юлдуз – кўк ва ер юлдузларининг тимсоллари бор. Кўк юлдузи эрк ҳақидаги орзу рамзи бўлса, ер юлдузи – ғариб қиз эса эркак эришиш йўлидаги куч рамзи эди.

Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз

Ҳар ёққа қарайман.

Тонг вақтида нур тўккувчи ёлғизгина юлдуз

Айтарки: «У менман!»

Мен унга ишонмоқчи бўлиб ўйнатаман кўз,

Ул ҳам кула бошлар.

Шул пайтда деворлар ичидан қайгули бир қиз

Йиғлаб кела бошлар.

Кўк юлдузи изсиз эди. Ер юлдузи кучсиз,

Ҳар иккиси кетди.

Кўнглимга яқин нарсани излаб кеча-кундуз

Ой йилларим ўтди.²

Бу сатрлардан кўринадики, Чўлпонга катта умидлар бахш этган миллий озодлик ҳаракати ҳам у ўйлаганчалик кучга айланолмади. Кўқон мухторияти

¹ Ўша манба, 52-б.

² Ўша манба, 74-б.

конга ботирилди. Шу сабабли ҳам «кўк юлдузи изсиз, ер юлдузи кучсиз». Шоирнинг бу шеърлари мактаб дарсликларидан жой олмаган, ammo ўқитувчи инжодкор шахси ҳақида тўлароқ тасаввур уйғотиш мақсадида, унинг шеърлар гулламидан фойдаланиб, янги фикрларга тўртки бериши мумкин, деб уйлаймиз.

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, юлдуз тимсоли Чўлпон шеърлятида эрк, озодлик, миллий истиклол рамзи даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам Чўлпон юлдузга ошиқ, юртдошларини ҳам юлдузга ошuftаликка ундайди.

Чўлпон минг йиллик мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди, чўлпонона талқин қилди. Масалан, «ёр, гўзал маҳбуба» ва «ошиқ» тимсолларига шоир янги маъно юклади. Унинг талқинида «ёр» юрт озодлиги, эрк, «ошиқ» эса эркака ташна кўнгил, чунки Чўлпон бутун умр ингилиб, орзиқиб яшаган орзу юрт озодлигидир.

«Пўртана» шеърда ҳам Чўлпон ўзининг рамзий ифода усулига содик қолган. Бир ўқишда шеърда денгиз манзараси тасвирланаётгандек туюлади. Пўртана аслида эрк ва озодлик деб кўзғолон кўтарган омма кудратидир. «Пўртана» «қон ичар», «жон олар» бўлса ҳам гўзални суйишга жуда ўч. Севгиси кучли. Бирдан «сўзлари булбулни тутқун» қилган «сўзлари дил тортар» гўзал пайдо бўлади.

Ана шу гўзални, ана шул малакни

Йўқ, янглиш... фалакни

Пўртана кўксиди сақлар.¹

Барчани мафтун этган, лағиф сифатларга бой гўзал эрк рамзи, эркака «пўртана» ошиқ. Лекин кудратли эрксевар «пўртана» жимжит, уйкуда.

Чунки:

Бу маҳшар, қиёмат, пўртана, тўлқинлар –

Ҳаммаси йўқсилнинг кўнглида.

Бу дамда дунёни куйдирур вулқонлар

¹ Уша манба, 32-6.

Ожизнинг у ўтлик дилида...

Юқорида айтиб ўтганимиздек «йўқсил» Чўлпон шеърларида босқинчилар зулмидан эзилаётган эллар рамзидир. Ана шу «йўқсил»ларга Чўлпон пўртананинг буюк кудратини кўрсатади ва истиқлол учун курашга чақиради, пўртана образи рамз даражасига кўтарилади.

Ўйна, эй пўртана, тўхтама, қувват ол,

Чоғ келгач, эриниб ётма, ухлама,

Бўлмасин йўқлама

Кўп этган душмандан,

Паст жондан

Ўчни ол, ўчни ол, ўч ол!¹

Бу мисралардан сезиладики, Чўлпон мазлум халқларнинг пўртанадек бош кўтаришига, мустамлакачиларни улоқтириб ташлашига ишонади. Афсуски, шоирнинг ишончи саробга айланди.

Чўлпон шеърларида озодликка, миллий истиқлолга бўлган умид етакчи поэтик гоя – эркака бириккан туйғу сифатида талқин этилади. Шоир умиднинг рамзи сифатида барг, шафтоли каби тимсолларни ҳам қўллайди. Шоир жуда кўп қўллаган барг тимсоли эрта баҳорда умиднинг, кузда эса аксинча, умидсизликнинг рамзидир. «Олқиш» шеърида шундай мисралар мавжуд:

Янги баргларни кўрганда кўзим,

Яна умидга «ошён» қурадир.²

Кўклам чоғида шоирнинг лирик қахрамони «сувларнинг ўйноқи кўшиғи» уйғотган, «шамолнинг юмшоқ шўхлиғи» ўйнатган баргларни ўпишга тайёр. Чунки баргнинг ниш уриши, жонланиши билан шоир ҳам ўзида «эркинлик сезади», «умиднинг ипаклик қилини чўзади».

Шоир «Хазон» шеърида Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi оқибатида ўлкани талаш, халқни мустамлака истибдодига солиш

¹ Ўша манба, 33-б.

² Ўша манба, 76-б.

боғлик аччиқ ҳаёт ҳақиқатини япроқ тимсолидаги лирик кечинмалар,
қисми манзаралар орқали тасвирлаган.

Куз чоғи тупроқлар гезариб қолдилар,

Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар¹

қисми кутилмаганда бошига фалокатлар ёғилган она замин ҳолатини кўз
қисмида жонлантиради. Мисраларда шоир усталик билан қўллаган лирик
таъбир тўсатдан бошига балолар ёғилган заминнинг ночор аҳволини янада
қўрқитиб кўрсатади. Қизариб ёнган япроқлар энг сўнгги умиди ҳам
қўнганларнинг ночор қисматиға ўхшатилади. Хазон бўлган боғларда қағлашиб,
чангали солишга тайёр турган қарғалар узилган қисматларни, йўқ бўлган
умидларни кўз олдимизда бирма-бир намоён қилади.

Ай, совуқ эллардан муз кийиб келганлар,

Ў купол товшингиз қирларда йўқ бўлсин!

Эй, маним боғимдан мевамни терганлар,

У қора бошингиз ерларга кўмилсин! –

қисми хайқиради шоир қалблари ҳам муз, истаклари ҳам муздай «муз кийиб
келганлар»га қарата. Шу тариха ранг-рамздан образ-рамзга кўчиш юз беради.
Иссиқ жонларни, қайноқ вужудларни музлатувчи совуқ истак ва тилаклар
қилдирган япроқлар қизилга бўялди, боғлардаги меваларга чанг солинди, элнинг
ризиқ тортиб олинди, эрки бўғилди, бундай кўргуликлардан ҳатто тупроқлар
ҳам «гезариб» кетдилар.

Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,

Сўнг дамда япроқлар қизариб олдилар.

Билмадим, кимларнинг қисмати узилур,

Куз чоғи тупроқлар гезариб қолдилар?

Риторик сўроқ, мурожаат орқали мисралар такрори таассуротни
кучайтириб, янги маъно қирраларини очади, яъни бу ҳолга япроқлар –
миллатнинг ўғил-қизлари маънос куюниб қолмасдан, балки хўрликларга,

¹ Ҷша манба, 72-б.

кўрсатади. Булар шоир маҳорат билан қўллаган бадиний санъатлар орқали сайқал топган эҳтиросли поэтик фикр ҳосиласидир.

Чўлпоннинг ишқий шеърларидаги образ-рамзлардан яна бири соч тимсоли ҳам муҳим маъно ташиди. У мумтоз шеърятдаги каби ёрнинг барча сифатларини, ташқи портретини барча тафсилотлари билан тасвирлаб ўтирмайди, балки унинг бирор белгисига эътиборни қаратиш орқали тимсол ортига яширган маъноларни очиб беради. Масалан:

Боғларда сўлди гуллар, сўлди гуллар, сезмадим
Қизариб ботди кунлар, ботди кунлар, сезмадим
Қайда қолди қонли кунлар, қонли кунлар, сезмадим
Сочларинг боғлар олиб, боғлаб олибдир, сезгини.

Кўринадики, соч кунларни, тунларни, умидларни боғлаган кишан маъносини англаётмоқда. Қаҳрамон фасллар алмашувини ҳам, ўз бошига тушган савдоларни ҳам сезмайди, чунки унинг хаёлини, ҳис-туйғуларини, эркини, бор ихтиёрини ўша «сочлар» боғлаб олган эди.

Мисралардаги айрим сўзлар такрори шеърга мусиқийлик бағишлайди, қаҳрамон туйғуларининг латиф ва шаффофлигидан дарак беради.

Чўлпон наздида соч гўзаллик рамзи сифатида ифбат, хаё, ибо тимсоли ҳам бўлиб қолади.

Бир тутам сочларинг менинг кўлимда,
Ғижимлаб ўпайми ё тараб ечай?
«Сир» деб сақлаганинг менинг кўйнимда,
«Сир» деб сақлайинми ё елга сочай?¹

Маълумки, Шарқ аёлининг сочини энг яқин маҳрамининггина ушлашга ҳақи бор. Қизлар сочини ифбат, ҳаёсини асрагандек асрашган. Шунинг учун шоир сочилган сочини ифбатсизлик рамзи сифатида тасвирлайди:

Сочилган сочингдай сочилса сиринг
Анор юзларингни кимга тутасан.

¹ Ўша манба, 82-б.

Демак, сочларини бировга тутқазган «анор юзли» гўзалнинг тақдири ўша бировнинг қўлида. У хохлаسا «сир деб сақлайди», хохласа «елга сочади». Шайхона соч тимсоли орқали шоир гўзалнинг тақдирини ифодалаган.

Шоир иккинчи бандининг биринчи мисрасида («сочилган сочингдай тимсола сиринг») с ундошининг такрорига асосланган товуш товланишидан фойдаланган ҳолда, шеърхон эътиборини «сир» сўзига қаратиб шеърнинг намунасини янада чуқурлаштирган ва мусиқийлигини оширган. Бу ҳам шеърнинг бадий маҳоратидан дарак беради. Умуман, Чўлпоннинг шеърлари гўзал ташбеҳлару хайратли муболағаларга жуда бой. У қўллаган поэтик тимсоллар табиати ранг-барангдир. Шоир ишлатган поэтик образлар, асосан, кўрник, эрк, истиқлол, умид рамзларидир. У қўллаган поэтик усул, яъни образлар, поэтик ранглар ва ибораларни рамзийлаштириш хусусияти ўзбек шеърлятидаги классик адабиёт намуналарига хос анъаналарнинг давоми, айни пайтда, рамзларнинг ижтимоийлашуви ҳодисаси эди. Чўлпоннинг шеърларига калк дарди ва орзу-армонлари сингиб кетганлиги сабабли улар миллий истиқлол мафкураси теварагида жипслашган халқимиз кўнглига, орзу-армонларига, туйғуларига ҳамоҳангдир. Чўлпон ижодининг замонавий қиммати ҳам ана шунда. Демак, Чўлпон шеърляти намуналарини таҳлил ва талқин қилиш жараёнида у яратган бадий оламнинг ўзига хос жиҳатларига ўқувчи эътибори тортилади. Чўлпоннинг бадий маҳоратини ўрганиб, ўқувчилар шу ижодкоргагина хос хислатларни: юртсеварлик, миллатпарварлик, эрк учун курашдаги жасорат ва фидойилликни ҳис қиладилар. Айни шу хусусиятлар Чўлпоннинг ижодий киёфасини белгиловчи сифатлар эканига амин бўладилар. Зеро, ватанпарварликнинг моҳиятини юртсеварлик, эл дардига дардкашлик, унинг тақдири билан ўз тақдирини боғлаш ташкил этади. Миллат эрки, хурлиги ва келажаги учун курашни ўз бурчи деб билиш ва буни юрт равнақи йўлида имон эътиқодига айлантириш, фидойи инсонларга хос буюк фазилатдир. Чўлпон шахсини айни шу жиҳатдан ўргатиш, намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Ижодини эса таҳлилу талқин воситасида ўқувчи қалбига яқинлаштириш орқали фидойиллик, юртсеварлик туйғуларини таркиб топтиришга эришилади.

шароитда, таълимнинг турли босқичларида ўрганиш адабиётшунослик, эстетика, болалар психологияси қонуниятларига риоя қилишни ҳам тақозо этади. Мактабда бадий асар устида олиб бориладиган ишдаги энг муҳим ва асосий масала ўқувчиларда асарни бадий тасаввур этиш учун зарур бўлган ижодий қобилиятни ва китобхонлик маданиятини ўстириб боришдан иборат».² Яхши биламизки, «бадий асар ўз-ўзидан адабиётшуносликка дахлдор» эмас. Таҳлил малакаси эса ўқувчида босқичма-босқич шакллантирилади.

Шу жиҳатдан, турли синфлардаги адабий таҳлилнинг мақсад ва вазифалари ўзаро фаркланади. Аммо адабий асарни ўрганишда хусусий ҳолатлардан ташқари умумий ҳолатлар ҳам бўлади. Дарслик муаллифлари эса бадий таҳлилга киришишда ўқитувчидан куйидагилар талаб этилишини алоҳида таъкидлайдилар:

а) дарсни ташкил қилиш;

б) ўқувчиларнинг эмоционаликни англаш фаолиятини ўстириш, асарни ўқиш кўникмаларини тараққий эттириш усуллари аниқлаб олиш.³ Дарсликнинг мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш зарурлиги тушунарли, аммо барча ҳолатларда таҳлил усуллари олдиндан аниқлаб олишнинг иложи бормикан?

Мазкур дарсликда таҳлилни икки турга бўлиб ўрганиш тавсия этилган: 1.

Танланган қисмлар бўйича йўналтирувчи, образли таҳлил.

2. Асарни муфассал таҳлил қилиш.

Бадий асар матни устида ишлаш босқичларини дарслик муаллифлари бир-бири билан боғланган тўрт мустақил туркумга бўлиб ўрганишни тавсия қилганлар:

1. Кириш машғулотли.

2. Асар устида ишлаш.

3. Ўқиш ва таҳлил қилиш.

¹ Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –329 б.

² Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

³ Ўша манба, 159-б.

4. Якуловчи машғулотлар.¹

Кўриниб турибдики, дарсликда ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатиш билан

нинг ижодини таҳлил қилишга ягона жараён сифатида қаралмаган.

Ҳолбуки, кириш машғулотларида ўқитувчи маълум асарнинг яратилиш шари, мавзуси, муаммолари, тарихий шароит, ёзувчининг таржимаи ҳоли ва ижоди хусусида маълумот бериши кўзда тутилади.

Асар устида ишлаш босқичида эса асарни ифодали ўқиш ва матн устида олиб боришга киришилади. Демак, ёзувчининг ўзига хос услубини ўрганиш тарқали у яратган бадий оламнинг бетакрорлигини белгиловчи хусусиятлар ўрганилиши керак.

«Адабиёт ўқитиш методикаси» дарслигида мактабдаги адабий таҳлил адабиётшуносликдаги таҳлил мазмунига монанд бўлиши, филологик таҳлил усулларида адабий таълимда фойдаланилиш муайян самара бериши таъкидланган: «Ўқитувчи адабиёт ўқитишда адабиётшуносликка оид бадий ҳодисаларни, ёзувчининг ижодини тўғри талқин қилишга эътибор беради. Бунинг учун у таълим бериш жараёнида адабий матнни адабиётшуносликда қўлланиладиган усулларга суянган ҳолда таҳлил қилади, амалий тажрибасида адабиётшуносликдаги усулларга таянади, ёзувчининг асосий мақсади-фикри, гоъвий ниятини аниқлашда куйидаги мақбул усуллардан фойдаланади:

1. Тарихий, ижтимоий – маиший, адабий шарҳлар.

2. Бадий асар композициясини ўрганиш.

3. Асар устида ўтказиладиган услубий кузатишлар воситасида ёзувчи қўллаган тасвир воситаларини, фойдаланган халқ мақоллари, иборалари ва уларнинг асардаги моҳияти ва хусусиятларини англаб олиш малакасига эга бўлиш.

4. Ёзувчи ҳаётини воқеаларни қай даражада тасвирлаганлигини аниқлаш

¹ Зуннунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1992. –160-б.

учун асар қахрамонларини ҳаётдаги унга ўхшаш шахсларга қиёслаш асар моҳиятини англашга ёрдам беради.

5. Бир-биридан фарқ қилувчи икки бадий асарни қиёслаш ёзувчининг сўз устида ишлашдаги ижодий услубини кенгрок тасаввур қилишга имкон беради.

6. Ёзувчининг бир асарини бошқа бир асари билан қиёслаб ўрганиш усули турли мақсадларни амалга оширишга ёрдам беради. Бу усул адибнинг услуби ва дунёқарашини пухта англаб олиш имкониятини беради.

7. 5-9-синфларда бир неча ёзувчининг асарларини ёки асарнинг таркибий қисмларини (пайзаж, портрет) бошқа асарнинг қисмлари билан қиёслаш улардаги ахлоқий, рухий ва маънавий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган ёки ўхшаш хусусиятларни аниқлашга имконият беради,¹ – деб уқдирилган.

Педагогика фанлари доктори М. Мирқосимова «Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари» номли монографиясида таҳлил усулларини қуйидагича изоҳлаган:

«1. Бадий асарни ифодали, ижодий ёки шарҳли ўқиш усулларига таяниб таҳлил этиш.

2. Адабиётшуносликда мавжуд усулларни қўллаш ёрдамидаги адабий таҳлил, муаммоли таҳлил, тадқиқот усулига таяниб таҳлил юритиш. Бу усул ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ўстиришга йўналтирилади, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликка доир малака куртакларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

3. Адабий матн асосида текстуал таҳлил юритиш. Бу усул воситасида адабий матннинг бадий хусусиятлари ўрганилади.

4. Ноанъанавий усулларга таяниб таҳлил юритиш. Бундай усуллар бадий асарнинг айрим хусусиятларини намоён этишда қўлланилади. Масалан, тарқатмалардан фойдаланиб ёзувчи услубига хос хусусиятларни таҳлил этиш, асардаги айрим манзара тасвирини бадий сўз воситасида

¹ Зуңгунов А., Хотамов Н., Эсонов Ж., Иброҳимов А. Адабиёт ўқитиш методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1992. -168-173-бетлар.

уларнинг мувофик келувчи томонларига таяниб таҳлил юритиш мумкин; ёзувчи тасвирлаган пейзажга мос рангли расмлар воситасида манзарани ўқувчиларнинг ўзларига бадий тасвирлатиш, тушириб қолдирилган ўзларни топиб манзаранинг ёзувчи тасвиридаги нусхасини тиклашни таъминлаш ёрдамида ҳам таҳлилга йўллаш яхши самара келтиради. Булардан шуниси бахс-мунозара, адабий суҳбат, конференция, семинар ва назм дарслари ўқитиш самарали натижалар беришини тажрибада синаб кўрдик»,¹ – деб таъкидлайди.

«Бадий таҳлил усуллари», «Адабий асар таҳлили мезонларини ўрганиш» сингари ўқув қўлланмаларида ҳам олима бадий асар таҳлили уни ифодали равишдан бошланишини алоҳида таъкидлайди.

Профессор Қ. Йўлдошевнинг «Янгиланган педагогик тафаккур ва адабий таълимнинг илмий-назарий асослари» мавзусидаги докторлик диссертациясида ҳам масалага янгиланган педагогик тафаккур тамойил-ларига таяниб муносабат билдирилган. Олимнинг «Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари», «Ўқитувчи китоби» қўлланмаларида ҳам мактаб адабий таълимига эстетик таҳлил олиб кириш йўллари ўқитувчининг намунавий таҳлили, ижодкорлар яратган асарларни қиёслаб таҳлил қилиш, асарнинг бадий хусусиятларини таҳлил қилиш кабилар воситасида ёритилган. Методист олимнинг бадий асар таҳлили ҳақидаги қуйидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир: «Таҳлил асардан гоё қидиришдан бошланадиган бўлса, ўқувчилар яна ақидага, ҳукму қулосага дуч келишади. Ақида бор жойда ҳаёлот парвозига ўрин қолмайди. Ҳаёлот парвози тўхтаган жойда адабий таълим ҳам йўққа чиқади. Айниқса, мўъжизакор лирик асарлар таҳлилга тортилганда, ўқувчиларни дарҳол ақидага стақлаб келмаслик лозим. Уларга бадий либос замиридаги жозибадан бахраманд бўлиш имконини бериш керак».¹

Лирик асар кўпинча шоирнинг таржимаи ҳолига алоқадор арзи ҳол, лахзали кўнгил изҳори сифатида таассурот қолдиргани учун муаллиф ҳиссиёти

¹ Мирқосимова М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш асослари: –Т.: Фан, 2006. – 112-б.

ё ҳаяжони тўғридан тўғри, ҳеч қандай воситасиз ёлғиз унинг ўзигагина дахлдордек қабул қилинади. Аслида шеър умуминсоний ҳиссиёт ва ҳаяжон ифодасидир. Шунинг учун у шоирнинг ўзинигина эмас, китобхонни ҳам бефарқ қолдирмайди.

Лирик асар таҳлилида поэтик фикр ўқитувчи диққат марказида туриши керак. Бу шеър матнини қайта баён қилишни англамайди. Балки шеърдаги ҳар бир сўз синтактик шакл ва оҳангни яхлитликда ўргатиш заруратидан келиб чиққандир. Зеро, шеърятдаги хусусийликда умумийлик, лаҳзада абадийлик, алоҳидаликда умуминсонийлик ҳукмронлик қилади.

«Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, - деб ёзади бу ҳақда олима М. Мирқосимова, - шеърый асарлар таҳлилида уларнинг жанрий хусусиятлари ҳамиша ҳам ҳисобга олинмайди. Кўп ҳолларда шеърга оддий матн нуқтаи назаридан ёндашилади, унинг ҳиссиёт билан боғлиқ санъат ҳодисаси экани, маънонинг сатрлар, сўзлар қатига яшириб берилиши англаб етилмайди. Натижада ўқувчилар шеърдаги образлиқнинг мағзини чақа олмайдилар, шеър матнини ҳиссиз тарзда механик ўқиб чиқадилар. Дарҳақиқат, поэтик оҳангни ҳис қилмаслик, матндаги сўзларни тушуниб етмаслик бадий асарни тушунмасликка, ундан завқ туя олмасликка олиб келади. Шеърый матн таҳлилини маром, ҳижо, туроқ, вазн, қофия ва банд ҳақидаги назарий тушунчаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўқувчилар шеърятнинг назарий қонун-қоидалари билан юзаки тушунтирилиши туфайли таҳлилда ҳамиша оқсайдилар. Бу ҳол ҳатто олий ўқув юртлари адабий таълимида ҳам давом этади».²

Маълумки, шеър «оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солинган ҳис-туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ҳаяжонли ритмик нутқ» ҳисобланади.¹ Лекин шеърый нутқ ҳам муомала тили ва муомала қонуниятларига бўйсунмади. Шеърый нутқнинг ўз табиатидан келиб чиқадиган, амал қилиниши лозим бўлган қўшимча қонуниятлари борки, ўқитувчи таҳлил жараёнида бундан кўз

¹ Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. -Т.: Ўқитувчи, 1996. - 88-б.

² Мирқосимова М. Адабий таҳлил методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1998. - 36-б.

юммаслиги керак. Шеърятга хос ифодалар теран ва ҳаяжонли, маънонинг куюк бўлиши сифатлари тўла анлангандагина унинг мутолааси ўқувчига завқ бағишлайди, хотирасини мустаҳкамлаб, нутқ бойлигини оширади, бадий асарга хос образлиликни тушунишга имкон беради. Шеър маъносини тўла тушуниб етмаслик натижасида уни ўқиш ёки ёдлаш зерикарли машғулотга айланади. Ўқувчилар асардаги образлилик мағзини чақолмасликлари туфайли шеър ёдлашга бўйинлари ёр бермайди. Болаларни шеър ёдлашга мактабгача таълим жараёнида ўргатилса-да, ўрта мактабларни тугатган кўпшаб ўқувчилар қатто битта шеърни юракдан берилиб, тўла ҳолда ёддан айтиб беролмасликлари ташвишланарли ҳол. Чунки бунинг учун ўқувчигина эмас, кўпроқ ўқитувчи айбдор. Ўқув дастурида ёд олишга тавсия қилинган ва синфда ўқиб-ўрганиш кўзда тутилган шеърларнинг ҳаммасини ўқувчиларнинг тушунмаслиги мумкин эмас. Демак, адабиёт ўқитувчилари болаларни адабиёт, жумладан, шеърят билан чуқур таништириш метод ва усуллари ҳақида жиддий бош қотиришлари лозим. Аввало лирик асарлар таҳлиliga оид назарий билимларни ўқитувчиларнинг ўзлари чуқур эгаллаган бўлишлари, сўнгра бу билимларни ўқувчига етказиш усуллари ҳақида ўйлашлари лозим. Бу муаммони ҳал этишда куйидагиларга амал қилиш талаб қилинади.

I. Ўқувчини асарни ифодали ўқишга ўргатиш.

Ўқувчи мутолаа чоғида асар мазмуни билан танишади. Ўқитувчининг намунали ифодали ўқиши орқали шу мазмунни ҳис қилдиришга эришиш жуда муҳим. Чунки таҳлил пайтида унинг бадиятига мурожаат қилинади. Мутолаа ҳиссиётни бойитиб, ақлни пешласа, таҳлил матн тағ заминидаги маънони чуқур ўрганишга ёрдам беради. Ўқитувчи адабий таҳлил дарсларини ташкил этганда муайян асарни ўқиб-ўрганишигина мақсад қилиб қўймайди, балки адабиётшунослик, мантиқ, тилшунослик, руҳшунослик, дидактика, санъат, фалсафа каби фанларнинг бадий ижодга боғлиқ қонуниятларига таяниб иш юритади. Бунда куйидаги масалаларни ҳал этиш назарда тутилади:

¹ Жамол Камол. Лирик шеърят. -Т.: Фан, 1986. -89-б.

Тасвирланаётган манзара аввало шоира қалбини эҳтиросга тўлдирган ва шу эҳтирос қахрамон оламига кўчган. Лирик қахрамон диққати тунни бор латофати билан ёритиб турган ойга қаратилганда биз шу туйғуни ҳис қиламиз. Ҳовузда ҳам ой, юлдузлар акси. Ҳовузга эгилган чоғда қахрамон акси суви юзида акс этганини шоира аввалги тасвирга яқин ҳолатни ифодалашда маънодош сўзларнинг ички тартиби ва оҳангидан санъаткорона фойдаланиб тасвирлаган. Маъно ва тасвир бадий жихатдан уйғунлик касб этган: «шиғил-шиғил», «саф-саф», «минг-минг», «ларча-ларча» ана шундай сўзлардир. Ўқитувчи намунавий матн таҳлилини шеърнинг кейинги мисралари юзасидан ўқувчиларнинг мустақил таҳлиliga улаб юбориши мумкин. Бунинг учун ўқувчиларга қатор йўналтирувчи савол ва топшириқлар билан мурожаат қилинади:

1. “Сел унутган кўлмаклар мисли ойнанинг сингани” сатридаги образли ифодаларни изоҳланг.

2. Учинчи банддан бошлаб шеърда қўлланилган тасвирий воситаларни топиб, улар қандай бадий вазифани бажараётганини тушунтириб беринг.

3. Сиз ойдin кечани кузатганмисиз? Шеърда тасвирланганидан ўзгача ҳолат ва манзаранинг гувоҳи бўлганмисиз? Ойдin кечани шоира қандай ҳис қилгану, сиз қандай ҳис қилдингиз?

Ўқувчиларнинг мустақил амалий ишлари якунлангач, Зулфиянинг таҳлил қилинган асари мисолида лирик шеърятга хос хусусиятлар ҳақида якуний хулоса баён этилади.

II. Адабий таҳлил жараёнида ўқувчиларга зарур назарий билимларни тушунтириб бориш ҳам таълим заруратидан келиб чиқади. Матн таҳлилида ўқитувчи сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларидан ташқари кўчим, муболага, метафора сингари бадий воситаларнинг аҳамиятини тушунтириб бориши зарур. Биз бадий асарларни қиёсий таҳлил қилиш, таркибий унсурларига кўра таҳлил қилиш; қамровли таҳлил усули; асарни поэтик тафаккур тарзи ва образларига таяниб таҳлил қилиш; асарнинг бадий хусусиятларини таҳлил қилиш каби усуллар ижодкор шахси ва у яратган бадий оламни ўқувчига

инглатишдаги энг самарали таҳлил усуллари эканлигига ўз тажрибаларимиз довомида ишонч ҳосил қилдик.

Айни пайтда, шеър таҳлили жараёнида маълум бўлдики, лирик асарлар орқали китобхон-ўқувчи туйғуларига, ҳиссиётларига таъсир кўрсатилади. Лирик қаҳрамон тимсолига кўчган муаллиф кечинмалари шеърхоннинг ҳам руҳиятига кўчиб, унинг кечинмаларига айланиб кетар экан. Шу тариқа, сўз санъаткорлари яратган асар ўқувчини ўзга инсонларни ҳис қилишга, уларнинг қалбини, ҳаяжону изтироблари моҳиятини тушунишга ўргатади. Натижада, ўқувчи яратувчи инсонларга ҳамдard, ҳамфикр, туйғудош инсонга айланиб боради. Бу – бадий адабиётнинг инсоншунослик эканидан далолат беради. Бадий ижод намуналари эса инсон маънавияти, дунёқараши ва руҳиятини бойитувчи қудратли воситадир. Шунинг учун китобхонлик даражаси юксак бўлган ўқувчиларнинг эстетик диди ҳам юқори бўлади, мустақил ижодий фикрлаш салоҳиятлари ҳам бошқалардан устунлик қилади. Зеро, ижодий фикр кишиси у қайси касб эгаси бўлишидан қатъи назар, ҳамиша яратиш, кашф этиш истаги билан яшайди, жамятимизнинг энг фаол, яратувчи шахслари қаторида тўзланади.

6-синфда Зулфия ижодини ўргатиш жараёнида ана шу таълимий ва тарбиявий мақсад бошқа усулларга таяниб ҳам амалга оширилиши, ўқувчиларга «Шоиранинг ҳаёти ва ижоди ҳақида» номли адабий-бадий альбомдан фойдаланиб, кўшимча биографик маълумотлар берилиши мумкин.

Дарсликдаги шеъринг асарлар таҳлилидан олдин куйидаги мулоҳазалар орқали ижодкор яратган бадий оламнинг ўзига ҳослиги ҳақида муайян тушунча ҳосил қилиш ўринли бўлади.

Шеъринг қандай олам? Айрим шоирлар шеър юракни ларзага солган ҳислардан дунёга келади деб ҳисобласалар, баъзи ижодкорлар шеър – қалб изтироблари-ю дардларини, армону қувончларини бадий бўёқларда тасвирлаш, деб таъриф берадилар. Сиз-чи, сиз шеърингга қандай таъриф берган бўлардингиз? Шеъринг инсоннинг фикр-ўйлари, ҳис-туйғулари, олам гўзалликларига муносабати бадий сўз орқали жонлантирилишини қандай

тушунаси? Гарчи, дарсликда берилмаган бўлса ҳам Зулфиянинг хис-ҳаяжони юксак бўлган шеърларидан парча ўқиб бериш мумкин.

Тонг елининг ипак кўллари

Сирень тегиб ўтгач гулингга,

Нечун майин, нозик тебраниб

Қараб қолдинг унинг йўлига?

Сен тебрандинг – очди лабини

Кўксингдаги нафис гунчалар.

Айт-чи, сенга деди неларни

Яшнаб кетдинг, гўзал, шунчалар?

(«Сирень»)

Ёки:

Тоғ оргидан кўтарилди ой,

Сўлим қирғоқ нур-ла ўпишди.

Кўзгу бўлди жимжит оққан сой,

Ойнинг акси сувларни кучди.

(«Сой кечаси»)

Шоира Зулфиянинг бу каби шеърларини ўқир эканмиз, хилма-хил кечинмаларни қалбдан хис этамиз, унинг кўнглини, туйғулари мазмунини англаб борамиз. Шу сабабли майин мусиқийликка уйғун рухият манзараларини қалб кўзимиз орқали кўргандай бўламиз. Нафис бўёқларда берилган табиат чизгиларида оқ, ним пушти ранглар етакчилик қилади. Лирик кахрамон кўз ўнгимизда табиат тасвирига уйғун кечинмалари билан намоён бўлади, унинг қалби илиқ хис-туйғуларга бой, гўзалликка ташна эканини хис қиламиз. Айни хусусиятлар шоира Зулфия биографиясига уйғун, унинг ҳаёт йўлига, изтиробларига монанд.

Шоиранинг Ҳамид Олимжон хотирасига бағишлаб ёзган шеърлари, айниқса, ҳаяжонли, дардчан. Чунки бу шеърлар унинг ҳаёти, тақдирига алоқадор. Бу ҳақда адабиётшунос олим Қ. Йўлдошев шундай ёзади: «Зулфиянинг барча шеърлари аввал ўқиб чиқилиши ва ўқувчилар билан

амкорликда, дарслик-мажмуадаги савол ва топшириқлардан фойдаланган ҳолда таҳлил этилиши кўзда тутилади. Ўқитувчи шеърлар ҳақида куруқ мунозарот бермаслиги, балки ўқувчиларнинг ана шу дардчил асарлари билан келишидан танишишларига, шоиранинг дардларини туюшларига имкон яратиш заруркор».¹ Табиат тасвирига сингдирилган майин оҳанглар оқ бўёқларда тасвирланади; инсоний дардга йўғрилган фарёд ноталари, дарду алам, армону интироб туйғулари аста-секин гоҳ сарғиш, гоҳ тўқ рангларга кўчади. Лирик қаҳрамон кўлидаги даста гул, ёруғликни тўсиб келган қора булут, аёл интиробларига чидолмасдан дув ёш тўккан осмон, оқ булутлар – бари рамзий маъноларни ташийди. Шоира ҳаётда юз берган фожиа – сеvimли ёридан айрилиш дардларидан туғилган шеърлар унинг аламли ҳаёти ҳақида сўзлайди:

Биз йиғладик тепангда шу кун

Келдингми деб кўтармадинг бош²

мисралари эса лирик кечинма якунини ташкил этади.

Демак, Зулфия шеърларида ҳаётнинг мураккаб синовларидан ўтиб бораётган инсон кифёси, унинг ўй-кечинмалари, ҳис-туйғулари, дарду интироблари тасвирланади ва китобхонни аёл, она, ёр қалбининг муштарақ туйғулари замиридаги маъноларни англашга ундайди; шоира қалби орқали аёл кифёсини тасаввур эттиради, унинг кўнглини ҳис қилишга йўл очади. Бундай кезларда ҳиссиз биографик маълумотлардан кўра, унинг шеърлари ижодкор қалбини англашга яқинлаштиради. Таржимаи ҳолга оид фактологиядан кўра, у яратган бадиий образларга кўчган инсоний кечинма-ларни ҳис қилиш мароқли ва жозибали кечади.

Ўқитувчи дарсликдаги Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақидаги маълумотларнинг маълум қисмини ўқиб бериши, шоирага замондош ижодкорлардан Миртемир, Абдулла Қаҳҳорнинг фикрларини эслатиши, дарсда

¹ Йўлдошев К. Ўқитувчи китоби. Методик қўлланма. 7-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуаси учун. –Т.: Ўқитувчи, 1997. – 147-б.

² Yo'ldoshev Q., Husanboyeva Q., G'ulomova N. Adabiyot. 6-sinf uchun darslik-majmua. –Т.: Yozuvchi, 2002. –153-б.

«мўъжизалар содир бўлади», инсон қалби ҳам, орзу-тилаклари, туйғулари ҳам оқликка йўғрилади. Зулфия услубига хос бадий ранглар унинг ҳаётга, одамларга қарашидан, уларга муносабатидан дарак беради. Шоиранинг «Азиз туйғулар» туркумига кирган «Боғлар қийғос гулда», «Невара» шеърларида ҳаётга, яшашга бўлган завқ бадий шаклда мужассамлашган. Бу завқ «Невара» шеърларида томирида қон ўрнида «қуёш кезаётган», учираётган варраги сингари кўкси ҳам «кўкка ингилаётган» болақайнинг келажagini ўйлаётган лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларига омухта шаклда ифодаланган.

Неварам қуюндай отилиб кириб

Қаламим тагидан қоғозни юлар.

Дамда варрак ясаб кўкка учириб,

Изидан қоп-қора кўзлари юрар¹

Бу шеърда ҳам Зулфия ижодига хос автобиографик асос ярқ этиб кўзга ташланади. Бу она, аёл, ижодкорга хос меҳр, эзгуликка талпиниш, гўзаллик ва покликдан завққа тўлиш одатидир. Шу ерда ўқитувчи ўқувчилардан шеърнинг қайси бандида автобиографик ҳолатлар тасвирланган, деб сўраши ва шу бандни қайта ўқитиб, шоиранинг бадий ниятини, шеърнинг жозибасини англашлари учун вазият яратиши лозим, деб ўйлаймиз.

Нак бобоси сиёҳ зихиндай тийрак,

Кўкиш алангада ёнар сочу қош.

Борлиғи эзгу бир ўт бўлса керак,

Томирларда қонмас, кезади қуёш.²

Шоира ҳам ташқи кўриниши, ҳам тийраклиги, ҳам ўтли борлиғи билан бобосига ўхшаш неварасидан унинг келажаги, иқболи ҳақида ўйга толади. Болақайдаги ҳаётга ташналик, курашчанлик руҳи, тиниб-тинчимаслик ҳисси порлоқ келажакка ошиқишидандир. Ўқитувчи ўқувчиларга баҳорда варрак учирганмисиз ва ўша пайтда қалбингизда нималарни ҳис қилгансиз, каби саволлар берса, мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Зулфия. Асарлар. Шалолла. I-жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 356-б.

² Ўша манба, 356-б.

Шоира кўз ўнгида неварга гўё бобоси ҳаётининг давомчисига ўхшайди. Унинг фазога интилиб учаётган варракдек келажакка талпинаётган митти қалби биринчи орзу-хаёлларга тўлиқ. Неваранинг варраги унинг тилаклари рамзига ўхшайди. Болакай тимсолида шоира ҳаётни севишга ва келажакка ишонишга, қарқинликка, қурашувчанликка даъват этмоқда.

Зулфиянинг «Боғлар қийғос гулда» шеърисида эса инсонларни бир-бирига қўриқчилард, суянчиқ бўлиб яшашга даъват руҳи етакчилик қилади. Бу шеър ҳам ўқувчиларда шахслик сифатларини шакллантиришга таъсир кўрсата олади. Шеър тўлиғича ифодали ўқиб чиқилгандан сўнг, мисраларга жо бўлган маънолар ўқувчилар билан бирга таҳлил қилинса, қийғос гулга тўлган боғлар таъбири қандай поэтик маъноларни ифода этиши англаб олинади. Шеърнинг биринчи бандини ўқиш чоғида ўқувчи кўз ўнгида баҳордаги қийғос гуллаган боғлар, анвойи тароватли чаманлар, табиатнинг турли рангларида товланган дарахтлар манзараси гавдаланади. Ҳар бир новда, гул, япроқлар ўзгача рўйда, бир-бирини такрорламайдиган кўринишда, бир-бирига кўрк бериб, қудрат бағишлаб, ҳимоя қилиб тургандай туюлади.

Ҳар новда бир гулда,
Ҳар гулда бир рўй,
Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.
Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,
Бир-бири учун қудрат, ҳимоя.¹

Она юртнинг ҳар бир бурчи турли жилоларга бурканган бўлса ҳам, ҳар бир қаричи жон томирдай бирлашиб кетган.

Бир қардош тинчисиз – ўзга беором
Бирининг нонисиз – ўзга эмас тўк...
Бу – қадим дунёда янги бир олам,
Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўк.²

¹ Ушш манба, 359-б.
² Ушш манба, 359-б.

Бу дунёда яшайётган одамзот ҳам бири-бирисиз, суянчсиз яшай олмайди. Афсуски, биз одамлар кўпда бу ҳаёт ҳақиқатини унутиб қўямиз.

Шоира қалби ана шундан, дилгир, ана шундан безовта. Бу шеърда инсониятга ўз фарзандидай боқиш, она юртни, ундаги гўзалликларни асраш, оламини тинч-осойишта сақлаб туриш учун кураш туйғуси лирик қаҳрамон кечинмалари орқали жўшқин ифодаланган. Бу шеърни тушуниш, ҳис қилиш натижасидагина ўқувчилар ундан ҳаётий, мантиқий, бадий ва ахлоқий хулосалар чиқариб олишлари мумкин. Зотан, эзгу мақсадлар учун курашиб яшашга интилиш яратувчиликка, бунёдкорликка интилиш туйғусини шакллантиради. Бу туйғу юртимиз келажagini бунёд этишга қодир ёшларни вояга етказишда муҳим аҳамиятга эга. Демак, шоира Зулфиянинг ижодида унинг гражданлик туйғулари шундай маъноларни ифода қилади, бетакрор шаклларда намоён бўлади.

Яхши биламизки, узлуксиз адабий таълимнинг барча бўғинларида ўқувчиларни ёш хусусиятлари, билим даражалари ва қизиқишларини инобатга олган ҳолда матн устида ишлашга тайёрлаб бориш тақозо этилади. Негаки, адабий таълимнинг бош вазифаси ўқувчиларнинг адабиёт намуналарини шунчаки ўқиб қўя қолмасдан, балки уларнинг руҳиятига, сеҳрли оламига кириш, ҳис этиш ва англашларига эришишдан иборатдир.

Ана шу мақсадни аниқ белгиллаган ҳолда, 9-синфда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг “Куз манзаралари” шеърини матн асосида таҳлил қилиш мумкин. Бу шеърда шоир лирик қаҳрамон ички оламини табиат манзаралари орқали таъсирчан тасвирлаган. Маълумки, шеърятда лирик қаҳрамон доимо асар марказида туради. Ўқувчилар муаллифнинг лирик «мени» орқали шоирнинг поэтик оламидан воқиф бўлиш, унинг туйғуларини ҳис этиш имкониятига эга бўладилар. Шеър билан танишиб чиқилгандан сўнг ўқувчиларда лирик қаҳрамон ким — шоирнинг ўзими ёки бирор бошқа шахси, деган табиий савол туғилиши мумкин. Бадий асарда ҳаёт ҳодисалари, замондошларнинг ўй-фикрлари ижодкорнинг шахсий

кечинмалари орқали умумлаштирилади. Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони биринчи навбатда бадий образ, айти пайтда муаллифнинг муайян қарашлари ифодачисидир. «Куз манзаралари» шеърида шоирнинг лирик қаҳрамони севги йўлида оҳ-воҳ, ўлдим-куйдимлардан тамомила йироқ. Ёшлиқда қолиб кетган муҳаббат изтироби, алами, чуқур инсоний кечинмалар, чинакам севги орзулари бўлган нозик қалб эгасининг дарду дунёси, ҳасратларининг табиат манзаралари билан уйғунлашиб кетганлиги ўқувчини ҳайратга солиши табиийдир.

Яна далаларга бошлайди ҳавас,

Боғларда хазонлар ёнади лов-лов.

Дўстларим, бу кузнинг барглари эмас,

Менинг юрагимдан тўкилган олов.¹

Нима сабабдан лирик қаҳрамон хазонларни юрагидан тўкилган деб атамокда? Чунки қаҳрамоннинг бир вақтлар юрагида ловуллаб ёнган севги олови уни тарк этган. Ишқдан ўт олган олов бугун бутун оламини тутиб олган. Шу сабабли боғлар, далалар гуркираб ёниб ётибди.

Дарахт шохларидаги хира мезонлар лирик қаҳрамонга ўзининг сўнгисиз ўйлари бўлиб кўринаётганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки ошиқ ўйларининг охири йўқ... Фалакдаги куёш ҳам ёздагидек ёндиргани йўқ. Фақат рўёдек ялтирамоқда... Олис ёшлиқда қолиб, ўтмишга айланган муҳаббат ҳам кузги куёш нуридек хира, рўё каби сирти ялтироқ, холос.

Ушбу шеърни кўнгилхушлиқдан бутунлай йироқ бўлган чинакам ишқнинг дардчил талқини дейиш мумкин. Бу эса Абдулла Ориповнинг ўзига хос бетакрор поэтик услубидир. Шоир бу шеърда жавобсиз ишқнинг азобини тортган лирик қаҳрамоннинг кечинмаларини ҳазин куз манзаралари орқали санъаткорона тасвирлаб берган бўлса, «Ўзбекистонда куз» шеърида эса Ўзбекистонга бўлган муҳаббатини лирик қаҳрамон қалбининг тубидан отилиб чиққан ҳиссиётлар, безовта ўйлар-у изтироблар воситасида ифодалаб берган. Шеър магни тўлиғича ифодали ўқилгач, шарҳлаб ўқиш усулидан фойдаланиб,

¹ Абдулла Орипов. Танланган асарлар. Тўрт жилдик. Биринчи жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 140-б.

мазкур шеър мисраларига сингдирилган маънолар ўқувчилар билан биргаликда тадқиқу талқин қилинади:

Юргил, далаларга кетайлик дўстим,

Дикқинафас уйда ётмоқ пайтимас.

Олтин Ўзбекистон тупроғи бу кун

Бир пари фаслнинг оғушида маст.¹

Она юрт ўранган олтин кузнинг ҳарир либоси шоир назарида бир пари оғушига ўхшайди. «Шабнам шовуллайди боғлар кўйнида» (шудринг кўнган барглardan оқиб тушаётган томчилар овози тонг шабадасида шовуллайдиган дарахтлар овозига кўшилиб кетган). «Салқин туман ичра бўзарар (ёришар) тонглар. Куёшнинг эринчоқ ёғдуларида нафис ялтирайди барги хазонлар». Ҳар ёнда тўкинлик, куздан нишона. Тонгнинг бўзариши қандай маънони англатмоқда? Ёришмоқ, оқаринқираб тонг отмоқ; кузнинг саҳардаги салқин ҳавосидан совқотган одамнинг ҳолатига ўхшатиб, жонлантириш маъносидан, салқин туман оғушида тонг ҳам қалтирамоқда деган маънода «бўзарар» сўзи қўлланилган. Хўш, “куёшнинг эринчоқ ёғдулари” деганда нимани тасаввур қиласиз? Шоир кузда куёшнинг тафти ҳам пасайиб, салқин тушиб қолишини, бинобарин, кузда куёшнинг тикка нур сочмай, ётинқираб, анча қиялаб нур сочиш ҳолатини “эринчоқ” сўзи орқали жонли ва таъсирчан тарзда ифода этмоқда. Кўз ўнгимизда кузнинг поэтик манзараси образли лирик кечинмалар орқали ёрқин кўриниш беради. Биламизки, лирик шеърят интим лирика ва ижтимоий лирика каби турларга бўлиб ўрганилади. Агар лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари ва ҳиссий олами акс эттирилган шеърлар интим лирикани ташкил этса, реал ҳаётда рўй берган воқеа-ҳодисалар тасвирига бағишланган шеърлар ижтимоий лирикага мансуб. Асарларнинг барчасига хос муайян умумий хусусият ҳис-ҳаяжон ва руҳий кечинма тасвирининг куюк бадий

¹ Karimov N., Mirzayev T., Nazarov B., Normatov U., Qosimov B. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 9-sinf uchun darslik. –T.: Ma'naviyat, 2002. – 157-b.

орқали берилишидир. Бундай кечинмалар ҳамда туйғулар халқнинг жиддий муаммоларига чапишган ҳолда ифодаланган бўлса, ижтимоий мазмун касб этиб, ижтимоий лирика намунаси сифатида ўқиб келилади. Ижтимоий лирика намуналари китобхонни ижтимоий-ахлоқий ҳукм-хулосалар

қилишига даъват қилади, шоирнинг ҳаёт ҳақиқатининг маълум жиҳатларини тасдиқлаб, айримларини рад этиш кўринишидаги муносабатини, ҳаёт назарини билиш имконини беради. “Ўзбекистонда куз” шеърининг биз кўриб килган мисралари тимсолида шоирнинг она юртига меҳр-муҳаббат туйғусини, унинг гўзаллигига мафтунлигини ҳис қиламиз. Кейинги мисраларда эса қахрамон кечинмаларидаги изтироб моҳиятини англашга киришамиз:

Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.

Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,

Менинг шодликларим, эзгу дардларим,

Менинг она халқим...

...Увоқ чигитни ҳам этмай деб увол,

Ҳар битта эгатга эгилган халқим.

Бир нафас бошингни кўтаргину бок:

Ер юзида ажиб викор ва нуфуз.¹

Ҳаёт қанчалик гўзал, табиат қанчалар мафтункор бўлмасин, инсон ана шу гўзалликлардан баҳра олиб, яйраб яшамаса, орзулар, шодлигу қувончлар ва бахтли меҳнатга айланса, бундай меҳнат роҳат эмас, заҳмат, дард, алам келтиради. Шунинг назарда тутган шоир халқини меҳнатдан эгилган, заҳматдан букилган қаддини ростлаб, атрофга, ҳаётга рағбат солишга даъват қилаётгани, ҳеч бўлмаганда табиат гўзаллигидан баҳра олиб, ҳаётдан завқланиб яшашга чорлаяпти. Афсуски, “Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандок?” – деган савол барча эзгу ўй-хаёллардан устунлик қилади, чунки “Кузнинг фалсафаси шудир биз учун”. Диққат қаратсангиз, шоир ифодалаётган фикр мажозий маънони билдиради: “кузнинг фалсафаси” йил бўйи тер тўкиб ундирилган экинлардан

Йиғиладиган ҳосил ҳақидаги ўйларимиз мазмунини англатади. Аммо шунинг билан бир вақтда собиқ шўролар тузумининг сиёсий ва мафкуравий талаблари халқнинг меҳнатга қўйилганлиги, бутун бир халқ тақдири буйруқлар билан қилинганлиги оқибатини ифода қилмоқда. “Кузнинг фалсафаси шундир бундан унча учун” мисрасига аламли истехзо маънолари жойланган: ўзбек учун куз фалсафаси меҳнатга куликнинг, заҳмату аламларга мутеликнинг рамзи бўлиб келган. Фақат меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат билангина кун кўриш, тирикчилик заҳматларига чидашга ўрганган халқнинг боши эгатларга эгилган, гўё бундан бошқача яшаш мумкин эмас. Шоирнинг аламли истехзоси ана шу маъноларни англатади, мана шу фалсафа ҳаётини заҳарлаган халқ шаъни, меҳнати далалардаги ҳосил киймати билан ўлчаниши қайғули кўшиқдай янграйди:

Куёш бота бошлар... гавжум қирларга

Қорая-қорая тўшалар оқшом.

Эҳ, кузги оқшомлар...²

Ҳа, “Ўзбекистонда куз” шеъри дардчан кўшиқдай қалбимизга кириб боради, китобхон шоир туйғуларига уйғун лирик қаҳрамон кечинмаларини ҳис қилади. Ҳиссий идрок орқали биз лирик қаҳрамон тимсолида мужассам топган ҳис-ҳаяжонлар, туйғулар, маъно моҳиятини қалбдан туямиз. Кўпинча, лирик шеърнинг қаҳрамони шоир образи тарзида гавдаланади, воқелик унинг назари билан кузатилади. Ана шундай шеърларни ўқиб ўрганиш воситасида ижодкорнинг шахслик қиёфасини белгиловчи аломатларни, айрим белги ё хусусиятларни англаш имконига эга бўламиз. Бундай ўринларда А. Орипов элу юртини жондан севган, унинг дардларига дардкаш фарзанд сифатида қалам тебратганлигини таъкидлашга ҳожат қолмайди. Бу хусусиятни ўқувчи-китобхон бевосита унинг асарини ўқиб-ўрганиш давомида ҳис қилиб англайди. Бундай ўринларда ижодкор ҳақидаги биографик маълумотларга ҳам зарурат сезилмайди. Санъаткор адиб яратган бадиий баркамол асарлар унинг ижодий қиёфасини яққол намоён этувчи «кўзгу»га айланади.

¹ Ўша маъна, 157-б.

² Ўша маъна, 157-б.

Шеърни айнан шундай куюк образли, изчил поэтик тасвир асосига
Ойбек услубига ҳам хос хусусиятдир. Шу сабабли «Ўзбекистонда куз»
Ойбекнинг «Кузда» шеърига киёслаб таҳлил қилиш ҳам мумкин. Ҳар
шеър ифодали ўқиб берилгач, ўқувчилар эътиборини асар сарлавҳасига
лозим. Хилма-хил услубдаги ижодкорлар бир хил мавзунини қандай
қилишлар? Ҳар қайси шеърнинг тасвир услубига диққатни қаратиб,
шеърларнинг бадиий хусусиятларини аниқлашга уриниб кўринг.

Дарс суҳбат методи асосида ташкил қилиниб, ўқувчиларга таҳлилга
қўллашчи саволлар бериб борилади. Ёзув тахтасига эса куз манзаралари
тасвирланган рангли расмлардан осиб кўйиш мумкин.

Куз манзаралари тасвирланган ушбу расмлар бу фаслнинг қайси
жанрларини акс эттирган? Нима учун халқимиз «Олтин куз», «Куз –
қиникчилик фасли», «Сўлғин куз» деган ибораларни кўп қўллайди? Куз
фаслига тааллуқли қандай халқ мақолларини биласиз?

Ўқувчилар жавоби тинглангач, ўқитувчи фанлараро алоқадан фойдаланиб,
табиғатда куз чоғи рўй берадиган ўзгаришлар ҳақида ҳам савол-жавоб
уюштириши мумкин.

– Куз фаслининг ўзига хос манзаралари тасвирланган шеърлардан
ўқиганмисиз? Бугун биз атоқли сўз санъаткорларидан яна бири Мусо
Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг 1934 йилда ёзилган «Кузда» шеърини ўқиб
ўрганамиз. Шеърнинг биринчи бандида тасвирланаётган манзарага эътибор
беринг. «Оғочлар гавдаси ориқ ва титроқ, Совуқ ел ўчирди яшил қонини»¹
дейиш орқали шоир жонлантириш, муболаға усулларидан фойдаланиб тасвирга
қандай маъноларни жойлаган? Аввалги икки мисрани ўз сўзларингиз билан
шарҳлаб беринг-чи?

Тўсатдан куз босишини, «ялангоёқ» ёзнинг кўм-кўк яктаги жикқа хўл
бўлишини қандай тасаввур қилдингиз? Шоир бу манзара ортига қандай
маъноларни яширган? Қандай шеърини санъатлардан фойдаланган? Диққат
қилинг: шеърнинг биринчи банди «Уچار, ерни ўпар бир гала япроқ» мисраси,

охирги банди эса «Учиб ер тишлайди бир гала япрок» мисраси бошланган. Мисраларнинг маъносини изохлаб бера оласизми?

Дарҳақиқат, кузнинг илк ойларида сариқ-қизғиш тусдаги япроқларни шитирлаб тўкилиши, ерларга қизғиш поёндоз ёзилгандай тасаввур уйғотиш жуда мароқли бўлади. Кузнинг охирги ойларида эса совукдан яхлит жигарранг тусга кирган қорамтир япроқлар музлай бошлаган ерга тўкилган аввалгидай мароқли таассурот уйғотмайди. Сўлгин кузнинг қиш билан алмашиниш дақиқаларидаги манзарани шоир «Учиб ер тишлайди бир гала япрок» дея бадиий, образли тасвирлаб берайти. Шеърда манзара-тасвир орқали шоир ҳис-туйғулари тадрижий ривожланишда ёритилади. Асар курилишининг бу хусусияти воқеликни ўзига хос бадиий идрок этиш тасвирлашдаги шоир услубини намоён қилади.

Ҳаётда ҳеч нарса беасос бўлмагани каби табиат тасвири берилган шеърлардаги поэтик манзаралар ҳам шунчаки куз ёки баҳорнинг қайсидир аломатларини жонлантириш учунгина яратилмайди. Балки ўша манзара тасвирига фикр ва туйғуларни «улаш», «пайвандлаш»да композицион жиҳатдан ўзига хос сайқал берилади.

Истеъдод соҳиби Ойбек тасвирлаган оддийгина куз манзараси замирида инсоний ҳислар, кечинмалар, қалб ҳаракатлари ётади. Чунки ижодкор ўзи тасвирлаётган манзарани бефарқ кузатмайди, нигоҳи орқали кўрган гўзаллик аломатларидан эҳтиросли маънолар топади, мушоҳада юритади, нималарнидир инкор этиб, қайсидир белги-хусусиятларни тасдиқлайди. Натижада, кўз ўнгимизда гезарган тупроқлар, кизарган япроқлар, оёқланг ёз ва этаклари жикқа ҳўл куз манзаралари «инсонийлашган» тарзда жонланади. Шоир қалбини ҳаяжонга солган туйғудан фикр ва маънолар юзага келган, ана шу эҳтиросли фикр шеърнинг мисрадан-мисрага ҳаяжонлар оқимида тўлқин каби кўтарилиб боришини кузатиш мумкин.

Ўқувчилар шеърда тасвирланган манзарани кўз олдиларига келтириб, унинг бадиий ранглар орқали қандай тасвирланганини янада тўла тасаввур

¹ Ойбек. Асарлар. Биринчи том. –Т.: Ф.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1968. – 211-б

инишлари учун адабиёт дафтарларига куз манзарасини ранглар орқали тасвирлаб келишларини топшириш мумкин. Бу йўл билан уларнинг бадий рангларни ҳис қилиш қобилиятлари ўрганилади. Шу билан бирга «Сўлгин куз» мавзусида тасвирий иншо ёзишни вазифа қилиб бериш ҳам мумкин. Асосий танбор ҳар иккала ижодкор услубига ҳос хусусиятлар уларнинг шахсига, ҳар бирини қиёфасига ҳос муштарак сифатлар бўлиб кўзга ташланишига қаратилади: ҳаётга, инсон руҳиятига сезгир, нозик нигоҳ ташлаб, нарса ва воқеалар замиридаги маъноларни бор кўлами билан идрок этиш ва тасвирлаш натижасида бу ижодкорларга ҳос етакчи хусусият эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Зотан, ўқувчига шуни алоҳида тушунтириш лозимки, бадий асардаги «лирик қаҳрамон» ёки «муаллиф образи» орқали айнан шоир шахси тушунилмайди. Муаллиф барча образларнинг яратувчисидир. У яратган образлар орқали ижодкорнинг ғоявий-бадий концепцияси ифода қилинади. Шу маънода лирик ёки эпик асар қаҳрамонлари ёзувчи ғоясини, унинг муайян ҳаёт ҳодисалари ва муаммоларига муносабатинигина акс эттиради. Насрий асарлардаги «муаллиф образи» ҳам барча адабий тур ҳамда жанрлардаги каби асарнинг яхлитлигини таъминловчи бадий компонент ҳисобланади. Асарда ёзувчининг қалб ҳаракати: туйғулари, кечинма ва руҳияти, ўз тасвир объектига бўлган муносабати ёзувчи позицияси орқали ўрганилади. Бу муносабат ижодкор дунёқараши, тафаккур тарзи, идеалидан юзага келади.

2.3. Насрий асарларни таҳлил қилишда самарали таълим усулларидан фойдаланиш

Умумтаълим мактаблари адабий таълимида насрий асарларни ўрганишнинг ўз мақсад ва вазифалари мавжуд. Агар умумтаълим мактаблари ўқув дастурига назар ташласак, 5-7-синфларда бадий жиҳатдан сара асарларни ўқиб ўрганиш, катор назарий билимларни ўзлаштириш, асарлардан ёд олиш, мустақил ўқиб

Ўрганиш асосида ижодий ёзма ишларни бажариш каби ўқув мақсадлари белгиланганини кўриш мумкин.

9-синфда «Ўткан кунлар» романини ана шу мақсадлардан келиб чиқиб ўрганишдан аввал кириш машғулотига ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бундай кириш машғулотига ўқув дастурида белгиланган вазифалар қисман ҳал этилади: Абдулла Қодирий ўзбек романчилигининг асосчиси эканлиги; ўзбек насрида реалистик методнинг қарор топишида Абдулла Қодирийнинг хизматлари; XX аср миллат маънавий ҳаётида «Ўткан кунлар» романининг ўрни; романнинг ижодий тарихи ва тақдири каби масалалар 15-20 минутлик кириш машғулотига ёритилади. Машғулот давомида ўқитувчи адабиётшунос олимлардан О.Шарафиддинов, У.Норматов, Н. Каримовнинг «Ўткан кунлар» ҳақидаги рисола ва мақолаларидан айрим кўчирмаларни ўқиб берса, дарс янада мазмунли ўтади.

Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг «Отам ҳақида», шоир Шукруллонинг «Қафансиз кўмилганлар» тарихий ҳужжатли асарларидан ҳам кизиқарли маълумотларни келтириб ўтиш фойдали. Хуллас, дарс жиҳозлари сифатида адибнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий альбом, матбуот материаллари, адабиётшунос олимлар асарлари танланади. Улар синфда яхшигина кўргазма ҳолида қўйилиб, ўқувчиларга тақдим этилади. Магнит тасмасидан Машрабнинг «Ўртар» ғазалига басталанган куй ва қўшиқ охишта янграйди. Ўқитувчи романдан Отабекнинг майхонага кириб келиши, созандани чақириб куй ижро этишини сўраб, изтиробли кечинмаларни бошдан кечириши билан боғлиқ эпизодни ўқиб беради. Отабекнинг бундай ҳолатга тушиб қолишига қайси воқеалар сабаб бўлди? Отабек қандай инсон? Унинг кўнгил қўйган ёри-чи? Рўй берган чигал ҳодисалар тарихи қандай? Муаммонинг «туғуни» қаерда? Муаммоли саволлар тарқатилган ўқувчилар саволларга жавоб бера бошлайдилар. Жавоблар етарли бўлмаган ўринларни бошқа ўқувчилар тўлдириб борадилар, барча мулоҳаза-мунозарани ўқитувчи бошқаради. Дарснинг кейинги босқичида ўқувчиларга асар матнидан олинган портрет ва жой тасвирларидан намуналар тарқатилади.

"Саройнинг тўрида бошқаларга қараганда кўркамроқ бир хужра. Анови кўркамларга кийиз тўшалгани ҳолда бу хужрада кип-кизил гилам, ўзгаларда бўз кўркамлар кўрилган бўлса, мунда ипак ва адрас кўрпалар, наригиларида қора кўркам сасиганда, бу хужрада шамъ ёнади, ўзга хужраларда енгил табиатли кўркамларчаг кишилар бўлганида бу хужранинг эгаси ҳам бошқача яратилишда".¹

"Оғир табиатлик, улуг гавдалик, кўркам ва оқ юзлик, келишган қора кўркамлик, мутаносиб қора қошлик ва эндигина мурти сабз урган бир йигит. Бас, бу хужра бино ва жиҳоз ёғидан, ҳам эга жиҳатидан диққатни ўзига жалб қилган эди. Қандоғдир бир хаёл ичида ўлтургучи бу йигит Тошканднинг машҳур аъёнларидан бўлган Юсуфбек ҳожининг ўғли – Отабек".²

"Бу икки кишининг биттаси гавдага кичик, юзга тўла, озроққина соқол – муртлик, йигирма беш ёшлар чамалик бир йигит бўлиб, Марғилоннинг бойларидан Зиё шоҳичи деганнинг Раҳмат отлик ўғлидир, иккинчиси: узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувок соқол, ўттиз беш ёшларда бўлган кўримсиз бир киши эди. Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам лекин шуҳрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, "Ҳомид хотинбоз" деб шуҳратланган".³

"Мирзакарим исмлиқ қирқ беш-эллик ёшлар чамасида қора қош, қора кўз, кўркам юз, яхшигина кийинган бир киши бўлиб, Ақром ҳожи эллик беш ёшлар орасидаги бир кекса эди".⁴

"Танчани икки биқинида икки хотин: булардан биттаси ичидан атлас кўйлак, устидан одми хон атлас гуппи кийган, бошига оқ даканани хом ташлагон, ўттуз беш ёшлар чамалиқ, гўзал, хушбичим бир хотин. Юзидан мулоиймлиқ, эрига итоат, тўғрилиқ маънолари томиб турган бу хотин қутидорнинг рафиқаси – Офтоб ойим, иккинчиси етмишлардан ўтган бир кампир, Офтоб ойимнинг онаси – Ойша биби. Ўчоқ бошида кўполгина, қирқ

¹ Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар. –Т.: Шарқ, 1995. – 11-б. (Кейинги кўчирмалар ана шу нашрдан олинди).

² Ўша манба, 11-12-бетлар.

³ Ўша манба, 12-б.

⁴ Ўша манба, 18-б.

беш ёшлар чамалиқ яна бир хотин чой қайнатиб юрадир. Бу хотин қора
оиланинг чўриси – Тўйбека”.¹

“...уйнинг тўрига солинган атлас кўрпа, пар ёстик кучоғида совуқдан
эринибми ва ё бошқа бир сабаб биланми уйғоқ ёткан бир қизни кўрамиз. Унинг
қора зулфи пар ёстикнинг турлик томониға тартибсиз суратда тўзғиб, қуна
жингила киприк остидағи тимқора кўзлари бир нуқтаға тикилган-да, нимадир
бир нарсани кўрган каби қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийғ қошлари
чимирилган-да, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлғон ойдек ғуборсиз о
юзи бир оз қизилликға айланган-да, кимдандир уялган каби.... шу вақт кўрпани
қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф буринининг ўнг томонида,
табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган қора холини қашиди ва
бошини ёстикдан олиб ўлтирди. Сарик рупоқ атлас кўйлакнинг устидан унинг
ўртача кўкрағи бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтиргач, бошини бир
силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзгиган соч
толалари ўраб олиб жонсиз бир суратка киргизди. Бу киз суратида кўринган
малак қутидорнинг қизи – Кумушбиби эди”.²

Кўлингиздағи асар матнидан олинган портрет тасвири орқали ёзувчи
Абдулла Қодирий услуби ва маҳоратига оид қандай мулоҳаза билдира оласиз?
Нима учун Қодирий романининг илк саҳифасиданоқ хилма-хил қахрамонлар
портретларини яратишга интилган? Ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари
тинглангач, кейинги саволни ўртага ташлаш мумкин: Портрет тасвирини
яратишда Қодирий қахрамон юзини, кийимларини қандай ранглардан
фойдаланиб тасвирлаган? Буни тасаввур қила олдингизми? Оқ (оқиш)
ранглардан ёзувчи қандай мақсадда фойдаланган? Тўқ (қорамтир) ранглар
қахрамонлар (Ҳомид, Содик, Жаннат) қиёфаси ва руҳиятини тасвирлашда
этакчилик қилиши сабабини изоҳлай оласизми?

Фикр-мулоҳазалар мунозараси галдағи саволлар орқали давом эттирилади:
энди бошқа ўқувчиларга роман қахрамонлари ўртасидағи диалоглардан

¹ Ўша манба, 32-б.

² Ўша манба, 33-б.

ёзилган карточкалар тарқатилади. Қахрамонлар ўртасидаги диалоглар ўртасида ўқувчилар ҳар бир персонажнинг инсоний қиёфасини, ички дунёсини шарҳлаб ёритишлари лозим. Мунозара-муҳокамада бошқа ўқувчилар билдирган мулоҳазаларни тўлдирадилар ёки саволга ўз далил-баҳооларига асосланиб, янгича жавоб беришлари мумкин.

“Менимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, — деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. Уйлангач, хотининг таъбингга мувофиқ келса, бу жуда осон, йўқса мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.. Уйланишдаги ихтиёримиз, — деди Раҳмат, — ота-оналаримизда бўлганликдан оладирган келинлари келинларига ёқса эмас, балки унинг ота-оналари ўзларига ёқса, бас. Бу тўғрида қилгучи йигит билан эр қилгучи қизнинг лом-мим дейишга ҳақ ва ихтиёрлари бўлмай, бу одатимиз маъқул ва машруъ ишлардан эмасдир. Масалан, мен: ота-онамнинг ёқтиришлари билан уйландим... аммо хотиним ота-онамга мувофиқ бўлса ҳам менга мувофиқ эмас, сиз айтгандек, эҳтимол мен ҳам хотинимга мувофиқ эмасдирман.. Сўзингиз жуда тўғри, бек ака”¹

“Отабек Раҳматнинг бу сўзини самимият билан қаршилади.

— Сўзингизнинг тўғрилигида шубҳа йўқ, — деди, — аммо шуни ҳам қўшмоқ керакки, оладирган хотинингиз сизга мувофиқ бўлмиш баробарида эр ҳам хотинга мувофиқ таъб бўлсин”²

“Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликни унча кераги йўқ, — деди Ҳомид ўтирозланиб, — хотинларга “эр” деган исмининг ўзи кифоя. Аммо жиян айтгандек, хотин деган эрга мувофиқ бўлса бас”³

“Жиян, — деди Ҳомид Раҳматга қараб, — бошлаб уйланишинг албатта ота-онанг учун бўлиб, улардан ранжиб юришингни ўрни йўқ. Хотининг кўнглингда мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб хотинни икки қил. Буниси ҳам келишмаса учинчисини ол”⁴ Ушбу диалоглар ҳар уч шахс дунёқарашини қайси жиҳатини ёритади. Асар қахрамонлари уйланиш масаласида ўз қарашларини

¹ Ўша манба, 33-б.

² Ўша манба, 15-б.

³ Ўша манба, 15-б.

⁴ Ўша манба, 15-б.

баён этганлари маълум бўлди. Хўш, сиз кимни ёқлайсиз ва нима учун? Отабек ота-она ризолиги учун бош эгиб тўғри қилдими? Унинг ўрнида сиз нима қилган бўлардингиз?

Кўйилган саволлар ёритилгач, ўқитувчи фикрларни умумлаштириб, ўқувчилар диққатини романдан табиат тасвири берилган лавҳаларга қаратади. асарда табиат тасвиридан ёзувчи қандай мақсадда фойдаланган деб ўйлайсиз?

“Поёнсиз қирларнинг ниҳоятсиз бижир-бижир кўриб тўймаслиқ кўк гулamlари ва уларнинг димоғларига мажбурий искаткан даво ислари, ёқимлик хидлари ҳар қандоқ ишдан чиқаёзган ҳаёт эгасини озгина бўлса ҳам эпка ола биладилар. Шунингдек, бу чечак қирлари ўз бағрида сузиб борган Отабекни ҳам ўзига қаратмай кўймайдир.”¹

“Ҳозир кўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар.... тагин аллақанча ранглик чечаклар билан устларини бежаб киши билан тўнгиб аранг етишкан ошиқлариға янги ҳаёт, янги умид берадилар.”²

Отабек ота-она тилагига бош эгач, айрилиқ, ҳижрон, изтироб исқанжасида қолади. Шу дамларда Отабек ва Кумуш дилидан кечган кечинмаларни ёрқин ифодалашда ёзувчи уларнинг мактубларидан маҳорат билан фойдаланган.

Сиз икки севишган қалб туйғулари битилган мактублар орқали Отабек ва Кумуш характерининг қайси жиҳатларини билиб олдингиз? Бу каби саволлар Абдулла Қодирий услубини, унинг бетакрор қиёфасини ёритишга йўналтирилиши керак.

Адабиётда миллийлик масаласи ҳамisha адабиётшуносларнинг диққат марказида бўлган ва тадқиқ этилган. “Ўткан кунлар” биринчи ўзбек миллий романи деб эътироф этилгани ҳам бежиз эмас. Ўзбек адабий тили имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, миллий характерлар, миллий руҳият акс эттирилганлиги; миллий ҳаёт манзараларини, урф-одат, одоб-ахлоқ қирраларини миллий маданият нуқтаи назаридан тасвирлашга эришганлиги адибнинг улкан ижодий ютуғидир. Адиб ўзининг бош мақсади сифатида ўзбек

¹ Ўша манба, 140-б.

² Ўша манба, 140-б.

халқ оғзаки ижоди, классик адабиётга хос миллий рухни роман жанрига олиб
кириш деб белгилаганлиги асардаги сўз бошиданок маълум бўлади. Ўз асариди
сузучи миллий руҳ ва миллий тафаккурни акс эттириш орқали миллий ҳаёт
ғирзини, маиший ҳаёт муаммоларини гавдалантирди ҳамда Отабек, Кумуш,
Мирзакарим кутидор, Юсуфбек ҳожи каби образларни миллий характерлар
даражасида жонлантиришга эришди. Демак, адибнинг бу романи орқали,
ундаги «муаллиф образи»га таяниб унинг ўз даврига муносабатини, давр
муаммоларига нисбатан қарашларини англаш мумкин. Адиб ижодининг бу
жиҳатлари, энг аввало, Ойбек томонидан, 60-йиллардан бошлаб эса А. Алиев,
М. Қўшжонов, С. Мирвалиев, И. Мирзаев, Х. Лутфиддинова, У. Норматов
сингари адабиётшунос олимлар тадқиқотларида, рисола ва монографияларида
қритилган.

Адиб ўз романи орқали нафақат тарихий даврни ва ўша давр ҳаётига оид
маиший масалаларни, балки инсоний муҳаббатга, оила қуришга бўлган ўз
муносабатидан келиб чиқиб, миллий муаммоларни бадиий тадқиқ этган.
Миллий заминда униб-ўсган анъаналар, урф-одатлар, миллий ахлоқ, одоб,
маданиятнинг кишилар руҳий оламига таъсири ва ана шу миллийлик уларнинг
маънавий гўзаллигини таъминлаганлигини ўз қарашларига мос қаҳрамонлар
тимсолида қўрсатишга эришган. Ҳар бир халқ миллий қадриятлари, ўзига хос
миллий тафаккури, ҳаёт тарзи билан бошқа миллатлардан фарқ қилишини
Отабек, Кумуш, Кутидор, Юсуфбек ҳожи, Ўзбек оғим, Офтоб оғим тимсолида
ёркин ҳис қиламиз. Келинг, асардан биз айтган фазилатлар яққол кўзга
ташланувчи ўринларни топиб, таҳлил қилайлик.

Ўқувчиларга куйидаги тарқатмалар тарқатилади:

“Ҳасанали чикди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлиқ сўрашганидан
кейин сўради:

Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини
хужрадан узоклатиб, сўнгра жавоб берди:

— Кулимиз.

Бу сўздан нима учундир Ҳомид ажабланган эди”.¹ Бу ўринда Отабекка хос одоб, ҳаё билан “Ўқимишли йигит”га хос савия яққол этганлиги таъкидланиши лозим.

Романдан тўй манзараси, кизлар мажлиси каби ўринлар тасвирланган парчалар орқали эса ўзбекона урф-одатлар, миллий хусусиятлар талқинини ўрганиш мумкин. Ўзбек ойим ва Офтоб ойим тимсоллари том маънодаги миллий характерлардир. Ёзувчи ўзбек халқига хос миллий хусусиятларни Юсуфбек ҳожи оиласи, уларнинг турмуш тарзи орқали айрим урф-одатларинсон ҳаётига, тақдирига салбий таъсир кўрсатиши, оқибатда инсон ҳаётида фожиа юз бериши мумкинлиги ҳақидаги ўз қарашларини бадиий гавдалантирган. Бу жиҳати билан роман ёзувчига хос илғор қарашларни, у даври муаммоларига изчил муносабатни ифода этади.

Ҳар иккала хонадонда ўзбекона урф-одат, одоб, интизом, муомала-муносабат юқори даражага кўтарилган. Ҳар қандай вазиятда ҳам одоб-ҳаё, андиша, ақл билан иш тутишга интилиш Юсуфбек ҳожи билан Қутидор оилаларига хос хусусиятлар. Аммо нима сабабдан Қутидор ёлғон талоқ хатига ишонади? Ўқувчилар ўз мулоҳазаларини далилловчи парчаларни ўқиб бериб, уни таҳлил қилиб, саволга жавоб беришга интиладилар. Шу тариқа Ўзбек ойим, Отабек, Юсуфбек ҳожи, Қутидор, Офтоб ойим тимсоллари талқинидаги миллий хусусиятларни очувчи эпизодлар таҳлилига ўтилади.

Юсуфбек ҳожи нафақат меҳрибон, ақлли, иймонли ота, балки халқпарвар юртсевар, камбағалпарвар инсон. У юртнинг эртаси ҳақида қайғуради, халқ ташвиши билан яшайди. Юсуфбек ҳожининг дунёқарashi, ходисаларга муносабати XIX асрнинг ўрталаридаги масъулиятли, элсевар, донишманд аждодларимиз тафаккурини, сиёсий қарашларини, уларнинг рус bosкинчилиги арафасидаги маънавий ва руҳий ҳолатини акс эттиради.

Таҳлил жараёнида синф бир неча гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга “Умр савдоси – кундош балоси” борасида Юсуфбек ҳожи билан Қутидор ва Офтоб ойимнинг қарашлари акс этган эпизодларни асардан топиш ва таҳлил қилиш

¹ Ўша манба, 13-б.

тасвирланади. Ўқувчилар эътибори миллий характерларнинг нафақат миллий
руҳига, балки миллий руҳият ва туйғуларга ҳам боғлиқлигига қаратилади.
Бундан кўра гуруҳ ўқувчиларига Кумуш билан Зайнабга хос айнан шу жиҳатлар
асарат билан тасвирланган эпизодларни асардан топиб, таҳлил қилиш
таъкидланади.

Бошқа гуруҳ ўқувчилари Кумушнинг Тошкентга келиши билан
Зайнабнинг руҳиятида юз берган ўзгаришлар, ундаги худбинлик иллати юзага
келлиши билан боғлиқ манзаралар тасвири таҳлилига жалб қилинади.
Уларнинг эътибори Хушрўй образига қаратилади. Зайнаб билан опаси аслида
бир-бирларининг акси. Аммо улар бир муҳитда униб-ўсган ягона дарахт
тўқлари каби таассурот қолдиради. Зайнаб барча кечинма-ю, хис-туйғуларини
қанда сақлашга мойил. Кумуш Тошкентга келгач, Зайнаб Отабекка дил
нозорини баён қилади. Шунда Отабек ўзини тоғдан қулаган ва қор остида
қолгандай хис қилади. Ана шу эпизодни таҳлил қилиб, Зайнаб руҳияти ҳақида
фикр айтиш сўралади.

Демак, романда тарихий давр тасвири маиший шароит тасвири билан
ўзаро туташиб, асардаги тарихий-миллий колоритни юзага келтирган. Шу
тарихий ва маиший шароит белгилари қахрамонларнинг фикрлаш тарзини,
миллий киффаларини шакллантирувчи муҳим омилга айланган. Адабий
асарларни ўргатиш давомида ўқитувчи ўқувчи эътиборини ижодкор услуби ва
маҳоратининг бу каби ўзига хос қирраларига қаратиш воситасида унинг
дунёқараши, ўз даврига муносабати тўғрисида муайян тасаввур уйғотиб,
бетақдор ижодий киффасини жонлантиришга эришиши мумкин.

Боб юзасидан хулосалар

«Ўзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда талқин ҳамда таҳлилнинг ўрни»
деб номланувчи боб юзасидан куйидаги хулосаларга келдик:

– ижодкор яратган асарларни ўргатиш жараёнида унинг ижодкор шахс сифатидаги қиёфасини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантиришда; унинг ижодий тафаккурини ўрганишда; замон ва шахс ҳаётига алоқадор муаммоларга муносабатини идрок этишда; ижодкорнинг ҳаёт ҳақиқатини бадий талқин этиш усулларини ва санъаткор сифатидаги бадий оламини, ўзига хос маҳоратини белгилашда адабий таҳлил ҳамда талқиндан фойдаланиш самарали йўлдир;

– адабий таҳлил усуллари воситасида матн моҳиятига кириб боришга эришилади; асарнинг бадий хусусиятлари, сўзлар ва оҳангларга юкланган маънолар ўрганилади, ижодкор услуби ва маҳорати ҳақида муайян хулосалар чиқаришга эришилади, шу йўл билан ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бадий оламини ўқувчига танитишга ўргатилади. Натижада ўқувчилар ҳар қайси ижодкор ҳақида муайян фикрларга, ўз қарашларига эга бўлади;

– адабий талқиндан фойдаланиб ўқитувчи ўқувчи кўз ўнгида бадий асар таркибини жонлантиришга эришиши мумкин. Ўқитувчи адабий талқин маҳоратини эгаллаш воситасида асар ҳақида асосли, мантқиқли, изчил мулоҳаза юритишга ўқувчиларни йўллашга муваффақ бўлади. Эҳтиросли ва таъсирчан талқин ёрдамида ўқитувчи ўқувчи-китобхонни: а) асарнинг мазмун-моҳиятини чуқур англашига ёрдамлашади; б) асарнинг жозиба-дорлигини таъминлаган омилларга ўқувчи диққатини қаратиш йўли билан ёзувчи руҳиятини, унинг туйғуларини ҳис қилишига кўмаклашади; в) ўқитувчи талқинчи ролин ижро этиб, ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари ва мулоҳазаларига тўртки беради, уларни таҳлилга йўналтиради. Талқинда ўқитувчи услуб таҳлиliga таяниб иш юритса, ижодкор қиёфасини, нуктаи назарини, бадий маҳоратини ўрганиш учун имконият яратади, натижада, ўқувчи кўз ўнгида ижодкор қиёфасини тўла ҳолда жонлантиришга эришади.

Насрий асарларни боб давомида ёритилган илғор ва самарали таълим усулларига, интерфаол усуллар, хилма-хил дарс шакллари, баҳс-мунозаралар ёрдамида таҳлил қилишда адабиёт ўқитувчилари ишда тавсия қилган

инланмалардан фойдалансалар, шубҳасиз, бу борада ҳам самарали натижаларга
эришадилар

УЧИНЧИ БОБ

ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА ЁЗУВЧИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ

3.1. Ўқув машғулотларини педагогик технология усулида лойиҳалаштириш

Миллий таълим равнақини илғор метод ва усуллар, замонавий педагогик технология таъминлаши аён бўлган бугунги кунда ўқитувчининг мутлақ «хукмрон» шахси билан хайрлашиш ва унинг ўрнини ҳамкорликка асосланган, ўқувчини фаоллаштирувчи, фикрлашга ундовчи усул ва воситалар билан алмаштиришгина кўзланган самарали натижаларга олиб бориши методист олимлар томонидан таъкидланмоқда. Айни пайтда адабий таълим жараёнида ўқитувчининг мавқеини кўтариш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Негаки, адабиёт дарсларининг самарадорлиги, асосан, ўқитувчи шахсига боғлиқ. Ўқувчининг маънавий киёфаси, тафаккур миқёси таълим сифатини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Маълумки, адабий таълим воситасида дастур талаблари доирасида билимлар бериш орқали ёшларнинг маънавий киёфаси шакллантирилади. Ўқитувчи қанчалик билимли, педагогик маҳорати кучли бўлмасин, агар у ўқувчилар орасида эзгу инсоний сифатлари билан обрў қозонмаса, ўз маънавий сифатларига ҳамда ахлоқий киёфасига кўра тарбияланувчиларга таъсирини ўткази олмайди. Бинобарин, маънавий жиҳатдан етуқ устозларгина баркамол шахсларни шакллантира оладилар.

Ўқитувчи мавқеининг кўтарилишида уларнинг ижодий фаолияти, изланувчанлиги, адабиёт дарсларининг илмий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилганлиги асосий омиллар ҳисобланади.

Айни пайтда:

теранлигини ошириш учун Чўлпон шахси ва ижодий қиёфаси ҳақида ўқувчилар тўла тасаввур ҳосил қилиш керак.

Маълумки, 9-синф ўқувчилари куйи синфларда ҳам (7-синфда) Чўлпон ижоди билан, хусусан, «Бинафша», «Кўнғил», «Халқ», «Бузилган ўлкага», «Гўзал» каби адибнинг ижодий-маънавий қиёфасини белгилайдиган шеърлари билан танишган. Энди юқори синфда Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» сингари йирик эпик асари тарихий роман сифатида ўрганилади. Чўлпоннинг қатор лирик шеърлари ва ҳикояларида («Наввой қиз», «Қор қўйнида лола») ўзбек хотин-қизларининг ўтмишдаги тақдири тасвирланган. У мавзуни давом эттириш учун икки қисмдан иборат «Кеча ва кундуз» романини ёзишга киришган эди. Роман «Кеча ва кундуз» деб номланган икки китобдан иборат бўлиши кўзда тутилган. Романнинг биринчи қисми 1936 йилда эълон қилинган, иккинчи қисми эса топилмаган. Асарда тасвирланган воқеа биринчи жаҳон уруши эндигина бошланган кезларда Фарғона водийсида бўлиб ўтади. Ўзбек халқининг — бир томондан маҳаллий ҳокимлар, бир томондан мустамлакачилар томонидан эзилган даври асарда ўз аксини топган. Юртни зулмдан, жаҳолатдан қутқарувчи сиёсий куч ҳали туғилгани йўқ эди. Чўлпоннинг ўзи ҳам мустамлака юртнинг ижодкори бўлганлиги учун халқининг оёқларидаги қишанлар парчаланишини орзу қилган. Ўқитувчи шу ўринда ўқувчиларга Чўлпоннинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар берса, романга хос эпик тафаккур моҳиятини ўқувчилар тушуниб олишларига кўмаклашган бўлади.

Чўлпон асарда ўзбек халқининг мустамлакачилик давридаги азобли ҳаётини қаламга олиб, миллат фожиясининг сабабларини бадий тадқиқ этишга интилган. Хўш, бу фожиянинг бош сабаблари романда қандай талқин қилинган?

Ўқувчиларнинг мустақил мулоҳазалари тинглангач, роман воқеалари ўзбек халқининг зулм остида эзилган даврини қамраб олганлиги; маҳаллий амалдорлар мустамлакачилар билан оғиз-бурун ўпишиб, халқнинг тараққиёти тўғрисида эмас, балки ўзларининг хузур-ҳаловатлари ҳақидагина жон куйдирганликлари, айна шароитдаги халқ ҳаёти асарнинг бош қаҳрамони Зеби

унинг ота-онаси фожиалари орқали бутун бир миллатнинг фожиаси сифатида тасвирланганлиги образлар тахлили орқали ёритилиши керак. Асар персонажлари Зеби, Курвон биби, Раззоқ сўфи, Акбарали мингбоши, Мирёкуб, Нойиб тўра, Хадичахон, Пошшахон, Султонхон, Марямхонларнинг ҳар бири ўз нафасига, миллий характер хусусиятларига эга тимсоллардир. Адибнинг инпаткорлиги персонажларнинг миллийликка йўғрилган руҳияти талқинида кўзга ташланади.

Асарнинг асосий қахрамони Зеби образидир. Эндигина 15 ёшни қаршилаган, бинафшадек беозор, ёмғирдек беғубор, булбулдек хушовоз бу қиз Раззоқ сўфидек бадфеъл, кўрс ва жоҳил кишининг ҳонадонида туғилган. Адиб романда қисқа вақт ичида (илк баҳорда бошланиб, қиш чилласида тугайди) бўлиб ўтган воқеаларни тасвирлайди. Бу тасвир ўзига хос рамзий маъноларни ташийди. Миллат тақдирининг келажаги – баҳор. Зеби асардаги баҳорги чечак – бинафшанинг жонли тимсоли, у баҳор бағридан юлиб олинса, кузга бориб, албатта, хазон бўлади. У узилган бинафша сингари Акбарали мингбоши кабиларнинг қўлида ғижимланиб, ҳалокатга учрайди.

«Кўклам нашъаси билан» шўхлик қилаётган шабада орқали ўқувчи-китобхонда Зебининг бошига бирдан катта фожиалар тушишидан хабар бераётгандай тасаввур уйғотади. Отаси тенги бадбашара мингбошига эрга тегишга мажбур бўлган Зеби тақдири чигаллашиб бораверади, у тухматлар ботқоғига ботиб, бева аёлга айланади. Эрининг қотили сифатида етти йилга сургун қилинади, булар ҳам камдек, ота-онасидан жудо бўлади. Табиат Зебига ҳамма нарсани: гўзал ҳусн, дилрабо овоз, қўли гул чеварлик, ифбат ва самимий соддалик ато этган. Ўқитувчи ўқувчиларга асардан Зеби портретини гавдалантирувчи лавҳаларни топиб келишни топшириши ҳам мумкин. Масалан, Раззоқ сўфи тилидан «Ожизамиз (қизимиз) ҳам тўппи тикишга «фаранг» бўлиб чиқди»,¹ Энахоннинг келинбисиси тилидан «Мунча ҳам овози чиройлик бу қизнинг!... Ашула айтса, кулоғинг маст бўлади одам... Нафаси мунча иссиқ,

¹ Чўлпон. Асарлар. Уч жилдик. II жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. – 13-б. (Кейинги кўчирмалар ўша нашрдан олинди).

мунча мазалик! Мунча таъсирлик!»,¹ Ўлмас тилидан «Совчининг кўплигидан остонаси ейилиб кетган дейдилар.... Билмадик, қайси толеи баландга насиб бўлар экан!»,² Мирёкуб тилидан «Ўзи ўн беш-ўн олтида экан... Жуда етилган вақти... жуда яхши, булбул сингари ашула қилар экан. Овози Довул пайгамбарники сингари дейдилар...».³ Ушбу парчалар таҳлили орқали ўқувчилар Зеби киёфаси ҳақида мустақил фикр юритишлари мумкин. Зебининг таърифини эшитган хотинбоз Акбарали мингбоши унга уйланиш тараддудиги тушади. Зебининг бутун бахти «Раззоқ сўфининг жоҳил вужудига боғлиқ» ўқувчилардан ана шу таърифни таҳлил қилиш сўралади. Зеби тушган муҳит фожиалари уни мутелик руҳида тарбиялаган. Унинг отаси раъйига қарамай иложи йўқ. Қалбида энди ғунчалаётган севги чечагини очилмасдан юлиб ташлашга маҳкум Зеби отасининг ноҳақ қарорига қарши чиқа олмайди. Шу ҳолатлар тасвирланган парчаларни ўқитувчи ўқиб бериши лозим. Мингбошига сўралаётганини эшитган Зебининг ҳолати: «Энди унинг юраги нотоб бўлган каби жуда суст урмоқда, ранги оқарган, бутун вужуди латта каби бўшашган эди... Доволга суянганича, беҳол ўтириб қолди... Шу тобда у ожиз бир махлук, кўли боғлиқ бир кул, ҳеч бир ишонадиган кишиси йўқ, ёлғиз ва ғариб...».⁴ Ўқувчилардан мазкур парчани таҳлил қилиш сўралади. Чўлпон бу сатрларда Зебининг ожизлигини санъаткорона тасвирлаб берган. Унинг мутелиги акс этган куйидаги парча орқали Зеби киёфасининг яна қайси жиҳатларини англаш мумкин? «Ўша тўрт девор ичида туғилиб ўсган, ўша тўрт деворнинг тунд назарларидан бошқа ҳеч нарсани кўрмаган ва унга кўникиб қолган бечоралар ўз ҳолларининг мунча фожиалигини пайқаб олармидилар? Ҳар қандай қувонччи ўзларининг ўша тор дунёларидан ахтармоққа мажбур бўлган шўрликлар ташқаридан адашиб кириб қолган орият қувончларига ишониб кўнгил кўярмидилар?...».¹ Ҳа, бу сатрлар орқали Чўлпон муте аёллар: бечора, шўрлик Зеби, Қурвон бибиларнинг тақдири орқали эркисиз миллатнинг забун аҳволини,

¹ Ўша манба, 31-б.

² Ўша манба, 34-б.

³ Ўша манба, 34-б.

⁴ Ўша манба, 72-73-бетлар.

қобилидан чиқолмаган омманинг ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган халқ даражасига кўтарилмаганлигини миллат фожiasi тарзида тасвирлаб берганлигини билиш мумкин.

Мутаассиб отасининг кули бўлган Зеби аламини факат кўз ёшларидан олади. Зебининг бу ҳолати асарда қуйидагича тасвирланган. «Бора-бора Зебининг кўз ёшлари ҳам қуриди. У ҳам худди суратдай жонсизгина юра бошлади... Зебининг оғзидан на бир сўз чиқар, на бир байт қўшиқ, на бир оҳ-воҳ».²

Миллий тарбияга хос чидам, ирода, мутелик, бош эгувчанлик – Зебининг исёни шугина, холос. Ҳар бир инсон ўз бахти учун кураша билиши зарур. Шу ерда ўқитувчи ўқувчилардан сиз Зебининг ўрнида бўлсангиз, нима қилган бўлар эдингиз, деган савол билан мурожаат қилиб, уларнинг жавобини тинглаши ўринли бўлади. Жавобларни хулосалаб, Зебининг шу аҳволга тушишига ўзи ҳам айбдор эканлиги, бахти ва инсоний ҳуқуқларининг поймол қилинишига қарши курашиш ҳар бир инсоннинг ўз кадр-қиммати учун курашишига айланмаса, у қуллик кишанларидан ҳалос бўлмаслиги таъкидлаб ўтишилиши зарур. Зеро, инсон ўз кадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқларини илм воситасида англаб етади. Инсон ҳаёти ва тақдирининг қай даражада ёрқинлиги илм-маърифат нурларидан нечоғлик баҳраманд бўлганлигига боғлиқ. Тутқунликда, жаҳолат гирдобида ҳаёт кечириш ўзликнинг махв этилишига олиб келадики, бу ҳолат Зеби тақдири мисолида ёрқин гавдалантирилган. Бинобарин, бу ёзувчи Чўлпоннинг нуқтаи назари, мушоҳадаси, тафаккур тарзидир.

Биз «Кеча ва кундуз» романини ўргатишни қуйидагича лойиҳалаштиришни таклиф қиламиз.

Ахборот манбалари, жиҳозлари: танланади.

Мавзунинг умумий мақсади ва мазмуни белгиланади. 1.,2.,3.,4.

¹ Ўша манба, 98-б.

² Ўша манба, 102-б.

Мавзу мазмунини оидинлаштирувчи мақсадлар, яъни тест мақсадлари сифатида, ўқув вазифалари, ўқувчининг кузатадиган, ўқувчи харақатлари шаклида, яъни тест саволлари, ўқув вазифаси тошириши фойдаланади: 1.,2.,3.,4.,5.,6.,7.,8.,

1. Оидинлаштирилган мақсадларни тест вазифаларига айлантириши 1.,2.,3.,4.,5.,

2. Ўқиш-ўқитиш жараёнини (дарсни қандай ўтиш стандартлаштирилмайди) ўқитувчи ўз маҳоратига биноан ташкил қилади. Педагог технологиянинг қоидалари, ўқитиш принципларидан фойдаланилади.

3. Ўқувчилар мавзунини ўзлаштирилганлик сифатини, яъни таълим режалаштирилган натижасига эришганлигини баҳолаш (шу мавзу бўйича тайёрланган тест вазифалари орқали) оғзаки ёки ёзма тарзда аниқланади.

9-синфда «Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида Зеби образи орқали асарнинг ўнинчи йилларидаги ўзбек хотин-қизлари ҳаётининг «Эттирилиши» мавзусини ўрганиш бўйича дарс лойиҳаси.

Ахборот манбалари: «Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи, «Адабиёт», 9-синф учун дарслик. Т-2002.

Мавзунинг муҳим масалалари. (Ўқитувчининг мақсади ўқувчиларга баён қилинади).

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига доир куйидаги муҳим масалалар белгилаб олинади:

1. Романда биринчи жаҳон уруши арафасидаги Туркистон халқлари ҳаётининг акс этиши.

2. Романдаги Зеби образида ўзбек аёлларига хос рухий гўзаллик, соддалик, эзгуликка умид туйғуларининг мужассамлашиши.

3. Зеби – Акбарали «орзу-ҳаваслари»нинг қурбони.

4. Зебининг ҳалокатга олиб келган қучлар: Раззоқ сўфи, Эшон, Акбарали ва Ноиб образларида зулматли замоннинг бадийий мужассамлашиши.

Ратзоқ Сўфи, Курбонбиби ва Зеби образлари орқали
ва феодализм шароитида мутелашган халқнинг аянчли ҳолати

Илманилаштирилган мақсадлар (Мавзунинг мазмуни, таълимнинг
яъни ўқувчининг ўрганиш мақсадлари сифатида тест саволлари ўқув
шаклида қуйидагича стандартлаштирилади).
«Кеча ва кундуз» романида тасвирланган воқеаларнинг тарихий руҳи
акс этган?

Эталон (тўғри жавоб) – Асарда тасвир этилган воқеалар биринчи жаҳон
ушбу элдигина бошланган кезларда Ўзбекистондаги вилоятларнинг бирида
ўтади. Романдаги қахрамонлардан бирининг «Биз яқиндагина Эшон
қўлига бўлиб ўтган жойдан унча олисда эмасмиз», – деган сўзларига таяниб,
Андижон вилоятининг Дукчи Эшон қўзғолони бўлиб ўтган Марҳамат
қўлига яқин бир жойда рўй берган, дейиш мумкин. Бу ўзбек халқининг икки
жаҳонга зулм остида эзилаётган даври эди. Феодал тузум ва мустамлакачилик
шароитида халқ, юрт тўғрисида қайгурувчи бирор сиёсий куч йўқ эди.
Қўлбуки, инсоният тарихида XX аср бошида озодлик ҳаракатлари бошланган,
Русиянинг ўзида ҳам илғор рус зиёлилари халқни 1917 йил февраль воқеалари
қўлига олиб боришгаётган эди. Қўшниларимиз: Туркия ва Эронда ҳам миллий
инқилоблар юз бериб, куллик кишанлари парчаланган бошлаган бўлиб, бундай
воқеаларнинг учқуни Ўзбекистонга ҳам етиб келиши табиий эди. Рус
мустамлакачилари ва маҳаллий амалдорлар ана шу тарихий жараёни тўхтатиб
қўлига жон-жаҳдлари билан уринаётган даврлар эди.

2. Зебининг романига бош қахрамон қилиб танланиши сабабини қандай
изоҳлаш мумкин?

Эталон – Ҷўлпоннинг қатор лирик шеърлари ва, айниқса, ҳикояларида
Ўзбек хотин-қизларининг аянчли тақдири кенг тасвир ва таҳлил қилинган.
Ҷўлпон «Кеча ва кундуз» романида ҳам мустамлака давридаги ўзбек халқи
ҳаётини Зеби ва унинг оиласи ҳаёти лавҳалари орқали акс эттиради. Адиб Зеби

образидан у тушиб қолган тарихий муҳитни шафқатсиз равишда очиб бериши моҳирона фойдаланган.

3. Зеби образида ўзбек халқига хос қайси хислатлар мужассамлашган?

Эталон – Чўпон Зеби образида ўзбек халқига хос руҳий гўзалликни, соддалик, мутелик, илмсизлик сифатларини, эзгуликка интилиш, уларнинг инсон сифатида кадрланишга бўлган умид туйғуларини мужассам-лаштираган.

4. Зебининг бошига нима сабабдан бало тошлари отилди?

Эталон – Зеби бошига бало тошлари отаси Раззоқ сўфининг мутаассиблиги, ўз фарзанди тақдирига лоқайдлиги туфайли ёғилади. Раззоқ сўфи ишламай тишловчи, таъмагирлик ва текинхўрлик орқасида кун кўрувчи инсон, у на хотинини, на ёлғиз қизини сариқ чакага олмайди. Ана шу золим ота биргина Эшон бобонинг чизган чизигидан чиқмайди. Акбарали мингбоши биринчи марта Зебини сўратганда бермаган сўфи иккинчи марта Эшон бобо орқали сўратганда унинг «бетавфик, бузук юрадиган» одам эканлигини ҳам билиб туриб «йўқ» деёлмаган. Бундан Раззоқ сўфининг Эшон бобого ўзининг оиласининг эркини, бугуни ва келажагини топшириб қўйганлиги маълум бўлади. Зеби ва унинг ота-онаси Эшон боболар, Акбаралилар, ноиб тўраларнинг қўлида ўйинчоқ эди.

5. Зебининг фожиаси нимада?

Эталон – Эндигина 15 баҳорни қаршилаган Зебининг фожиали тақдирини даҳшатли кўргуликлар мужассам. У, биринчидан, отаси тенги, уч хотинли мингбошига турмушга чиқишга мажбур бўлади, иккинчидан, шу бадбашара эри ҳам ўлиб Зеби ёшгина бева қолади, учинчидан, у эрининг қотили сифатида тухматга қолиб, етти йилга сургун қилинади. Буларнинг устига ота-онасидан ҳам жудо бўлади. Бундай кўргуликларнинг Зеби бошига тушишига унинг ўзи ҳам айбдор. Зеби туғилиб ўсган муҳит уни муте қилиб тарбиялаган. Агар у муте инсон бўлмаганида, мутаассиб отасининг ноҳақ қарорига қарши чиқа олганида, бундай фожиалар юз бермаган бўларди. Ҳар бир инсон ўз бахти учун кураша билиши зарур.

6. Чўлпон Зеби образи орқали қандай бадий умумлашмани илгари берган?

Эталон – Чўлпон романда Зеби тимсолида фаол ҳаракат қилмаган, балки катталар оқимида сузиб бора оладиган муте қаҳрамоннинг фожиали қисматини тасвирлаган борган. Зеби образи орқали ўз эрки, бахти учун курашиш ҳар бир инсоннинг инсоний хислатларидан бири бўлмоғи зарур, шундагина инсоннинг ўз кадр-қиммати учун курашади, ўзлигини ҳимоя қила олади деган фикрни олға сурган.

7. Чўлпоннинг яна қайси асарларида Зеби образига яқин қаҳрамонлар тасвирланган?

Эталон – Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романидан илгари ёзган «Ойдин кечиларда», «Қор кўйнида лола» каби ҳикояларида ҳам Зеби каби ўзбек хотинларининг мустамлака давридаги ҳаёти тасвирланган.

8. Романда илгари сурилган эпик тафаккур тарзи ҳақида нима дейиш мумкин?

Эталон – Романда нафақат рус империясининг, балки шу империя туфайли яшашда давом этаётган феодал тузумнинг ҳам инқироз ҳолатида эканлиги тасвир этилган. Раззоқ сўфики, ёлғиз қизини бахти қаро қилиш ҳисобига кўзи очилган ва сиғингани Эшон бобога қарши қўл кўтарган экан, демак, бу чириган ҳаёт тарзини, ижтимоий тузумни таг-гомири билан ўзгартириш лозимлиги асар эпик тафаккурининг бош бўғинини ташкил этади.

Ана шу бадий фикр-ғоя асардаги образлар тимсолида тасвирланган, асарга қамраб олинган ҳаётий ҳодисалар силсиласида бадий гавдалантирилган.

Асарни ўрганиш ва таҳлил қилиш якунида ўқувчиларга тест саволлари тарқатиш ҳам мумкин.

Дарс самарадорлигини таъминлаш мақсадида тузилган тестларнинг
намуналар. (тўғри жавоб * белгиси билан ажратилган)

1. Яккаю Ёлғиз кизларининг бахтига зомин бўлган оталар образини
берилган асарларни кўрсатинг.

А. «Меҳробдан чаён», «Ўзбек характери», «Саодат соҳили».

Б.* «Кеча ва кундуз», «Қутлуғ қон», «Меҳробдан чаён».

С. «Ўтган кунлар», «Синчалак», «Бемор».

Д. «Синчалак», «Даҳшат», «Абулфайзхон».

Е. «Сариқ девни миниб», «Қочоқ», «Улуғбек ҳазинаси».

2. «Мунча ҳам овози ширин бу қизнинг! Ашула айтса кулоғинг маст бўлиб
қолади! Нафаси бунча иссиқ, бунча мазалик? Мунча таъсирлик!» Ушбу таъриф
эгаси бўлган қаҳрамон қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Салтанат.

В. Энахон.

С.* Зеби.

Д. Султонхон.

Е. Қумри.

3. «Йлоҳим қовоққинаси ўчсин унинг... Юрагим лахта-лахта қон бўлди.
Қовоғидан доим қор ёғади, важоҳати доим қиш, доим изғирин.» Ушбу таъриф
ким ҳақида айтилган?

А. Эшон бобо.

В. Акбарали.

С. Ноиб тўра.

Д. Мирёқуб.

Е.* Раззоқ сўфи.

4. «Кеча ва кундуз» романида Зеби юрагида муҳаббат куртакларини
уйғотган йигитни топинг.

А. Холмат.

В.* Ўлмас.

С. Ҳакимжон.

Туннун.

Мирёкуб.

5. «Оддий кийимда кўрганлар ё – оддий бир қишлоқ бойи, ё – Еттисув
ман алоқаси бор кўйчи, деб ўйлайдиган, чакка суяклари туртиб чикқан,
шоша – бўйига тор, энига кенг ва ҳам узун-узун уч чуқур ажинга эга». Ушбу
портрет эгаси ким?

A. Мирёкуб.

B. Холмат.

C. Туннун.

D.* Акбарали.

E. Эшонбобо.

6. Раззоқ сўфи хотини Курбонбибини нима деб чакиради?

A. Курбон.

B. Хотин.

C. Зебо.

D. Онаси.

E.* Фитна.

7. Раззоқ сўфи нима сабадан «бетавфик, бенамоз» мингбошига кизини
беришга рози бўлди?

A.* Эшон бобонинг муте қули бўлганлиги учун, қистовларидан сўнг рози
бўлди.

B. Акбарали мингбоши бой-бадавлат бўлганлиги учун рози бўлди.

C. Акбарали мингбошидан кўрққанлиги учун рози бўлди.

D. Курбонбиби мансабдор куёв хоҳлагани учун рози бўлди.

E. Зеби мингбошини севиб қолганлиги учун рози бўлди.

8. Акбарали мингбоши хотинларининг исмларини топинг.

A. Салтанат, Энахон, Кумри.

B. Хонзода, Пошшахон, Умриниса.

C.* Хадичахон, Пошшахон, Султонхон.

D. Марям, Султонхон, Энахон.

Е. Умриниса, Хонзода, Салтанат.

9. Акбарали кимнинг ҳйласидан ўлади?

А. Хадичахон.

В. Зеби.

С. Султонхон.

Д.* Пошшахон.

Е. Қурбонбиби.

10. «Толларнинг кўм-кўк сочпоуклари қизларнинг майда ўрилган кокилларидай силкиллаб тушмоққа бошлади. Муз тагида лойқаланиб оқиб сувларнинг ғамли юзлари кулди, ўзлари хорғин-хорғин оқсалар-да, бўшалган кул сингари эркинлик нашъасини кемира-кемира илгари босадилар». Ушбу лавҳа қайси асардан олинган ва унда йилнинг қайси палласи тасвирланган?

А. «Ўткан кунлар», баҳор.

В. «Синчалак», куз.

С. «Меҳробдан чаён», қиш.

Д. «Бобур», кеч куз.

Е.* «Кеча ва кундуз», эрта баҳор.

11. «Зеби юрагида тугилиб ётган зўр тугунини ечиб юборган эди. Раззоқ сўфининг совуқ юзлари унинг кўзларидан йироқлашганлар... совуқ сўфиларнинг «харом» деган даъволари синиб, парча-парча бўлган, «номахрамлик» сафсаталари от оёқлари остида янчилган...». Зеби нима билан машғул бўлганда насиҳат йўли билан мингларча марта айтилган ва таъкидланган сўзларни унутиб, юрагидаги «тугун»ларини ечиб юборадими?

А.* Қўшиқ куйлаганда.

В. Кашта тикканда.

С. Дўппи тикканда.

Д. Дутор чалганида.

Е. Шеър ёзганида.

12. Мирёкубга нима учун кексалар «Мирёкуб эпақа» деб лақаб беришган?

А. Ўрис тилини яхши билгани учун.

- В. Мингбошининг «Ўнг қўли» бўлгани учун.
 С. Ноиб тўра билан яқинлиги учун.
 Д.* У аралашмаган иш эпакага келмагани, тадбиркорлиги учун.
 Е. Ноёб одамлиги учун.

13. «Кеча ва кундуз» романида адиб Раззоқ сўфининг қайси жиҳатларини бўрттириб кўрсатган?

- А. Такаббурлиги, баджаҳллиги, совуқлигини.
 В. Золимлиги, бадфёъллиги, зикнализини.
 С. Индамаслиги, дангасалиги, кўполлигини.
 Д. А ва В.
 Е.* А,В,С.

14. «Кеча ва кундуз» романида муте, эркисз кишилар образлари қайсилар?

- А. Султонхон, Пошшахон, Эшон.
 В.* Раззоқ сўфи, Курбонбиби, Зеби.
 С. Зеби, Энахон, Мирёқуб.
 Д. Курбонбиби, Акбарали, Ноиб тўра.
 Е. Раззоқ сўфи, Эшон, Мирёқуб.

15. Романда ким ўз уйининг «қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва хўмрайган» бўлишини истайди?

- А. Мирёқуб.
 В. Акбарали.
 С. Ноиб тўра.
 Д.* Раззоқ сўфи.
 Е. Холмат.

16. «Қиш ичи ҳам кети узилмаган совчилар бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар, энди ташқари эшикнинг «ғийт» этиши – бир-икки аёлниинг астагина босиб, паранжисини судраб кириб келишига далолат қилмас, ҳали эндигина ўн бешга қадам кўйган бу ёш қизнинг гўдак кўнглини унча чўчитмас эди». «Кеча ва кундуз» асаридаги бу қиз ким?

- А. Кумри.

В. Салтанат.

С. Энахон.

Д. Фазилят.

Е.* Зеби

17. «Давлати курсин, давлати!.. Энахоннинг келин бибисига рини келади... Давлат асари йўк. Рўзгорлари зўрға ўтади. Кўзипайтдай икки болани бор. Эри хамиша ёнида... Кундош алами йўк...» Бу сўзлар «Кеча ва кундуз» романидаги қайси образга тегишли?

А. Зеби.

В. Курбонбиби.

С.* Хадича.

Д. Пошшахон.

Е. Марям.

18. Акбарали мингбошининг аслида бир-бирига ашаддий душман бўлиш хотинлари Пошшахон ва Хадичахонлар нима сабабдан иттифок тузишди?

А.* Кундошлари Султонхон устига кундош келтириб, аламларини босиш учун.

В. Кичик хотин мингбошига меросхўр туғиб берар, деган умид билан.

С. Акбаралининг мол-дунёсини қўлга киритиш учун.

Д. Зебини бахтли қилиш учун.

Е. Акбаралини хурсанд қилиш учун.

19. «Аравакаш ичкаридан чиққан икки нон билан бир пиёла қатикни ичиб олди-да, отни ичкарига боғлаб, ўзи арава устига чўзилди. Миясида, умрида биринчи мартаба ўлароқ, ажиб ва ширин хаёллар айланарди. Кўк-даги ойга қараб ердаги ойни ўйлар ва бояғидай ширин-ширин кулимсирар-ди» («Кеча ва кундуз» романидан). Аравакаш ўйлаётган «ердаги ой» ким?

А. Султонхон.

В.* Зеби.

С. Салтанат.

Д. Энахон.

Е. Қумри.

20. «Кеча ва кундуз» романидан қандай хулоса чиқариш мумкин?

- A. Ноиб тўранинг ўрнига бошқа Ноибни сайлаш лозим.
- B. Ратюк сўфи Зебини мингбошига бермаслиги лозим.
- C. Мирёқуб Шарофиддин Хўжаев билан бирга халқни маърифатли қилиши лозим.
- D. Мавжуд ижтимоий тузумни ўзгартириш ва мустамлакачилик кишанларини парчалаш лозим.
- E. Ҳамма жавоблар тўғри.

Дарсни бундай ташкил этишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Лойиҳа асосида эса ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда амалга ошириладиган фаолияти ётади. Бу тизимдан фойдаланиб, ёзувчи ҳаёти ва ижодини умумтаълим босқичида узвийлик, тизимлилик тамойилларига амал қилган ҳолда ўргатиш имконияти юзага келади. Ўқувчилар ҳар бир ижодкорнинг шахсини унинг ижодий лабораториясига кириш орқали босқичма-босқич англаб борадилар. Бу усул орқали ўқитувчи қисқа вақт мобайнида ўқувчиларда назарий билимларни шакллантириш, маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ва маънавий сифатларни шакллантиришга эришади, ўқувчилар билимини назорат қилиш ҳамда баҳолаш имконига эга бўлади.

3.2. Ёзувчи ҳаёти ва ижодини ўргатишда интерфаол усуллардан фойдаланиш

Таълим-тарбия тизимида ўқувчиларни эркин фикрлашга ўргатиш ва мустақил мутолаага йўллаш алоҳида аҳамият касб этади. Ўқувчиларга бадий асарларни мустақил ўқишга тавсия қилиш воситасида таҳлил малакалари такомиллаштирилади.

Ўқувчини мустақил ўқишга тайёрлашда эса ўқиган асарларнинг адабий эстетик хусусиятларини, уларда тасвирланган воқеа-ҳодисалар мазмунини идрок этиш, мағзини чақиш, муайян хулосалар чиқаришга; матн устида ишлаш

ва бадий асарларни мустақил таҳлил қилишга ўргатилади. Ўқув дастурида мустақил ўқиш учун тавсия қилинган бадий асарлар юзасидан суҳбатлар ўтказиш, баҳс-мунозара дарслари ташкил этиш, китобхонлар конференциясида ўқувчиларнинг фаол иштирокига имкон яратишга таълимнинг кейинги бўғинларида ҳам амал қилиши таъкидланган.

Умумтаълим мактаблари адабий таълимида ўқувчиларнинг мустақил мутолаасини ташкил этишда дастурда кўрсатилган асарлар билан бирга ҳозирги кун адабий ҳаётида катта воқеага айланган, баҳс-мунозараларга сабаб бўлган бадий баркамол асарларни ҳам тавсия қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, дарс соатлари давомида ўрганилган ижодкорлар ҳаёти ва ижоди юзасидан қўшимча мустақил ўқишни ташкил этиш ҳам самара келтиради. Айни пайтда, муайян ёзувчининг ижодий биографиясига дахлдор муҳим саналар – юбилейи муносабати билан адабий конференциялар ўтказиш, суҳбат дарсларини изчил режа асосида уюштириш ҳам самара беради. Ўқувчиларнинг китобхонликка оид кўникма ва малакаларини мунтазам назорат қилиш, чинакам китобхонлик маданиятини эгаллашга иштиёқ ва рағбат уйғотиш, мустақил мутолаа билан боғлиқ камчиликларнинг олдини олишда, ижодкор ҳаёти ва ижодига оид қўшимча маълумотлар, янги билимларни ўзлаштиришда бундай усуллардан ёки дарс шаклларида фойдаланиш мумкин.

Мустақиллик даври миллий таълим методикаси китоб танлаш ва уни ўқувчиларнинг мустақил ўқиши учун тавсия қилишда мавзусининг сиёсий-ижтимоий аҳамияти эмас, бадийлиги даражаси асосий мезон бўлишини белгилаб берди.

Рус олимларидан Н. Н. Светловская, В. И. Ионова, ўзбек методист олимларидан С. Матчонов, Т. Ниязметова, К. Жўраев, Х. Ғуломова, Б. Мақуловаларнинг илмий-тадқиқот ишларида, алоҳида қўлланма ва рисолаларида ҳам мазкур муаммо хилма-хил жиҳатлардан ўрганилган. Аммо мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбат дарсларида айрим ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини мустақил ўрганишни ташкил этиш муаммоси ҳануз махсус тадқиқ этилмаган. Ҳолбуки, мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбат

орсларини самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг дунёқарашини
кенгайтириш, мангикий фикрлаш салоҳиятини ошириш, китобхонлик
маданиятини ўстириш, адабий-эстетик тафаккурини юксалтириш, сўз
маҳирасини бойитишга эришиш мумкин. Бу йўл билан ижодкор ҳаёти ва ижоди
мақида янги тушунчаларни ўзлаштириш имкони яратилади.

Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни» достони лиро-эпик жанрга мансуб.
Мазкур асарни мустақил ўқиб ўрганиш учун тавсия қилиш мумкин, чунки бу
достон ижодкор қиёфасини англашда энг нодир манбадир. Ўқитувчи шоирнинг
ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ўқувчилар билган маълумотларни умумлаштириб,
қуйидагича қўшимча маълумотларни бериши мумкин.

6-синф учун дарслик-мажмуа орқали Эркин Воҳидов биографиясига оид
қуйидаги маълумотлар берилган:

Э.Воҳидов 1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ
туманида ўқитувчи оиласида туғилган. Хўш, бу маълумотни ким қандай
тўлдиради?

1-ўқувчи: Унинг отаси ўқитувчи бўлиб, тарих фанидан дарс берган.
Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида фронтга кетиб, осколқа
жароҳати билан қайтиб келади ва 1945 йилда вафот этади.

2-ўқувчи: 1946 йилда шоирнинг онаси ҳам вафот этади, ёш Эркин тоғаси
қўлида қолади. Унинг «Нидо», «Қуёш маскани» поэмалари ва қатор
шеърларида ўша йиллар армони дардчан мисралар орқали ифодаланган.

3-ўқувчи: Эркин Воҳидовнинг болалик ва ўсмирлик йиллари меҳрибон ва
эътиборли тоғаси оиласида, Тошкент шаҳрида кечган. Бу ерда ёш Эркин шоир
Ғайратий ташкил этган адабий тўғаракда иштирок этади, 7-синфда ўқиб юрган
кезлари «Муштум» журналида 1-шеъри босилиб чиқади.

4-ўқувчи: Мактабни олтин медал билан тугатган Э.Воҳидов ҳозирги
ЎЗМУнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олди, сўнгра турли
нашриёт ва газета-журналлар редакцияларида ишлади. Кейинги йилларда
Ўзбекистон Олий мажлисининг бўлим мудири вазифасида ишлади. Ўзбекистон
халқ шоири ва Ўзбекистон Қаҳрамони унвонларини олди.

Хўш, шоирнинг 1-шеърлар тўпламининг номини биласизми? (10 балл)
тахтасига тест услубида бешта жавоб ёзилади)

А. «Ёшлик девони».

В. «Тонг нафаси»

С. «Кўшиқларим сизга»

Д. «Юрак ва ақл».

Е. «Менинг юлдузим».

Шоирнинг яна қандай тўпламларини биласиз?

Мустақил ўқилган асарлар юзасидан кириш машғулоти давомида ўқитувчи асарнинг ўзига хос жанр хусусияти тўғрисида тушунча бериб, сўнгра асар тахлилига ўтиши лозим деб ўйлаймиз. Мазкур дoston шоирнинг ижодий қиёфасини қайси жиҳатдан тўлдиради?

Маълумки, дoston оташин бенгал шоири Назрул Ислоом ҳақида. У исёнкор шеърлари билан Ҳиндистонни ларзага солган эди. Шоир ўз халқини бирлашиб, ўзаро диний низоларга барҳам беришга, мустамлакачилик зулмига қарши курашга даъват қилган эрқпарвар инсон бўлган. Шу туфайли бир неча бор ҳибсга олиниб, қийноқлар ва тазйиқларни бошдан кечирган. Айни ижоди қайнаган палла – 35 ёшида эс-ҳушидан айрилган Назрул Ислоом фожиали қисмати туфайли эрк наъшасини суролмади.

Хўш, нима сабабдан шоирни бенгал ватанпарвари Назрул Ислоом қисмати ўйга толдирди? Асарга танланган мавзу шоир Эркин Воҳидов шахсияти билан ижодкорлигининг қайси нуқталарини ўзаро туташтиради? Шоир қаламга олган мавзу умуминсоний ҳис-кечинмалар билан уйғунми? Асар муқаддимасида буюк дард ҳақида сўз боради. Бу қандай дард? Нима учун шоирларни «эрк дарди» бирлаштиради?

Бу – шоирнинг дилин эзган

Истибоднинг дардидир.

Юракдан қон бўлиб сизган

Истеъдоднинг дардидир, ¹

деб ёзар экан, муаллиф шоирликнинг ўзи элу юрт дарди билан яшамоқлик эканини баён қилади ва «Абадиёт ҳақидаги ривоят»ни бошлайди.

Ўқитувчининг шу мазмундаги кириш сўзидан сўнг ушбу ривоят мазмуни таҳлил қилинади.

Ривоятни ролларга бўлиб ўқиш ҳам, кичик сахна кўриниши тарзида ўқувчилар ижроси орқали намойиш қилиб, сўнг таҳлил қилиш ҳам унинг таъсирчанлигини оширади. Ёзув тахтасига ривоят якунидаги

Бу дунёда изла нажот,

Яша факат шодумон.

Бу ҳаётнинг

Ярми роҳат,

Ярми ғамдир, шукур қил.

Умринг узун бўлса – раҳмат,

Агар камдир,

Шукур қил,² –

мисраларини ёзиб, ўқувчиларни «бхбхб» методи асосида кичик гуруҳларга ажратади. 1-гуруҳ ўзига «Шоир қалби» деган ном қўйиб, дostonнинг 1-фасли мазмун-моҳиятини ёритиб беради. Ўқитувчи таҳлилга йўналтирувчи саволларни тарқатади:

1. Шоир Эркин Воҳидов нима сабабдан китобхон диққатини «Коинотда азал мангу Исён руҳи ҳоким»лигига қаратган?
2. Шоир қалбини таърифлаш орқали муаллиф нима демоқчи бўлган?
3. «Замон унинг ёниб турган юрагини сўрарди» мисрасида қандай маъно ифодаланади?
4. «Назрул Ислom ўз қалбини Байроқ қилиб кўтарди» мисраларига жо этилган маъноларни изоҳланг.

¹ Воҳидов Э. Шеър дунёси. Сайланма. Иккинчи жилд. –Т.: Шарқ, 2001. – 173-б.

² Ўша манба, 177-б.

Иккинчи гуруҳ дostonнинг «Исён қўшиғи» деб номланувчи кисмини ва «Фидойилик тўғрисида ривоят»ни таҳлил қилса, учинчи гуруҳ дostonнинг «Ғалаён» деб номланувчи фаслини таҳлил қилишга йўналтирилади. Бу гуруҳга ушбу фаслнинг руҳини ифода қилувчи «Алангали нола» номи берилади. Ўқитувчи уларга ҳам таҳлилга йўналтирувчи саволларни тарқатади:

1. Шоир бу фаслни нима учун «Ғалаён» деб номлаганлигини изоҳланг. Муаллиф урғу бераётган ғалаён аслида қандай туйғу?

2. Аслида-ку

Ҳаёт оғу,

Турмуш ўзи – зимистон.

Айбдор эмас бунга ҳинду

Гуноҳқормас мусулмон.

Аслида-ку...¹

парчасида қўлланган «Аслида-ку...» банд такрори қандай маънони ифода этишга хизмат қилган?

3. Назрул Исломнинг жохил оломонга қарата фарёди мазмунида қандай ҳаёт ҳақиқати ифодаланган?

4. Э. Воҳидовнинг дostonдаги «Шоир бўлсанг...» деб бошланувчи мурожаати қайси жиҳатлардан Назрул Ислом ноласига ҳамоҳанг? Нима учун?

5. «Жаҳолат тўғрисида ривоят»нинг фалсафий мазмунини ёритиб беринг. Ривоят дostonдаги воқеалар ва етакчи образга қайси жиҳатлардан боғланади деб ўйлайсиз?

Ўқитувчи ёзув тахтасига: «Шоирда бор бир иқбол, Яъни шоир ўлмайди» мисрасини ёзиб қўяди. Ўрни билан ўқувчилар ажратиб ёзилган мисралар мазмунини ҳам изоҳлаб борадилар.

Шу тарика ўқувчилар мавзу атрофида баҳслашадилар, ўз муносабатларини билдирадилар. Мавзу бўйича белгиланган вақт якунлангач, ўқитувчи гуруҳ аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вакил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзу юзасидан чиқарган хулосаларини гуруҳ аъзоларига

биён этади. Гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳнинг фикр ва хулосаларини ўрганиб, унга ўз муносабатларини билдирадilar. Шу тарика қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан фикр билдирилади, хулосалар чиқарилади, ҳам бу фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил қилинади, баҳоланади. Бундай гуруҳлар билан ишлашда:

– ўқитувчи томонидан гуруҳлар ва гуруҳга раҳбарлик қила оладиган ўқувчи ҳамда гуруҳнинг барча аъзолари қатъий белгилаб оlinиши керак;

– ҳар бир гуруҳда зеҳнли ва қобилиятли ўқувчилар бўлишига, бўшроқ ўзлаштирадиган ўқувчиларни ҳам гуруҳларга имкон қадар тенг тақсимлашга ҳаракат қилинади. Гуруҳлар бир-бирига муносиб аъзолар билан тўлдирилади ва вазифалари аниқ белгиланади;

– гуруҳ раҳбари ва аъзоларига ўз вазифалари тушунтирилади;

– ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтириши, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бир-бирининг фикрларини тинглаб, мулоҳаза билдириши учун шароит яратилади;

– иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор бериб борилади. Яхши гоё эгалари рағбатлантирилади.

Бундай гуруҳларни ташкил этишдан аввал ўқувчиларнинг шу ишни бажаришга билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш; гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш; вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш; ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гуруҳнинг бандлигини таъминлашга тайёр бўлиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Руҳлар исёни» дostonини таҳлил қилишда ўқитувчи ана шу методик талабларга риоя қилиши шарт. Ўқувчиларнинг тақдим қилинган йўналтирувчи савол-топшириқларга жавоб бериши жараёнида хилма-хил фикрлар билдирилиши табиий. Ҳар бир савол-топшириқ ўқувчиларни турфа хил мулоҳаза юритишга, асар матни юзасидан мустақил фикр билдиришга, шу аснода асарни пухта ўзлаштиришга ундаши лозим. Ўртага ташланган саволга ўқувчининг ўз ҳаётий тажрибаларига, бадий асар матнига таянган ҳолда жавоб бериши уни асар қаҳрамонларига яқинлаштиради. Хусусан, Назрул Ислom

қалбидаги Ватан туйғуси, унинг хатти-ҳаракатлари, ўйлари, изтироблари, самимий муҳаббати ўқувчилар руҳини безовта қилади. Улар қаҳрамон ҳолатини ҳис қиладилар. Саволларга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар бир-бирларининг фикрларини тўлдириб, мазкур ҳолатни кучайтиришга таъсир кўрсатадилар. Ўқувчиларнинг фаоллиги, айниқса, ўз фикрларининг ҳақлигини ҳис қилгани сари инсон сифатида шаклланиш ва билим олишдаги қатъийлиги ортиб боради. Ўқувчининг ҳар қандай мустақил фикри қадрланмоғи лозим. Бу жараёнда муаммо ёки унинг ечими эмас, ўқувчининг фикрлаш фаолияти муҳимдир. Чунки ўқувчи ўз фикрларига эга бўлиш орқали одамни ва оламни англай бошлайди. «Рухлар исёни»ни таҳлил қилишда ҳам ўқувчини шоир дунёсини англашга йўллаш мақсади етакчилик қилиши зарур.

Бу жараёнда ўқувчининг асосий иш қуроли дарсликдаги асар матни ҳисобланади. Ўқувчини китоб билан мустақил ишлашга, тушуниб ўқишга, муҳим фикрларни илғай олишга, шоир ва унинг туйғулар оламини кузатишга йўллаб бориш мақсадга мувофиқдир. «Матн устида ишлаш – унинг бадий, мантиқий, эстетик мазмунини англаш ва таҳлил қила олиш, асосий ёки иккинчи даражали фикрлар орасидаги алоқа ёки фарқни ажрата билиш, шу билан бирга ўз қарашларига эга бўлиш демакдир».¹

Шу тариқа амалга ошириладиган таҳлил натижасида ўқувчиларида бир-бирларининг фикрини қувватлаш ёки рад этиш, бир-бирини тинглаш, ўз қарашларига ўзгаларни ишонтира олиш, бир сўз билан айтганда, баҳс маданияти таркиб топтиради. Дастондаги етакчи образ таҳлили орқали ўқувчиларда юксак ватанпарварлик туйғулари шакллантирилади.

Психологларнинг таъкидлашича, бола ўзи бажараётган топшириқ-ларнинг моҳиятини тушунса, унга алоҳида бир қизиқиш ва ғайрат билан ёндашади. Шу маънода мустақил ўқиш дарсларининг мақсади, мазмуни, моҳияти тўлалигича ўқувчилар онгига етказилса, қизиқиш билан иш олиб борадилар. Чунки бадий асарни мутолаа қилиш орқали китобхон ўзга инсонни тушунишга ўрғанади, уларнинг қалбида ўзгалар дардига, қувончу ташвишларига ҳамдардлик туйғуси

иғонади. Китоб ўқиш ижодга рағбат уйғотади, мустақил фикрни
яроқландиради, эстетик дидини шакл-лантиради.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг мустақил ҳолда бадий китоб
қилишларини ташкил этиш эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва
малакаларни дастур талаблари асосида такомиллаштиришга йўналтирилиши
лозим. Адабий асарларни ўқишга ҳавас уйғотиш ўқувчиларнинг китоб
мутолаасига онгли тарзда, маънавий эҳтиёж сифатида ёндашувларини таркиб
топтириш орқали амалга оширилиши керак. Ўқувчиларнинг ўқиган бадий
асарлари юзасидан фикр-мулоҳазалари, албатта, ўқитувчи диққат-этиборидан
четда қолмаслиги зарур. Шундагина ўқувчида мутолаа масъулияти шаклланади.
«Рухлар исёни» достонини ҳам ўқувчиларнинг тўла ҳолда мустақил ўқиб
чиқишларига эришиш зарур. Шундагина улар
Э. Воҳидовнинг миллий ва умуминсоний муаммолар ҳақидаги қарашларини,
уй-кечинмаларини ҳис эта оладилар. Истеъдод соҳиблари қайси юрт ёки қайси
миллат фарзанди бўлишларидан қатъи назар эзгулик, эрк, тараққиёт ва ер
қуррасида тинчлик учун курашувчиларнинг олдинги сафида туришлари сабаби
уларнинг этибори ва безовта руҳияти билан боғланишини англаб етадилар.
Достон ниҳоясидаги куйидаги мисралар эса Э. Воҳидов этикоди билан
ижодкор сифатидаги қиёфаси моҳиятини ифода қилади:

Назрул Ислол

Рухи мендан

Шундай ҳисоб сўрайди:

Шоир бўлиб

Элга букун

Даркормисан, дер менга.

Фидоликка халқинг учун

Тайёрмисан, дер менга.

Дер: «Шоирлик - юракда қон

Силқиб турган жароҳат

Тиламасман сенга, ўғлон,
 Осуда бахт, фароғат.
 Тиламасман бир зум ором,
 То тириксан, бедор бўл.
 Азоб берсин сенга илҳом
 Шеър дардида бемор бўл.
 Сақла, - дейди, - юрак кўринг.
 Дил оташинг сўнмасин
 Умринг адо бўлмай туриб
 Чўфинг адо бўлмасин.¹

Демак, мустакил ўқилган асарлар воситасида ҳам ижодкор кифоасини ўрганиш, ижоди ҳақида кўшимча маълумотларни ўзлаштириш мумкин.

Таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича тавсиялар

мавзу	“Ўтган кунлар” романи поэтикаси
Машгулот вақти 2 соат	Таълим бериш технологияси
Машгулот шакли	Талабалар сони 20-30 нафар
Амалий машгулот режаси	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машгулот
Ўқув машгулотининг мақсади:	1. Абдулла Қодирий – биринчи ўзбек романнависи
Ўқув машгулотининг мақсади:	2. “Ўтган кунлар” романида ёзувчининг образ яратиш маҳорати
Ўқув машгулотининг мақсади:	3. Роман поэтикасига хос хусусиятлар.
Ўқув машгулотининг мақсади:	Ўқув фаолияти натижалари:
Ўқув машгулотининг мақсади:	1. Абдулла Қодирий – биринчи ўзбек романнависи эканлиги ҳақида билимларини мустаҳкамланади.
Ўқув машгулотининг мақсади:	2. “Ўтган кунлар” романида ёзувчининг образ яратиш маҳоратини таҳлиллар орқали ўзлаштирадидлар.
Ўқув машгулотининг мақсади:	3. Роман поэтикасига хос хусусиятларни мукамал ўрганадилар.
Педагогик вазифалар:	
1. Абдулла Қодирий – биринчи ўзбек романнависи эканлиги ҳақида билимларни мустаҳкамлаш.	
2. “Ўтган кунлар” романида ёзувчининг образ яратиш маҳорати ҳақидаги билимларни кенгайтириш	
3. Роман поэтикасига хос хусусиятлар талаба томонидан қайтарзда	

¹¹ Воҳидов Э. Шеър дунёси. Сайланма. Иккинчи жилд. –Т.: Шарқ, 2001. – 242-б.

Ушатирилганлигини аниқлаш.

Таълим бериш усуллари

Таълим бериш методлари

Таълим бериш воситалари

Таълим бериш шароити

Мониторинг ва баҳолаш

Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров
“Биргаликда ўқиймиз”, “Зиг-заг”, “Блиц”.

Ўқув қўлланма, проектор, тарқатма
материаллар.

Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш
учун мўлжалланган аудитория ёки синф
хонаси

Оғзаки назорат: савол-жавоб

Машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Ўқув машғулотиغا кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова). 1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова).	Тинглайди мавзу номини ёзиб олади Ёзиб олади.
2. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Талабаларни 6 та кичик гуруҳга бўлади ва “Биргаликда ўқиймиз” техникаси асосида гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш усули, қоидалари билан таништиради. (3-илова). 2.2. Ҳар бир гуруҳга эксперт варакалари тарқатилади. Ҳар бир варакада А.Қодирий ижоди ва “Ўткан кунлар” романи бўйича саволлар мавжуд ва уларга жавоб бериш сўралади (4-илова). 2.3. Гуруҳлар ишида ёрдам (маслаҳат) беради. 2.4. Гуруҳ сардорлари берилган саволларга жамоанинг жавобларини баён қилади. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатиб, яна қўшимча саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади. 2.5. Ёзувчининг образ яратиш маҳоратини таҳлил қилиб талабалар билимини текширишда “Зиг-заг” методидан фойдаланилади (5-илова). “Ўткан кунлар” романи юзасидан	Кичик гуруҳларда ишлайдилар. Топширик бўйича ишлайдилар. Гуруҳ сардорларини тайинлайдилар ва ҳамкорликда ишлайдилар. Сардорлар саволга жавоб беради, гуруҳ жамоалари саволларни муҳокама қилади. Топширикларни бажарадилар. Ўз-ўзларини баҳолайдилар

ЎЗГАРТИРИШ

Ўқитувчи томонидан тайёрланган кичик тарқатмаларда ёзилган карточкаларни талабалар келиб олишади. Бир хил сўз тушган талабалар уша сўз ёзилган стол атрофига ўтирадилар. Масалан роман сўзи тушган 5 та талаба роман сўзи ёзилган столга келиб ўтирадилар.

Аввалдан тайёрланган махсус сўзлари ёзилган тарқатмалар ларталар устига кўйиб чикилади. Масалан:

“Асаринг бадий тили воситалари


Портрет яратиш маҳорати

Бадий тасвир воситалари

Ёзувчининг образ яратиш маҳорати

Тарихийлик ва бадий тўқима

Шу тартибда талабалар 5 гуруҳга бўлинади. Мавзу моҳиятини ёритувчи матн ҳам тегишли равишда 5 қисмга ажратилади.



Ушбу тарқатмалар ҳар бир столдаги талабаларга тарқатилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади. Белгиланган вақт давомида гуруҳлар матн устида ишлайдилар, вақт тежаш мақсадида гуруҳ талабалари орасидан **лидерлар** танланади. Саволларга жавоб берилгандан сўнг **лидерлар** чиқиб уни тақдим этадилар. Шу тарзда 5 та тарқатма столлар атрофида айланиб чиқади ва ҳар бир гуруҳ **лидери** саволларга жавоб берадилар (20 дақиқа).

Ҳар бир гуруҳга асар образлари ёзилган тарқатмалар берилди.
Улар мазкур образларни таҳлил қиладилар.

Отабек

Ўзбекийм

Кумуш

Юсуфбек ҳожи

Зайнаб

Муслмонкул

Хушрўй

Ҳомид

Ушбу топшириқни бажариш учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Бу вақт мобайнида гуруҳлар ўзаро келишган ҳолда ишлайдилар. Сўнг гуруҳ лидерлари чиқиб топшириқни тақдим қиладилар.

ТАЛАБАНИ ЖОРИЙ БАҲОЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БЛИЦ ЎЙИНИ
 БЛИЦ ЎЙИНИ “Ўткан кунлар” романини биламанми?” (роман бадиятига хос
 унсурлар топилади)

1	2	3	4
Мисоллар	Талабанинг жавоби	Тўғри жавоб	Жавоб учун ажратилган балл
Асар жанри			
Услуби			
Асар қурилиши			
Асар компонентлари			
Образлари			
Асар тили			
Табият тасвири			
Миллий менталитет			
Характер			
Маҳорат масаласи			
<i>Меҳнатингиз маҳсули муборак бўлсин!</i>			

Ўйин қоидаси: 1-рақам остидаги катакларда берилган мисоллар жойлашган. 2-рақам остидаги катакларда талаба жавоблари берилади. Бунда талаба ҳар бир тўғри деб билган жавобига «+», нотўғри деб билган жавобига «-» аломатларини қўйиб боради. 3-рақам остидаги катакларда ўқитувчи томонидан айтилган тўғри жавоблар белгиланади. Бунда ҳам «+», «-» аломатларидан фойдаланилади. 4-рақам остидаги катакларда эса ҳар бир тўғри топилган жавоб учун 0.1 балл, нотўғри жавоб учун 0 балл белгиланади ва бу баллар жавоб учун ажратилган баллар устунига қўйиб боради. Талаба ишни ниҳоясига етказгач баллар умумлаштирилади. Талаба барча жавобларни тўғри топса 5 баллни қўлга киритади. Ҳар бир машғулот учун ажратилган энг юқори балл 5 бални ташкил этади.



- “Ўткан кунлар” билан боғлиқ баҳс-мунозараларга муносабат билдириш, “Меҳробдан чаён” романида тарихийлик ва бадиийлик мавзусига тайёрланиб келиш вазифа сифатида топширилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиёти пойдевори. – Тошкент: 1997.
2. Қосимов Б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Т: Шарқ, 2005.
3. Каримов Н ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т: Ўқитувчи, 1999.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.gov.uz/> Низомий номидаги ТДПУ сайти.
2. <http://www.pedagog.uz/> Педагогика муассасалари портали.

Мавзу	А.Чўлпон шеърляти поэтикаси
-------	-----------------------------

Таълим бериш технологияси

Машғулот вақти 2 соат	Талабалар сони 20-30 нафар
Машғулот шакли	Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машғулот
Амалий машғулот режаси:	<ol style="list-style-type: none"> 1. Чўлпон жадид адабиётининг намояндаси 2. Чўлпон шеърлятининг бадий хусусиятлари. 3. Ватан ҳақидаги шеърлари таҳлили.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларнинг Чўлпон ҳаёти ва ижоди бўйича маъруза машғулотидан олган билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш.	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ol style="list-style-type: none"> 1. Чўлпон жадид адабиётининг намояндаси ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлаш. 2. Чўлпон шеърлятининг бадий хусусиятларини таҳлил қилиш. 3. Ватан ҳақидаги шеърларини таҳлил қилиш. 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Чўлпон жадид адабиётининг намояндаси ҳақидаги қарашларини мустаҳкамлайдилар. 2. Чўлпон шеърлятининг бадий хусусиятларини таҳлил қиладилар. 3. Ватан ҳақидаги шеърларини таҳлили орқали Чўлпон ижодига бўлган билимлари мустаҳкамланади.
Таълим бериш усуллари:	Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров
Таълим бериш методлари:	“Биргаликда ўқиймиз”, “Зиг-заг”, “Блиц”.
Таълим бериш воситалари:	Ўқув қўлланма, проектор, тарқатма материаллар.
Таълим бериш шароити:	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш:	Оғзаки назорат: савол-жавоб

Машгулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Ўқув машгулотига кириш босқичи (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машгулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова).	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади.
2. Асосий босқич (60 дақиқа)	1.2. Машгулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова).	Ёзиб олади
	2.1. Талабаларни 6 та кичик гуруҳга бўлади ва “Биргаликда ўқиймиз” техникаси асосида гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш усули, қоидалари билан таништиради (3-илова).	Кичик гуруҳларда ишлайдилар
	2.2. Ҳар бир гуруҳга эксперт варақлари тарқатилади. Талабалар Чўлпон шеърияти поэтикаси юзасидан саволларга жавоб берадилар (4-илова).	Топширик бўйича ишлайдилар.
	2.3. Гуруҳлар ишида ёрдам (маслаҳат) беради.	Гуруҳ сардорларини тайинлайдилар ва ҳамкорликда ишлайдилар.
	2.4. Гуруҳ сардорлари берилган саволларга жамоанинг жавобларини баён қилади. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатиб, яна қўшимча саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.	Сардорлар саволга жавоб беради, гуруҳ жамоалари саволларни муҳокама қилади.
	2.5. Чўлпон шеърияти поэтикаси юзасидан “Зиг-заг” методи орқали билимлари текширилади (5-илова).	Топширикларни бажарадилар. Ўз-ўзларини баҳолайдилар.
	2.6. Чўлпон шеърияти бадииятини текшириш юзасидан тарқатмалар ва “Сўз устида сўз” муаммоли топшириклари берилади (6-илова).	Топширикни бажарадилар.
	2.7. Чўлпон ижоди юзасидан “Бадиий санъатларни биламанми?” мавзусида “Блиц” методи орқали талабалар билими текширилади (7-илова).	Топширикни бажарадилар.
3. Яқуний босқич	2.8. Берилган жавоблар асосида асосида айtilган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.	Тинглайдилар.
	3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.	Тинглайдилар.

(10 дақиқа)		
	<p>3.2. “Чулпон шеърятини поэтикаси” мавзуси юзасидан талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади “Кеча ва кундуз” романи юзасидан тайёрланиб келиш вазифа сифатида топширилади.</p>	<p>Уйга вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова

Мавзу: А.Чулпон шеърятини поэтикаси
Дарс режаси:

1. Чулпон жадид адабиётининг намояндаси
2. Чулпон шеърятининг бадий хусусиятлари.
3. “Бузилган ўлкага” шеърда жамият иллатларининг фош этилиши.
Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларнинг Чулпон ҳаёти ва ижоди бўйича маъруза машғулотидан олган билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мустахкамлаш.
Ўқув фаолияти натижалари:
 1. Чулпон жадид адабиётининг намояндаси ҳақидаги қарашларини мустахкамлайдилар.
 2. Чулпон шеърятининг бадий хусусиятларини таҳлил қиладилар.
 3. “Бузилган ўлкага” шеъри исён руҳидаги шеър эканлигини тушуниб оладилар.

2-илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулоти учун 1 баллдан 5 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

- 5 балл – “аъло”
- 4 балл – “яхши”
- 3-2 балл – “қоникарли”
- 1 балл – “қоникарсиз”

3-илова

“БИРГАЛИҚДА ЎҚИЙМИЗ” ТЕХНИКАСИ

Биргалиқда ўқиш: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик гуруҳ ўрганилаётган мавзунинг бирор соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

“Биргалиқда ўқиймиз” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. 5-6 талабадан иборат гуруҳлар тузилади, уларга талабаларнинг таклифлари асосидан ном берилади.
2. Ҳар бир гуруҳга битта топшириқ берилади – умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ўқув гуруҳи иш олиб боради ҳамда уларга эксперт варақлари тақдим этилади.
3. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.
4. Ҳамма яқка тартибдаги топшириқни бажаради.
5. Барча гуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижани шакллантиришади ва уни тақдимотга тайёрлашади.
6. Сардор гуруҳ иши натижаларини тақдим қилади.

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шерингизни диққат билан тингланг.

Гуруҳ ишларида фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта, мурожаат қилинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта, ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолашда барча иштирок этиши шарт.

Аниқ билмоғимиз лозим:

А. Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз.

Б. Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

Эксперт гуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс. балл	1	2	3	4	5
Ахборотнинг тўлиқлиги	1,0					
Ахборотнинг график шаклда ифода этилиши	0,6					
Гуруҳнинг фаоллиги	0,4					
Балларнинг жами	2					

4-илова

Эксперт варағи № 1

Ўқув топшириқ

1. Чўлпон шахсияти унинг ижодига қай даражада таъсир кўрсатган деб ўйлайсиз?
2. “Бузилган ўлкага” шеърини таҳлил қилинг.
3. Шоир шеърларидан бирини ёд айтинг.

Эксперт варағи № 2

Ўқув топшириғи

1. Чўлпоннинг сюжет ва образ яратиш маҳорати ҳақида гапиринг.
2. “Кишан” шеърини таҳлил қилинг.
3. Шоир шеърларидан бирини ёд айтинг.

Эксперт варағи № 3

Ўқув топшириғи

1. Чўлпон шеърятининг мавзулари ва ғоялари ҳақида маълумот беринг.
2. “Гўзал” шеърини таҳлил қилинг.
3. Чўлпон шеърларидан бирини ёд айтинг.

Аввалдан
тайёрланган махсус
сўзлари ёзилган
тарқатмалар
парталар устига
кўйиб чиқилади.
Масалан:

“Бузил-
ган
ўлкага”
шеъри
поэтика
си

“Гўзал
Фаргона”
шеъри
поэтика
си

“Кўн-
гил”
шеъри
поэтика
си

“Гўзал”
нинг поэтик
хусусияти

“Қаландар
ишқи”нинг
поэтик
хусусияти

Ўқитувчи томонидан
тайёрланган кичик
тарқатмаларда ёзилган
карточкаларни талабалар
келиб олишади. Бир хил
сўз тушган талабалар ўша
сўз ёзилган стол атрофига
ўтирадилар. Масалан
роман сўзи тушган 5 та
талаба туюқ сўзи ёзилган
столга келиб ўтирадилар.

Шу тартибда
талабалар 5 гуруҳга
бўлинади. Мавзу
моҳиятини ёритувчи
матн ҳам тегишли
равишда 5 қисмга
ажратилади.

Талабаларни беш гуруҳга ажратиб олганимиздан сўнг уларга мавзу юзасидан маълум бир саволлар ёзилган таркатмалар берилди.
 Масалан:

Шоир шеърларининг мавзуси

Шоир шеърларида кўнгили образи

Табият ҳодисалари ва кўнгили кечимчаларининг уйғунлиги

Шоир шеърларининг бадиий хусусиятлари

Шеърда муаммолар қўламининг ифодаси

Ушбу таркатмалар ҳар бир столдаги талабаларга тарқатилади ва уни ўрганиш вазифаси топширилади. Белгиланган вақт давомида гуруҳлар матн устида ишлайдилар, вақт тежаш мақсадида гуруҳ талабалари орасидан **лидерлар** танланади. Саволларга жавоб берилгандан сўнг **лидерлар** чиқиб уни тақдим этадилар. Шу тарзда 5 та таркатма столлар атрофида айланиб чиқади ва ҳар бир гуруҳ **лидери** саволларга жавоб берадилар (20 дақиқа).

Сўз устида сўз муаммоси

Нега сенинг қалин товшинг “Кет!” демайди уларга?
 Нега сенинг эркли кунглинг эрк бермайди кўлларга?
 Нега тагин танларингда камчиларнинг кулиши?
 Нега сенинг турмушингда умидларнинг ўлиши?
 Нага ёлғиз қон бўлмишдир улушинг?..

Ушбу шеъринг мисралар лафзий санъатларининг қайси турига кириди. Такрор кўлланган сўзларнинг муайян бадний-эстетик вазифасини изоҳланг

Мен йўқсил на бўлиб уни суюбмен?!
 Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куюбмен,
 Бошимни зўр ишга бериб куюбмен,
 Мен суюб...мен суюб... кимни суюбмен?
 Мен суйган суюкли шунчалар гўзал!
 Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!!!

Ушбу мисолдаги “суймоқ” феъли қандай эстетик вазифа бажаряпти. Мазкур мисраларни изоҳланг, бадний санъатларининг қайси турига киришини айтиб бериш

Ҳар бир гуруҳга шеъринг мисоллар ёзилган таркатмалар берилади. Улар шеърларни поэтик кўчимлар ва уларнинг турларига кўра таснифлайди.

Ўн саккизга кирган кишлоқ
қизларининг юзидек
Қип-қизарган юзларингдан бир ўпич
бер, шафтоли!

Кўкламойнинг ипақ кўйлак
этаклари судралиб,
Қора ернинг бошларини сийлаб-
сийпаб келади

Ушбу топшириқни бажариш учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Бу вақт мобайнида гуруҳлар ўзаро келишган ҳолда ишлайдилар. Сўнг гуруҳ лидерлари чиқиб топшириқни тақдим қиладилар.

7-илова

ТАЛАБАНИ ЖОРИЙ БАҲОЛАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БЛИЦ ЎЙИНИ
БЛИЦ ЎЙИНИ «Бадий санъатларни биламанми?» (Чўлпон шеърларидан куйидаги изоҳларга
мос келадигани таъланади ва изоҳланади)

1 Мисоллар	2 Талабанинг жавоби	3 Тўғри жавоб	4 Жавоб учун ажратилган балл
Ўхшатиш			
Зийнатлаш, безаш			
хамоҳанг			
Турли тилда ёзилган шеър			
Шубҳага солиш			
Сўздан сўз чиқариш			
Яхшилик, марҳамат			
Қаршилантириш			
Мақол қўллаш			
Бурилиш			

Меҳнатингиз маҳсули муборак бўлсин!

Ўйин қоидаси: 1-рақам остидаги катакларда берилган мисоллар жойлашган. 2-рақам остидаги катакларда талаба жавоблари берилади. Бунда талаба ҳар бир тўғри деб билган жавобига «+», нотўғри деб билган жавобига «-» аломатларини қўйиб боради. 3-рақам остидаги катакларда ўқитувчи томонидан айтилган тўғри жавоблар белгиланади. Бунда ҳам «+», «-» аломатларидан фойдаланилади. 4-рақам остидаги катакларда эса ҳар бир тўғри топилган жавоб учун 0.1 балл, нотўғри жавоб учун 0 балл белгиланади ва бу баллар жавоб учун ажратилган баллар устунига қўйиб боради. Талаба ишни ниҳоятсига етказгач баллар умумлаштирилади. Талаба барча жавобларни тўғри топса 5 баллни қўлга киритади. Ҳар бир машғулот учун ажратилган энг юқори балл 5 бални ташкил этади.



- “Эрк мавзуси бўртиб кўринган шеърларидан таҳлил қилиш”, “Кеча ва кундуз” романида характер яратиш маҳорати” мавзусига тайёрланиш вазифа сифатида топширилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўқитувчи. 2000.
2. Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи 2004.
3. Улугов А. Адабиётшуносликка кириш– Т.; Университет. 2000.
4. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004.
5. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
6. Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1999.
7. Каримов Б. Чўлпон ва Фитрат. – Т.: Адабий мерос, 2005.
8. Куронов Д. Чўлпон. – Т.: Шарк, 2000.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.gov.uz/> Низомий номидаги ТДПУ сайти.
2. <http://www.pedagog.uz/> Педагогика муассасалари портали.

Мавзу

Зулфия шеърлятида хижрон мотиви

Таълим бериш технологияси

Машгулот вақти 2

Талабалар сони 20-30 нафар

соят

Машгулот шакли

Мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий машгулот

Амалий машгулот режаси

1. Зулфия шеърляти хусусида.
2. Шоира шеърлятидаги хижрон мотивлари
3. "Баҳор келди сени сўроқлаб" шеърлятида лирик қахрамон образи.
4. Шоира шеърлятининг етакчи хусусиятлари.

Ўқув машгулотининг мақсади: Талабаларнинг Зулфия ҳаёти ва ижоди бўйича маъруза машгулотидан олган билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш.

Педагогик вазифалар:

Ўқув фаолияти натижалари:

- Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериш;
- шоира шеърлятидаги хижрон мотивлари акс этган шеърларини таҳлил қилиш;
- "Хотирам синиклари" поэмасининг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш;

- талабалар Зулфия ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот оладилар;
- шоира шеърлятидаги хижрон мотивлари акс этган шеърларини таҳлил қилдилар;
- "Хотирам синиклари" поэмасининг юзага келиш сабабларини ўрганадилар;

Таълим бериш усуллари

Мунозара, суҳбат, тезкор-сўров

Таълим бериш методлари

"Биргаликда ўқиймиз"

Таълим бериш воситалари

Ўқув қўлланма, проектор

Таълим бериш шароити

Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш

Мониторинг ва баҳолаш

учун мўлжалланган аудитория

Оғзаки назорат: савол-жавоб

Амалий машгулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти

Фаолият мазмуни

Таълим берувчи

Таълим олувчилар

Тайёргарлик босқичи

Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради.

Белгиланган таълимий мақсадларга мос ўқув-билиш топшириқларини ишлаб чиқади (1-илова).

Жамоалар иши учун ёзма тарзда саволларни тайёрлайди.

Жамоалар иш натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади.

- 1. Ўқув машғулотига кириш босқичи (10 дақиқа)**
- 1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти, долзарблигини асослайди.
- 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради (2-илова).
- 1.3. Иш гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади (3-илова).
- 2. Асосий босқич (55 дақиқа)**
- 2.1. Талабаларни 6 та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш усули, қоидалари билан таништиради.
- 2.2. Ҳар бир гуруҳга саволлар беради ва уларга жавоб беришни талаб этади.
- 2.3. Гуруҳлар ишида ёрдам (маслаҳат) беради.
- 2.4. Гуруҳ сардорлари берилган саволларга жамоанинг жавобларини баён қилади. Аниқлик киритилиши лозим бўлса, гуруҳ сардорини тўхтатиб, яна қўшимча саволлар беради, муҳокамасини жамоага ҳавола этади.
- 2.5. Мавзулар асосида берилган маълумотларни умумлаштиради ва хулосалайди. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради ва умумий баҳолайди.
- 3. Яқиний босқич (10 дақиқа)**
- 3.1. Ўқув фаолияти юзасидан хулоса билдиради.
- 3.2. Мавзулар мақсадига эришишдаги талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва ўзлаштира олмаган жойларини қайта ўқиб чиқишни тавсия этади.
- Саволларга жавоб берадилар.
- Кичик гуруҳларда ишлайдилар.
- Топшириқ бўйича ишлайдилар.
- Гуруҳ сардорларини тайинлайдилар ва ҳамкорликда ишлайдилар.
- Саволларга жавоб берадилар.
- Тинглайдилар.
- Ўз-ўзларини баҳолайдилар
- Тинглайдилар.
- Уйга вазифани ёзиб оладилар.

“БИРГАЛИКДА ҲҲҲҲҲҲ” ТЕХНИКАСИ

Биргаликда ҲҲҲҲҲҲ: ҲҲҲ ғуруҳи кичик ғуруҳларга бўлинади. Ҳар бир кичик ғуруҳ ўрганилаётган мавзунинг бирор соҳасида эксперт бўлади ва бошқаларни ўргатади.

“Биргаликда ҲҲҲҲҲҲ” техникасидан фойдаланган ҳолда ғуруҳларда ишни ташкил этиш жараёнининг тузилиши

1. 5-6 талабадан иборат ғуруҳлар тузилади, уларга талабаларнинг таклифлари асосида ном берилади.
2. Ҳар бир ғуруҳга битта топшириқ берилади – умумий мавзунинг бир қисми, унинг устида бутун ҲҲҲ ғуруҳи иш олиб боради ҳамда уларга эксперт варақлари тақдим этилади.
3. Ҳар бир ғуруҳ ичида умумий топшириқ тақсимланади.
4. Ҳамма якка тартибдаги топшириқни бажаради.
5. Барча ғуруҳ аъзоларининг мини-маърузалари тингланади. Умумий натижани шакллантиришади ва уни тақдимотга тайёрлашади.
6. Сардор ғуруҳ иши натижаларини тақдим қилади.

2-илова

Ҳуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.

Ҳуруҳ ишларида фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта, мурожаат қилинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта, ёрдам беринг.

Ҳуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолашда барча иштирок этиши шарт.

Аниқ бيلمғимиз лозим:

А. Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз.

Б. Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

3-илова

Эксперт ғуруҳлар иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс. балл	1	2	3	4	5
Ахборотнинг тўлиқлиги	1,0					
Ахборотнинг график шаклда яфода этилиши	0,6					
Ҳуруҳнинг фаолияти	0,4					
Балларнинг жами	2					

4-илова

Эксперт варағи № 1**ҲҲҲҲҲҲ**

1. Шоира ижодининг XX аср ўзбек адабиётида тутган ўрни ҳақида фикр билдиринг.
2. Шоира шеърларидан бирини ёддан айтинг.
3. “Кўрганмидинг кўзларимда ёш” шеърини таҳлил қилинг.

Эксперт вараги № 2

Ўқув топшириғи

1. Шоира шеърларидаги ҳижрон мотивлари бор ўринларни таҳлил қилинг.
2. “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеърда лирик қаҳрамон руҳиятини таҳлил қилинг.
3. Шоира шеърларидан бирини ёддан айтинг.

Эксперт вараги № 3

Ўқув топшириғи

1. Зулфия шеърятининг бугунги адабиётшуносликдаги ўрни нималар билан ўлчанади?
2. Шоира шеърларидан бирини таҳлил қилинг.
3. “Хотирам синиклари” поэмасининг бугунги аҳамияти нималардан иборат?



- “Хотирам синиклари” поэмасидан лирик қаҳрамон кечинмаларини таҳлил қилиш, “60-80-йиллар адабиёти” мавзусига тайёрланиб келиш вазифа сифатида топширилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўқитувчи. 2000.
2. Куროнов Д. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи 2004.
3. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш – Т.: Университет. 2000.
4. Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Т.: Маънавият. 2004.
5. Мирзаев С. XX аср ўзбек адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 2004.
6. Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1999.
7. Каримов Б. Чўлпон ва Фитрат. – Т.: Адабий мерос, 2005.
8. Курунов Д. Чўлпон. – Т.: Шарк, 2000.

Электрон таълим ресурслари:

1. <http://www.gov.uz/> Низомий номидаги ТДПУ сайти.
2. <http://www.pedagog.uz/> Педагогика муассасалари портали.

8-buyurtma. 525 nusxa. Hajmi 9 b/t.
Nizomiy nomidagi TDPU Rizografida nashr qilindi.